

Сиёсий фикрлар

بِسْمِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

КИРИШ СЎЗИ

Сиёсат – Умнатнинг ички ва ташқи муносабатларини бошқармоқ бўлиб, у давлат ва уммат тарафидан олиб борилади. Давлат ушбу бошқарувни амалда бевосита олиб боради, уммат эса давлатни бу бошқарувни қандай олиб бораётгани устида муҳосаба қилади.

Халифалик давлати тугатилиб, исломий юртларда куфрнинг бошқарув низомлари татбиқ қилина бошлагандан буён Ислом сиёсий жиҳатдан тугатилди ва унинг ўрнини капиталистик мабда ақидасидан, яъни динни давлатдан ажратиш ақидасидан келиб чиқувчи сиёсий фикр эгаллади. Ислом Уммати англаши лозимки, Умнатнинг алоқа ва муносабатлари Халифалик давлати мавжуд бўлсагина Ислом асосида бошқарилади, сиёсий Исломни ҳаётдан ва диндан ажратиш Исломни, унинг тузум, қонунлар, қийматлар, ҳазорат ва рисолатини йўқ қилиш демакдир.

Капиталистик давлатлар «динни ҳаёт ва сиёсатдан ажратиш» ақидасини қабул қилиб, уни ёйишга, қонунларини Исломий

Умнатга татбиқ қилишга ҳаракат қилмоқда, «дин ва сиёсат бирлашмайди ва улар бири-бирига зиддир, сиёсат мавжуд воқеликка рози бўлиш, реализм» – деб тасвирлаб Умнатни адаштиришга уринмоқда. Токи Умнат куфр давлатлари зулм ва зўравонлик давлатлари исканжасида узоқ эзилсин, уйғонишга йўл тополмасин ва мусулмонлар исломий сиёсий ҳаракатлардан, сиёсат билан шуғулланишдан нафратланишсин. Зеро куфр давлатлари ўзларининг сиёсий фикр ва қонунларига сиёсий фаолият кўрсатиш билан ва Ислом асосида сиёсат билан шуғулланиш орқалигина зарба бериш мумкинлигини яхши биладилар. Уларнинг Исломий Умнатни сиёсатдан ва сиёсий кишиларидан нафратлантириши сиёсат – Исломнинг муқаддаслиги ва руҳониятига зиддир – деб тасвирлашгача етиб борди. Шунинг учун Умнат мусулмонларнинг уйғониши учун фаолият олиб бораётган, куфр фикрларига зарба бераётган ва Исломнинг шон-шавкатини ўз ўрнига қайтараётган исломий ҳаракатларга қарши куфр давлатларининг ва малай ҳокимларнинг кураши орқасида қандай

мақсадлар яшириниб ётганини англаб етиши зарур.

Шунга кўра Исломиё Уммат англаши зарурки, сиёсатнинг ўз луғавий ва шаръий маъноси мавжуд, сиёсий Ислом фақат Халифалик давлати билангина мавжуд бўлиши мумкин, бундай давлатсиз сиёсий Ислом ҳаётдан йўқолади. Исломиё қонунларнинг татбиқи ва ижроси учун сиёсий ижройё вужуд бўлган ушбу Халифалик давлати билангина тирик деб эътибор қилинади. Ушбу давлат Исломнинг қонун ва тузумларини умумий ҳаётда ижро қиладиган шаръий тариқатдир. Аллоҳ Таоло бу қонун ва тузумларни татбиқ қилишни Умматга фарз қилди ва куфр тузумларига ҳукм сўраб мурожаат этишни ҳаром қилди, чунки улар Исломга зид ва инсон ишлаб чиққан тузумлардир.

Шунинг учун Уммат Исломиё сақофат билан тарбияланиши, сиёсий фикр ва қонунлар билан суғорилиши, бу фикр ва қонунларнинг сиёсий фикрат бўлган исломиё ақидадан келиб чиқишини баён қилиш ва уларга руҳий жиҳатдан, яъни Аллоҳнинг буйруқлари ва қайтариқлари сифатида эътибор қаратмоқ лозим. Мана шу сифат Исломнинг ва аҳкомларининг дилга

маҳкам ўрнашишини таъминлайди ва Умматга сиёсат ва сиёсий фикр маъносини очиб беради. Умматни Исломнинг фикр ва аҳкомларини амалий ҳаётда юзага келтиришда зиммасига юкланган масъулиятни англашига олиб келади. Яна Ислом Давлати ва Исломнинг фикр ва аҳкомлари уммат ҳаётидан узоқлашиши туфайли уммат тушиб қолган аянчли ҳолда олам бошига тушган бахтсизлик, ёвузлик ва бир-бирини қул қилиш каби балоларнинг гувоҳи бўлар экан, барча одамларга етказиши фарз бўлган оламий рисолатнинг қанчалар аҳамият касб этишини идрок этишга сабаб бўлади. Исломнинг фикр ва аҳкомлари билан ва сиёсий воқеа-ҳодисаларни кузатиш воситасида бундай тарбиялаш Умматда сиёсий онгни шакллантиради ва Умматни асосий бурчини ва вазифаларини ўз зиммасига олишга туртки бўлади. У вазифа – исломий даъватни барча халқ ва умматларга олиб чиқишдир.

СИЁСИЙ ФИКР

Сиёсий фикр фикрлар ичида мутлақ олийсидир, у умматнинг алоқа ва муносабатларини бошқаришга тааллуқли фикрлашдир. Оламдаги инсонлар ҳақидаги муайян бурчакдан туриб фикрлаш сиёсий фикрнинг энг олий туридир.

Исломий ақида сиёсий фикрат, демак у сиёсий фикр бўлиб, мусулмонларда сиёсий фикрнинг асосидир. У мабда ёки низом ва диндир ва ундан давлат келиб чиқади. Исломий ақида ўзга ақида ва мабдалардан дунё ва охират ишларини ўз фикр ва қонунлари билан бошқарувчи сиёсий руҳий ақида бўлиши билан ажралиб туради. У шакллантираётган нуқтаи назар бошқа мабда ва тузумлардаги барча нуқтаи назарлардан фарқлидир. Шунингдек, унинг фикр ва қонунлари оламдаги мавжуд фикр ва қонунлардан асосда ҳам, келиб чиқиш манбаида ҳам, умумий ва жузъий фикр ва қонунларда ҳам ўзгачадир. Шунингдек у ҳаётнинг барча ишларига, инсонлар ўртасидаги алоқа-муносабатларга ва шу иш ва алоқа-муносабатларни бошқаришга оид бошқарув, иқтисод, ижтимо, таълим ва ички ва ташқи сиёсат ҳақидаги, шунингдек, ҳокимларнинг фуқароларга алоқаси ва

давлатнинг бошқа давлат, халқ ва миллатларга алоқаси ҳақидаги фикр ва қонунлардир. Демак Исломнинг сиёсий ақидаси ҳаётнинг барча кўриниш ва шаклларини ўз ичига оладиган ва ҳаётнинг барча воқеа-ҳодисаларига ечим берадиган мукамал умумий ақидадир. Аллоҳ Таолонинг ушбу оятлари фикримизнинг эркин далилидир:

﴿وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تِبْيَانًا لِّكُلِّ شَيْءٍ﴾

– „*Сизга Китобни барча нарсаларни баён қилиб берадиган қилиб нозил қилдик*“.

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتْمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيتُ

لَكُمْ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾

– „*Бугун сизларга динларингизни тўлиқ қилдим ва неъматимни мукамал тўлатўкис қилиб, сизларга Исломни дин бўлишига рози бўлдим*“.

Ақидадан келиб чиққан ушбу фикр ва қонунларнинг ҳаётдан узоқлашиши мусулмонлар ҳаётига қаттиқ таъсир қилди. Усманийлар даврида ғайриисломий фикр ва қонунларни давлат тарафидан қабул қилиниши ва уларни Исломдан деб эътибор қилиниши ва шахсларнинг ўз ҳаётларида

шаръий ҳукмларга амал қилишга бепарво туришлари Ислом Давлатини парчаланишига ва мусулмонларнинг шундай хорлик ва тубанликка тушуб қолишига бош сабаб бўлди. Шунинг учун мусулмонлар бутун эътиборини шаръий аҳком ва фикрларга қаратмоқлари зарур, шундагина давлатнинг иш юритишида шахс ва умматнинг ишлари тартиблашади.

Исломнинг сиёсий ақидадан келиб чиққан аҳкомлар мусулмонларга Исломни тўла татбиқ этишларини, Ислом асосида исломий вужуд барпо қилишларини ва тенгсиз ягона жамият-исломий жамият қуришларини вожиб қилади. Шунингдек ирқи, миллати ва рангидан қатъий назар ягона Исломий Уммат бўлишларини, яъни «ҳалол ва ҳаром» билан дунёқарашларини бир хил қилувчи, воқеа-ҳодисаларга қарашлари ҳамда улар устидан ҳукм чиқаришлари учун «ҳалол ва ҳаром»ни ўлчов этиб белгиловчи исломий ақида асосида битта давлат соясида бирлашган Исломий Уммат бўлишларини вожиб қилади.

Шунингдек, исломий ақида мусулмонларнинг исломий ҳаётни қайта бошлаш ва исломий даъватни ёйиш учун,

яъни мусулмонлар тақдирини ҳал қилувчи масалани ечиш учун гуруҳ ёки ҳизб ёки жамоа шаклида фаолият кўрсатишларини вожиб қилади. Исломий ҳаётни қайта бошлаш – мусулмонларни дорул Исломда исломий жамият ва давлат соясида ҳаёт кечиришга қайтаришдир. Исломий фикр ва туйғулар ҳукмрон бўладиган, Исломнинг тузум ва аҳкомлари татбиқ этиладиган ҳамда ҳаётнинг барча ишлари шаръий аҳкомлар асосида бошқариладиган жамиятда мусулмонлар Аллоҳнинг китоби, Росулининг суннати асосида ҳукм юритишлари ва исломнинг рисолат сифатида оламга даъват ва жиҳод орқали ёйилиши шартига кўра байъат қилиб халифа сайлайдиган Халифалик давлати бўлган Исломий давлат соясида исломий ҳаёт кечиришга қайтаришдир.

Исломий Уммат бугунги кунда уйғонишга эришмоғи учун ҳаётда исломий ақидани асос қилиши, бошқарув ва салтанатни шу ақида асосида қуриши сўнгра кундалик муаммоларини шу ақидадан келиб чиқувчи конунлар билан, яъни бошқа ҳар қандай эътибордан қатъий назар фақат Аллоҳнинг буйруқ ва қайтарувлари деган эътиборда шаръий аҳкомлар билан ҳал этиши зарур.

Шунда албатта уйғонишга эришади. Нафақат уйғонишга, балки тўғри уйғонишга эришади ва қайтадан буюклик чўққисига кўтарилиб, олам етакчилигини иккинчи бор қўлга олади. Шунинг учун Исломиё Уммат энг аввало ўз ақидаси, яъни нафақат руҳий фикрат, балки сиёсий фикрат деган эътиборда коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги умумий фикрати билан ва шу фикрат асосидаги восита ва ғоялар билан сиёсий тарбияланиши лозим.

Исломиё Уммат исломий ақидани коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги умумий фикрат, сиёсий ақида, фикрий асос, фикрий раҳнамолик ва ҳаётга бўлган муайян кўзқараш деб қабул қилаётган Исломиё Уммат бутун оламни, шу жумладан ўзини мана шундек қаро зулматда адашиб, сиёсий-иқтисодий зулм исканжасида эзилаётганини, зўравон кучларга қуллик қилаётганини ҳамда бахтсизлик, қуллик ва хорлашлар остида инграётганини кўриб турар экан оламни қутқариш, залолат ва адаштириш зулматларидан ҳидоят нурига ва ҳаёт саодатига чиқариш масъулиятини ўз гарданига олиш у учун фарздир. Исломиё Умматнинг ўзи ҳам зўравон кучлар исканжаси остида эзилаётган бўлсада,

фақат ўзи ҳақида ўйлаши ярамайди, зеро худбинлик у қабул қилган ақидага бегона, қалбида сақланаётган қиймат ва фикрлардан узоқ. Шунинг учун ўзи билан бир қаторда Оламни қутқариш ҳақида бош қотириши, ўзи ва Оламни озод этиш вазифасини ўз зиммасига олиши вожибдир. Зеро, у шу оламнинг бир бўлаги, у башарият ҳидояти учун юзага келган. Исломиё Уммат Ислом ақидасини қабул қилар экан башариятни бахтсизликдан чиқариш, зулм, хорлик ва кулликдан халос этиши у учун фарздир.

Исломиё Уммат ҳаёт ҳақида сиёсий фикратга ҳамда шу фикратни ҳаётда ижро этиш тариқатига эга. Агар бирор уммат соғлом фикрат ва тариқатга эга бўлса, шубҳасиз, у яхшилик келтиришга ва шу фикрат етакчилигини ёйишга лойиқдир. Шунинг учун Исломиё Уммат нафақат тўғри уйғонишга, шу билан бир қаторда ўзгалар учун яхшилик манбаи бўлишга, фикратини фикрий раҳнамолик ва ҳаёт ҳақидаги муайян дунёқараш сифатида одамларга ёйишга ҳам қодирдир. Ҳамда Исломиё даъватни халқ ва миллатларга ёйиш орқали олам муаммосини ҳал қилишга, оламни у қулаб бораётган

бахтиқаролик, хорлик ва қулликдан халос этишга қодирдир.

СИЁСАТ

Сиёсат – Умматнинг ички ва ташқи муносабатларини бошқармоқ бўлиб, у давлат ва уммат тарафидан олиб борилади. Давлат ушбу бошқарувни амалда бевосита олиб боради, уммат эса давлат бу бошқарувни қандай олиб бораётгани устида муҳосаба қилади.

Сиёсат учун берилган бу таъриф барча одамлар орасида умумийдир. Зеро, бу сиёсат моҳиятининг баёнидир. У ақл, ростгўйлик, салтанат ва шу каби барча одамларда битта маънода мавжуд бўлган воқелик таърифидир, чунки сиёсат маълум воқелик бўлиб, одамлар фақатгина уни аҳкомларида ҳар хил фикрда бўладилар. Бунинг устига унинг луғавий маъноси унинг ишларини бошқарди, демакдир. «Ал-Муҳит» қомусида келтириладики: «Халққа сиёсат қилдим – халққа буюрдим ва уни қайтардим» маъносидадир. Бу унинг ишларини буйруқ ва қайтариқлар билан бошқаришдир. Ҳокимнинг ишлари ҳақида ва мусулмонларнинг манфаатларига аҳамият бериш ва ҳокимни муҳосаба қилиш борасида келган ҳадислардан ҳам айнан шу таъриф хулоса қилинади. Росулulloҳ ﷺ

марҳамат қиладиларки: «Аллоҳ раиятга бирор бандасини бошлиқ қилса ва у раиятга сидқидилдан муомила қилмаса, жаннат ҳидини топмайди». «Мусулмонлар раиятига бошчилик қиладиган волий мусулмонлар ҳақ-ҳуқуқини поймол қилган ҳолда ҳаётдан ўтса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилади». «Яқинда амирлар бўлади. Сизлар уларни маъруфга буюриб мункардан қайтарасизлар. Кимки маъруфга буюрса, гуноҳдан пок бўлади ва кимки мункардан қайтарса саломат бўлади. Лекин кимки рози бўлиб, эргашса... Саҳобалар сўрашди: «Улар (амирлар) билан уришмаймизми?». «Йўқ, модомики намоз ўқишар экан», – деб жавоб бердилар Росулulloҳ ﷺ. «Кимки Аллоҳдан ўзгани ғамида тонг оттирса, у Аллоҳдан йироқда. Кимки мусулмонлар ҳақида қайғурмасдан тонг оттирса, мусулмонлардан эмас». Жарир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: «Мен Росулulloҳ ﷺга намозни адо этиш, закот бериш ҳамда ҳар бир мусулмон кишига сидқидил (яъни ичи бошқа таши бошқа бўлмас)дан муомала қилишга байъат қилдим». Яна шу кишидан ривоят қилинади: «Мен Росул ﷺга бориб, мен сизга Исломга байъат қиламан дедим.

Росул ﷺ менга бир неча шартларни ва шунингдек, ҳар бир мусулмонга сидқидилдан муомала қилишни шарт қилдилар». Ҳокимнинг бошқарув ишларига, Умнатнинг ҳокимни муҳосаба қилишига, мусулмонлар бир-бирларининг манфаатлари борасида қайғуришларига ва бир-бирларига сидқидилдан муомала қилишларига тааллуқли ҳадислардан «сиёсат – умматнинг алоқа ва муносабатларини бошқармоқ» таърифи хулоса қилиняпти. Бу билан сиёсат таърифи шаръий далиллардан олинган шаръий таъриф бўлади.

Умнатнинг ишларини амалда бошқариш ваколати шариат тарафидан фақат ҳокимга берилган бўлиб, раият ҳокимни ишларини бошқариши мумкин эмас. Ҳамда ҳоким фақат шаръий йўсинда ҳоким этиб тайинланиш орқалигина ҳокимлик ишларини бошқариш ваколатига эга бўлади. Яъни мусулмонлар байъати билан халифа этиб тайинланган бўлиши ёки халифа тарафидан ёки халифа рухсат берган волий тарафидан тайинланган бўлиши лозим. Агар шу йўсинда тайин этилмаса, ички ишларда ҳам ташқи ишларда ҳам Умнат ишларини бошқаришга ҳақли эмас.

Шариат салтанатни фақат ҳокимга берган бўлиб, одамларни бошқариш ёлғиз ҳокимни ҳуқуқидир. Росулulloҳ ﷺ марҳамат қиладилар: «Кимки амиридан бир ишни ёмон кўрса, унга сабр қилсин. Зеро кимда-ким Султондан бир қарич чиқса ва шу ҳолда ўлса, жоҳилият ўлимида ўлган бўлади». Демак ҳокимга қарши чиқиш Султонга қарши чиқишдир. Бинобарин ҳокимгина салтанатга эга, бошқа ҳеч ким эмас. Росулulloҳ ﷺ айтадиларки: «Бану Исроилга пайғамбарлар бошчилик қилар эди. Мендан сўнг пайғамбарлар йўқ, халифалар бўлади». Бу ҳадис «эй мусулмонлар, сизларга халифалар бошчилик қилади» – деган маънода бўлиб, уларга кимлар бошчилик қилишини кўрсатиб берди. Бунинг мазмуни шундан иборатки, Амирдан бошқаси султон бўлмайди ва Халифалардан бошқаси бошчилик қилмайди. Раиятни бошқариш ҳокимни ҳуқуқи эканига далилдир. Шунингдек, Росулulloҳ ﷺ нинг ўзлари ҳам салтанат ва одамларни бошқариш ишини давлат раиси сифатида бажарар эдилар. Шунингдек, салтанат ишларига ёки раиятни бошқариш ишларига одамларни ўзлари тайинлардилар. Ҳазотга

чиққанларида Мадинада ўринларига қолувчи кишини ёки волийлар, қозилар ва мол йиғувчиларни ёки сув тақсимоти, меваларни чамалаш каби манфаатларни бошқаришга кишиларни тайинлаганлар. Буларни барчаси салтанат ва бошқарув иши ҳокимга, яъни халифага ва халифа тайинлаган кишига, амирга ва амир тайинлаган кишига чекланганига далилдир. Салтанат одамлар ишларини мажбурий тарзда бошқармоқдир, яъни ҳокимлик масъулиятини бажариш ҳокимга чеклангандир. Бошқа шахс бу вазифани бажариши мутлақо жоиз эмас. Чунки шариат салтанатни ва одамларни бошқариш ишини халифа ва халифа тайинлаган кишиларга берган. Имомдан ва имом тайинлаган кишидан бошқа ҳар қандай шахс бошқарув ва салтанат ишларини бажарса, бу иши шариатга хилофдир, демакки ботил ва бекордир. Ҳар қандай ботил иш ҳаромдир. Бинобарин халифадан ва халифа тайинлаган кишидан бошқа шахснинг салтанат ва бошқарув ишларидан бирини бажариши мумкин эмас. Чунки бу ҳокимни вазифаси, бу вазифани ундан бошқаси бажариши дуруст эмас.

Исломий давлатнинг ички сиёсати давлат ичкарасида Ислом қонунларини ижро

қилишдир. Исломий давлат ўз салтанатига бўйсунган ўлкаларда Ислом қонунларини ижро қилар эди: муомалаларни тартибга солар, ҳадларни ижро қилар, жазо чораларини қўллар, ахлоқни муҳофаза қилар, ибодатлар бажарилишини кафолатлар ва раиятни барча ишларини Ислом қонунларига мувофиқ бошқарар эди. Ислом ўз салтанати остидаги Исломни қабул қилган ва қилмаган барча одамларга қонунларни қай йўсинда ижро қилишни баён қилиб берган. Исломий давлат фақат Ислом қонунларини шу йўсинга мувофиқ татбиқ этар эди, зеро муаммолар ечими шаръий ҳукм бўлгани каби ижро тариқати ҳам шаръий ҳукмдир. Чунки Аллоҳ барча инсонларга уларнинг фақат инсонлик сифатини эътиборга олиб Ислом билан мурожаат қилган. Аллоҳ Таоло марҳамат қилади:

﴿يَا أَيُّهَا الْإِنْسَانُ مَا غَرَّبَكَ بِرَبِّكَ الْكَرِيمِ﴾

– „Эй инсон, улуг Павардигорингдан сени нима алдаб кўйди?“.

Усули фиқҳ олимлари шаръий аҳкомлар билан мурожаат қилинувчилар мусулмонми, ғайри мусулмонми бундан қатъий назар хитобни англовчи ҳар бир оқил киши деб

эътибор қилганлар. Имом Ғаззолий усул илмига доир «ал-Мустасфо» китобида айтади: «Шаръий аҳкомлар билан ҳукм қилинувчилар мукаллафдир, мукаллаф хитобни англовчи оқил бўлиши шарт. Аҳкомларга риоя қилиш мажбурияти таклифни тушуна оладиган оқил инсонга юкланади».

Шунга кўра Ислом билан мурожаат қилинувчилар барча инсонлар бўлиб, уларга даъват ва таклиф йўлланяпти. Даъватни йўллашдан мақсад одамларни Исломни қабул қилишга даъват этиш, таклифни йўллашдан мақсад одамларга Ислом аҳкомларига риоя этиш мажбуриятини юклашдир.

Ислом Ислом тузуми билан бошқарилаётган жамоатни дини ва ирқидан қатъий назар яхлит инсоний жамоат деб эътибор қилади ва ундан фақат фуқаролик, яъни давлат ва тузумга садоқатни шарт қилади ва у тузумда майда миллатлар бўлмайди. Балки барча одамлар модомики, давлат гражданлигига эга эканлар, фақат инсон деган эътиборда Исломий давлат фуқароларидир. Бинобарин, Исломий давлатни ички сиёсати давлат гражданлигига эга мусулмон ёки

гайримусулмон бўлган барча кишиларга исломий шариатни ижро қилади.

Ислом давлатидаги ташқи сиёсат давлатнинг бошқа давлат, халқ ва миллатлар билан алоқаси бўлиб, бу алоқа Умматнинг ташқи ишларини бошқармоқдир. Ушбу ташқи сиёсат ўзгармас барқарор фикрат асосида қурилади, бу фикрат Исломни барча халқ ва миллатлар орасида ёйишдан иборатдир. Исломий давлатнинг ташқи сиёсати қуриладиган асоси мана шудир. Бу ҳокимият тепасидаги шахслар ўзгариши билан ўзгармайдиган барқарор собит асосдир. Бу асос барча асрларда Росул ﷺ Мадинада қарор топганларидан то Исломий давлатнинг охири сифатидаги Усмоний давлат тугатилгунга қадар мавжуд ва содир бўлган, мутлақо ўзгармаган. Росул ﷺ Мадинага келишлари биланоқ Исломий давлатнинг бошқа давлат ва халқлар билан алоқасини Исломни ёйиш асосига қура бошлаганлар. Ҳижозда даъватни ёйиш учун имконият яратиш мақсадида яҳудийлар билан битимлар туздилар. Сўнгра Араб ярим оролида даъватни ёйиш учун Қурайш билан Ҳудайбия битимини имзоладилар. Сўнгра даъват орқали Исломни ёйиш асосида алоқалар ўрнатиш учун Араб ярим

оролидан ташқаридаги давлатларга мактублар йўлладилар. Росул ﷺ дан сўнг халифалар келиб, улар ҳам барча давлатлар билан исломни ёйиш асосида алоқалар ўрнатиб, оламга исломий даъватни ёя бошладилар.

«Давлат» ичкарида Исломни татбиқ этиш ва ташқарида даъватни оламга ёйиш учун қурилади. Шунинг учун Исломий давлатнинг ташқи сиёсатидаги вазифаси исломий даъватни ёйишдан иборатдир. Муҳаммад ﷺ нинг барча одамларга пайғамбар этиб юборилиши Исломни ёйиш ташқи сиёсатнинг асоси бўлишини белгилаб беради. Аллоҳ Таоло марҳамат қилади:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَّةً لِّلنَّاسِ بَشِيرًا وَنَذِيرًا﴾

– *„Биз сизни барча одамларга хушxabар берувчи ва огоҳлантирувчи этиб юбордик“.*

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ مَوْعِظَةٌ مِّن رَّبِّكُمْ﴾

– *„Эй инсонлар, сизларга Парвардигорингиз томонидан панд-насихат келди...“.*

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا﴾

– *„Эй одамлар, албатта мен сизларнинг барчангизга Аллоҳ юборган элчман“.*

﴿وَأُوحِيَ إِلَيَّ هَذَا الْقُرْآنُ لَأُنذِرَكُمْ بِهِ وَمَنْ بَلَغَ﴾

– „**Бу Қуръон менга сизларнинг ва у етиб борган кимсаларни огоҳлантириш учун ваҳи қилинди**“.

Росул ﷺ ўз вазифаларини бажариб, инсонларга рисолатни етказдилар. У киши вафот этганларида унинг рисолатини инсонларга етказиш мусулмонлар томонидан давом этди. Демак исломий даъватни оламга ёйиш Росул ﷺ нинг ишларини давом эттиришдир. Исламий даъватни ёйиш Исламий давлатнинг бошқа давлат, халқ ва миллатлар билан бўлган алоқаси учун асос бўлгандир. Бу Қуръон, суннат ва ижмо билан собит бўлган шаръий ҳукмдир. Шунинг учун Исламий давлатнинг ташқи сиёсати Исламий даъватни оламга ёйишдир.

Бу ташқи сиёсат ҳокимият тепасидаги кишилар ўзгарса ҳам ўзгармайдиган барқарор тариқат – жиҳод билан амалга оширилади. Бу тариқат барча асрларда Росул ﷺ Мадинада қарор топганларидан то Исламий давлат тугатилгунга қадар мавжуд бўлган, мутлақо ўзгармаган. У киши Мадинада давлат барпо қилибоқ даъват олдида тўсқинлик қилиб турган моддий

тўсиқларни олиб ташлаш учун қўшин тайёрлаб жиҳод бошладилар. Қурайш даъват йўлида тўсқинлик қилаётган моддий тўсиқ эди. Росул ﷺ уни йўқ қилишни режалаштирди. Қурайшни даъват олдида тўсқинлик қилаётган вужуд сифатида йўқ қилдилар. Сўнг тўсқинлик қилаётган бошқа вужудларни ҳам бартараф этдилар. Ва ниҳоят Ислом бутун Араб ярим оролига тарқалди. Сўнг Исломий давлат бошқа халқ ва миллатлар орасида Исломни ёйиш учун эшик қоқа бошлади. Давлат ушбу халқ ва миллатлар тепасида турган ҳокимиятнинг даъват йўлида тўсқинлик қилишига учради. Давлат мажбурламасдан энг чиройли йўл билан даъват қилиш орқали Исломга чақириш учун бу тўсиқни бартараф этишни ва халқнинг ўзига бевосита боғланиши лозим, токи халқ Ислом адолати ва байроғи остида яшашдаги фаровонлик ва хотиржамликни ўз кўзи билан кўрсин. Шундай қилиб жиҳод Исломни ёйиш учун тариқат бўлишда давом этди. Жиҳод қилиш орқали шаҳар ва мамлакатлар фатҳ қилинди, давлатлар йўқотилди, халқ ва миллатларга Ислом ҳукмронлик қилди, Ислом ёйилди. Ислом билан бошқарилиш натижасида миллионлаб одамлар исломни

қабул қилдилар. Бинобарин ташқи сиёсатда йўл тутилган тариқат жиҳоддир. У барқарор, ўзгармас ва бундан кейин ҳам ўзгармайдиган тариқатдир.

Исломий давлат Ислом ҳақида аниқ, равшан маълумотлар бериш, Ислом фикрларини ёйиш, Исломга даъват ва тарғибот қилиш, шунингдек, Исломий давлатни куч-қудратини кўрсатиш ва мусулмонларнинг журъат ва матонатларини намоён қилиш ишларига тааллуқли сиёсий ишлар бажариши лозим. Росул ﷺ бу борада бир қанча ишлар олиб борган. Ширк мамлакатлари марказига Ислом даъватчиларини юборганлар, масалан, Ислом хабарини етказиш учун Наждга қирқ кишини жўнатганлар. Давлат куч-қудратини кўрсатиш мақсадида Табук ғазотига чиқишдан олдин Мадинада мусулмонлар армиясини намоён қилганлар. Шунинг учун ҳам Росул ﷺ «Бир ойлик масофада туриб қўрқувга солиш қувватига эга бўлдим» – деганлар. Асрлар давомида мусулмонлар армияси энг ҳайбатли армия бўлган. Шунинг учун исломий фикрларни ёйиш, Исломий давлат куч-қудратини кўрсатиш сўнгра урушга тааллуқли сиёсий ишлар олиб бориш зарур.

Жиҳод Исломни ёйиш учун ўзгармас, барқарор тариқат бўлса-да, лекин уруш бошлашдан олдин сиёсий ишлар ва аниқ мақсаддаги ҳаракатлар олиб бориш лозим. Бу ишлар Исломий давлат билан бошқа давлат, халқ ва миллатлар ўртасидаги алоқаларни яхши қўшничилик алоқалари, иқтисодий алоқалар ва шу каби Исломни ёйиш ишларини енгиллаштирувчи муайян тарафга йўналтиришда асосий ишлардир. Шунга кўра Исломий давлатнинг бошқа давлат, халқ ва миллатлар билан алоқаси қуриладиган асосий фикрат – улар орасида Исломни ёйиш ва уларга даъватни етказишдир ва бунинг тариқати Аллоҳ йўлидаги жиҳоддир.

Давлатнинг Уммат тарафидан муҳосаба қилиниши масаласига келсак, Ислом мусулмонларга ҳокимларни муҳосаба қилишни фарз қилган. Ҳокимлар мусулмонларга зулм қилиб, ҳақларини поймол этса ҳам, уларга итоат этиш вожиблиги уларга сукут қилишни англатмайди. Балки уларга қилган иш ва ҳаракатларида муҳосаба қилиш вожиблиги билан бирга уларга итоат этишни билдиради, холос. Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло мусулмонларга ҳокимларни муҳосаба

қилишни фарз қилиб, ҳокимлар фуқаролар ҳақларини ўзлаштирган ёки фуқаролар олдадаги вазифаларини бажаришда сустлик қилган ёки раиятнинг туб манфаатларига бепарво қараган ёки Ислом қонунларига зид иш тутган ёки Аллоҳ нозил этгандан бошқа қонунлар билан ҳукм юритган вақтда мусулмонларни бу мункар ишларни ўзгартиришга буюрган. Муслим Умму Саламадан ривоят қилади: «Яқинда амирлар бўлади, уларни маъруфга буюриб, мункардан қайтарасизлар. Кимки маъруфга буюрса, гуноҳдан пок бўлади ва мункардан қайтарса, саломат бўлади. Лекин кимки рози бўлиб, эргашса... Шунда «улар билан урушмаймизми?» – дея саҳобалар савол қилдилар. Йўқ модомики намоз ўқишар экан – деб жавоб бердилар, Росул ﷺ». Бошқа ривоятда «Кимки маъруфга буюрса пок бўлади ва кимки мункардан қайтарса саломат бўлади». Бу ривоят бошқа бир ривоятни изоҳлаяпти. Росул ﷺ ҳокимга имкониятдаги ҳар қандай восита билан инкор қилишни буюриб, бу инкорни вожиб қилдилар. Бу инкор урушсиз, яъни қиличсиз бўлиш шартига кўра қўл билан ёки тил, яъни ҳар қандай сўз усули билан ёки булар

имкони бўлмаганда дил билан амалга оширилади. Росул ﷺ мункарни инкор қилмаган кишини гуноҳда ҳокимга шерик деб эътибор килдилар, зеро, «кимки рози бўлиб эргашса... гуноҳдан пок ҳам, саломат ҳам бўлмайди» – деб айтганлар.

Амри маъруф ва наҳи мункар борасидаги далиллар ҳокимни муҳосаба қилиш вожиблигига далолат қилади. Зеро, Аллоҳ Таоло амри маъруф ва наҳи мункар қилишга қатъий равишда буюради:

﴿وَلَتَكُنَّ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ
بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

– „Сизлардан яхшиликка (Исломга) чақирадиган, амри маъруф ва наҳий мункар қиладиган уммат-жамоат бўлсин. Ана шулар зафар топувчилардир“.

﴿وَالْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ يَأْمُرُونَ
بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ﴾

– „Мўмин ва мўмина бир-бирларига дўстдир, маъруфга буюриб мункардан қайтарадилар“.

﴿كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ﴾

– „Сизлар одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат-жамоатсизлар, маъруфга буюрасизлар, мункардан қайтарасизлар“.

﴿الَّذِينَ يَتَّبِعُونَ الرَّسُولَ النَّبِيَّ الَّذِي يَجِدُونَهُ مَكْتُوبًا عِنْدَهُمْ فِي التَّوْرَةِ وَالْإِنجِيلِ يَأْمُرُهُمْ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَاهُمْ عَنِ الْمُنْكَرِ﴾

– „Улар шундай кишиларки, уммий (саводсиз) пайгамбарга – номини ўз олдиларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолда топишадиган - элчимизга эргашидилар. У пайгамбар уларни яхшиликка буюради ва ёмонликдан қайтаради“.

﴿التَّائِبُونَ الْعَابِدُونَ الْحَامِدُونَ السَّائِحُونَ الرَّاكِعُونَ السَّاجِدُونَ

الْأَمْرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَالنَّاهُونَ عَنِ الْمُنْكَرِ﴾

– „(Улар) – тавба қилувчилар, (Аллоҳнинг Ўзигагина) ибодат қилувчилар, шукур қилувчилар, рўза тутувчилар, рукуъ-сажда қилувчилар, маъруфга буюрувчилар, мункардан қайтарувчилар...“.

﴿الَّذِينَ إِن مَكَّنَّاهُمْ فِي الْأَرْضِ أَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتَوُا الزَّكَاةَ
وَأَمَرُوا بِالْمَعْرُوفِ وَنَهَوْا عَنِ الْمُنْكَرِ﴾

– „Улар шундай зотларки, биз уларга ерда ҳокимият берсак, номоз ўқийдилар, закот берадилар, маъруфга буюрадилар, ва мункардан қайтарадилар“.

Аллоҳ Таоло бу оятларда амри маъруф ва наҳи мункар қилишни талаб қиляпти. Бу талаб қатъий талаб, чунки бу ишларни қилган кишиларга мақтов айтиш шунга ишорадир: «Ана шулар зафар топувчилар». «Тавба қилгувчилар, ибодат қилувчилар...» ва шу каби оятлар талабни қатъий эканига, яъни фарз эканига далилдир. Бундан ташқари маъруфга буюриш ва мункардан қайтаришга далолат қилувчи бир қанча ҳадислар ҳам келган: «Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, маъруфга буюрасизлар, мункардан қайтарасизлар ёки Аллоҳ сизларга ўз ҳузуридан азоб юборади. Сўнг унга дуо қиласизлар, дуоларингиз қабул бўлмайди» (ҳузайфа ибн ал-Ямондан ривоят қилинган). Абу Саид ал-Худрий ривоят қилади: «Сизлардан кимки мункарни кўрса, қўли билан ўзгартирсин, қодир бўлмаса, тили билан ўзгартирсин, бунга ҳам қодир бўлмаса, дили билан ўзгартирсин. Бу имоннинг энг

заифидир». Адий ибн Умайядан ривоят қилинади, Росул ﷺ дедилар: «Аллоҳ айрим кишилар қилмиши билан барчани азоблайди. Одамлар ўз ораларида мункарни кўрсалар, мункарни қайтаришга қодир бўла туриб қайтармасалар, шунда Аллоҳ барчани азоблайди».

Ушбу ҳадислар маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш вожиблигига ҳам далолат қилади. Ҳокимни маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш уни қилган ишларида муҳосаба қилишдир. Ҳокимни муҳосаба қилиш, уни маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш муҳим аҳамиятга эга бўлгани учун таъкид юзасидан, хусусан, ҳокимга тааллуқли ҳадислар келган. Атийя Абу Саиддан ривоят қилади: «Энг афзал жиҳод – золим султон ҳузурида айтилган ҳақ сўздир». Абу Умомадан ривоят қилинади: «Бир киши биринчи жамарот кунда Росул ﷺ га келиб, қайси жиҳод афзал? - деб сўради. Росулulloҳ ﷺ индамадилар. Иккинчи жамаротни отганларида яна сўради. Росулulloҳ ﷺ индамадилар. Ақаба жамрасини отиб, отга миниш учун узангисига оёқ қўйганларида «савол берувчи қани?» - деб сўрадилар. У «Менман ё Расулulloҳ» – деди. «Золим султон ҳузурида айтилган ҳақ сўздир»—

дедилар Росулulloҳ ﷺ. Бу ҳоким ҳузурида ҳақни сўзлаш, яъни уни муҳосаба қилиш ҳақидаги ҳужжат. Бинобарин раият ҳақларини еяётган, ўз вазифаларида суствлик қилаётган, уммат ишларига бепарво қараётган ҳокимлар билан курашиш фарздир, чунки Аллоҳ бун талаб қилиб, жиҳод каби эътибор қилди, балки жиҳоддан ҳам афзал билди. Гўеки, Аллоҳ Таоло наздида энг афзал жиҳод – золим ҳокимлар билан курашиш – деб айтгандек. Ҳокимларни муҳосаба қилиш вожиблигига далил сифатида шунинг ўзи кифоядир. Росулulloҳ ﷺ ҳокимларни муҳосаба қилишда ҳар қанча озор, ҳатто ўлим хавфи бўлса ҳам, уларни муҳосаба қилишга тарғиб қилдилар: «Шаҳидлар улуғи Ҳамза عليه السلام ҳамда золим ҳокимга қарши туриб уни маъруфга буюриб, мункардан қайтарган, сўнг золим ҳоким ўлдириб юборган кишидир». Бу ҳокимларни муҳосаба қилиш ва золим ҳокимлар билан курашиш йўлида ҳар қандай озорга, ҳатто ўлимга ҳам сабр қилишга тарғиб этишнинг энг чиройли ифодасидир.

СИЁСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Ташқи сиёсатни тушуниш давлат ва Умнат вужудини сақлаш учун муҳим, даъватни оламга ёйиш учун асосий ва Умнатнинг бошқалар билан алоқасини тўғри йўсинда тартибга солиш учун зарурий ишдир.

Исломиё даъватни барча одамларга етказиш Исломиё Умнат зиммасида бўлгани туфайли мусулмонлар олам билан боғланишлари лозим. Оламдаги ҳолатларни англаган, унинг муаммоларини тушунган, давлат ва халқларни мақсадларини билган, бўлаётган сиёсий ишларни кузатган ва давлатни сиёсий ишларини амалга ошириш услубларидаги, бир-бирлари билан алоқаларидаги ва сиёсий ўйинларидаги сиёсий режаларини мулоҳаза этган ҳолда боғланишлари лозим. Шунинг учун мусулмонлар исломиё оламдаги аҳвол моҳиятини халқаро аҳволни билган ҳолда ўрганишлари зарур, токи давлат барпо қилиш ва даъватни оламга олиб чиқиш учун фаолият кўрсатиш услубини аниқ билиб олишлари мумкин бўлсин.

Шунинг учун мусулмонлар халқаро аҳволни, халқаро аҳволга тааллуқли тафсилотларни ҳамда оламдаги мавжуд давлатларнинг, хусусан, халқаро аҳволда

таъсирга эга давлатларнинг аҳволини тўла билишлари зарур.

Барча давлатлар Исломга душман, чунки улар Исломга зид бўлган дин ва мабдаларга эътиқод қилади, исломий дунёқарашга зид бўлган дунёқарашга эга. Бундан ташқари айниқса катта давлатлар исломий ўлкаларга кўз олайтиради. Шунинг учун Исломий Умматга барҳам бериш мақсадида Исломий давлатни йўқ қиладилар ва дунё халқлари ўртасида қайтадан буюк умматга айланишининг олдини олиш мақсадида Исломий давлат қайта қурилмаслиги учун узоқ режалар ишлаб чиқишди. Табиийки Исломий Уммат ҳаракатга келишидан илгари Исломий давлатни бешигидаёқ ўлдириш учун режалар тузишади, ҳаракатлар олиб боришади. Бу душман давлатлар давлат сифатида ёки халқ сифатида, ҳатто шахс сифатида ҳам қудратли экан Исломий Умматга, унинг мавжуд бўлишига ва кучайишига келажакда ҳам қарши курашда давом этадилар.

Оламдаги ҳар бир давлатнинг сиёсатини билиш сиёсий мусулмон киши учун зарурий иш бўлса, буюк давлатнинг сиёсати моҳиятини, мақсадларини, режа, услуб ва воситаларини ҳар қандай мусулмон кишига

умумий равишда, ҳар бир сиёсий балки фикрловчи мусулмон кишига батафсил равишда билиш ниҳоятда аҳамиятли ишдир. Хатарларни олдиндан билиш, Исломий давлат ва Исломий Уммат хавфсизлиги учун давомли ишлаш ва исломий даъватни оламга ёйиш мақсадида кунда ўзгариб янгиланиб турувчи воқеа-ҳодисаларни кузатиб ва ҳар қандай буюк давлат сиёсати қуриладиган асосларни тўла тасаввур этиб, уларни сиёсатини билиш ўта муҳим ишдир.

СИЁСАТ МУМКИНОТЛАР ФАНИ

Сиёсат ишларни бошқаришга тааллуқли фикрлардир, бу фикрлар ақида ва қонунлар каби асослардан иборат бўлиши ҳам ёки бўлиб ўтган, бўлаётган ва энди бўладиган ишлар бўлиши ҳам мумкин. Агар сиёсат воқеликдаги иш бўлса, бу иш ҳозирдаги ишлар бўладими ёки келажакдаги ишлар бўладими бундан қатъий назар у сиёсат бўлади. Агар у ўтиб кетган иш бўлса, яқинда ўтганми, қадимда ўтганми бундан қатъий назар тарихга айланиб қолади. Шунинг учун тарих шароит ва вазиятлар ўзгариши билан ўзгарадиган ҳақиқатлар бўлса ҳам ёки шароит ва вазиятлар туфайли пайдо бўлиб, шу шароит ва вазиятлар кетиши билан кетган ҳодисалар бўлса ҳам сиёсат эди, эндиликда тарихга айланди. Ҳақиқатлар жиддий ўрганиш лозим бўлган тарихдир. Ҳодисалар эса, олинмаслиги ва ўқувчи уни ўқиётганда ҳушёр бўлиши лозим, токи уни ўз вазият ва шароитлари билан боғламаган ҳолда олиб хатога тушиб қолмасин.

Инсон инсон бўлгани ва шу шароитда яшаётгани сабабли сиёсий кишидир, сиёсатни севади ва у ҳақида бош қотиради. Чунки, у ўзининг, ўз жовобгарлик остидаги

кишиларнинг, халқнинг, мабда ва фикрларининг ишларини бошқаради. Бироқ ўз халқи, давлати ва минтақаси ишларини бошқаришга мутасаддилик қилаётган шахслар ёки уюшмалар ёки давлат ёки халқаро уюшмалар инсон фарзанди бўлгани, сиёсат – бошқарув билан шуғуллангани сабабли ҳақиқий сиёсий кишилардир. Шунинг учун улар машҳур сиёсий кишилар бўлишади. Уларга «Сиёсий киши» деган ном берилиб, оддий кишиларга бу ном берилмайди. Чунки оддий кишиларнинг ҳаётдаги фаолияти ва бошқарув ишида фикрлашлари чеклангандир. Сиёсат борасидаги баҳс барча кишиларни эътиборга олмайди, балки ана шу сиёсий кишиларнигина эътиборга олади.

Олимлар сиёсатга мумкинотлар фани деб таъриф беришган. Бу тўғри таърифдир. Бироқ одамларнинг сиёсатни одатда жорий ишларга чеклаб қўйишлари хатодир. Зеро, сиёсат бу маънода фақат воқелиқдан иборат бўлиб, воқени баҳс қилиш ва воқега мувофиқ юриш маъносини беради. Агар шу маъно тўғри бўлганда, тарих вужудга келмас, сиёсий ҳаёт бўлмас эди, чунки тарих – воқелиқни ўзгартирмоқдир, сиёсий

ҳаёт – жорий воқеаларни бошқа воқеаларга айлантирмоқдир. Шунинг учун одамлар ва сиёсий кишилар тушунганидек «сиёсат – мумкинотлар фани» деб таъриф бериш хатодир. Лекин мумкинот сўзини асл маъноси билан, яъни маҳол ишнинг ва юзага келиши қатъий бўлган ишнинг зидди маъноси билан олганда тўғри таърифдир. Зеро, сиёсат маҳол ишлар фани эмас, балки мумкин ишлар фанидир. Мумкинотга тааллуқли бўлмаган, аниқроқ қилиб айтганда воқега ҳамда бўлиши мумкин бўлган воқеаларга тааллуқли бўлмаган фикрлар мантиқий фаразлар, қуруқ хаёллар холос, сиёсат эмасдир. Фикрлар сиёсий фикрлар бўлиши, яъни сиёсий бўлиши учун албатда мумкинотга тааллуқли бўлиши зарур. Шунинг учун сиёсат маҳол ишлар фани эмас, мумкинотлар фанидир. Маҳол иш сиёсат эмасдир. Воқе ва воқелик ҳам сиёсат эмас, чунки булар тарихнинг зиддидир. Агар ишлар мумкинотлар асосида ўзгармайдиган бўлганда сиёсат ҳам тарих ҳам бўлмас эди. Тарих воқени бошқа воқега ўзгариши. Сиёсат маҳол ишни зидди бўлган мумкин ишлар фанидир. Росулulloҳ ﷺ сиёсатга мумкин ишлар фани деб қараб,

ширк ўрнига Исломни қурдилар, муаммоларга Ислом фикри ва қонунлари билан ечим бердилар, натижада куфр ва ширк фикрлари ўрнини Исломнинг фикр ва қонунлари эгаллади. Мустамлакачилик, айниқса ғарб мустамлакачилиги Исломни, Ислом хавфини ва унинг ҳаёт майдонига қайтиб келиши хавфини яхши англайди ва шунинг учун сиёсатга воқеликка риоя қилишдир. Сиёсат мустамлакачилик фикрига кўра мумкинотлар фани, яъни воқелик асосида иш юритмасликни пуч хаёл ва сафсата, деб номлашади, токи одамлар Исломдан, унинг фикрларидан узоқлашсинлар, яъни воқега рози бўлиб уни ўзгартириш ҳақида фикр юритмасинлар. Демак Уммат онгига сингдирилган ушбу тушунчага қарши курашиш ҳамда сиёсат уммат ишларини воқелик асосида эмас, балки Ислом қонунлари асосида бошқармоқ эканини англаб етиш зарур.

СИЁСАТ ВА ХАЛҚАРО СИЁСАТ

Сиёсат уммат ва давлат ишларини бошқаришга ўхшаш маҳаллий маънода гарчи муҳим бўлса ҳам унга чекланиш ва уни биринчи даражага қўйиш тўғри эмас. Чунки бу худбинлик ва ўзи учун ҳаракат қилиш демакдир. У сиёсий кишилар орасида ҳамда уммат ёки гуруҳлар орасида ички кураш пайдо қилиб, уммат ва давлатга зарар келтиради, кишини сиёсатни англамайдиган қилади, ва устига-устак умматнинг ишларидан беҳабар қилади. Сиёсий киши сиёсий бўлиши учун албатта умматнинг ишларини бошқармоғи лозим. Бунинг учун бошқа халқ ва давлатлар ишларига аҳамият қаратиш, хабар ва ҳаракатларини кузатиш ва улар ҳақида имкони борича кенг маълумотларга эга бўлиш зарур.

Шунинг учун халқаро сиёсат ва ташқи сиёсат сиёсатнинг ажралмас қисмидир. Бинобарин, сиёсат ўз уммати ишларини ҳамда бошқа халқ ва давлатлар ишларини бошқариш ҳақидаги фикрлар бўлсагина сиёсат бўлади. Халқаро ва ташқи сиёсатнинг сиёсатга алоқаси жузни бутунга алоқаси кабидир, балки сиёсатни ташкил этувчи элементар қисмидир.

Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган ташқи ва халқаро сиёсат барча халқ ва давлатларнинг сиёсати эмас, балки халқаро майдонда нуфузли бўлган, айниқса умматга, унинг давлатига ва давлат асосладиган ақидага таъсир ўтказадиган халқ ва давлатлар сиёсатидир. Демак ташқи ва халқаро сиёсат халқаро майдонда нуфузли бўлган, хусусан, ўз уммати ва давлати сиёсатига эртаю кеч таъсир ўтказадиган халқлар ва давлатлар сиёсатидир.

Шунинг учун бутун Исломиё Уммат, хусусан, сиёсий кишилар ташқи хавф-хатардан сақланишга аҳамият қаратишлари, яъни ташқи сиёсатни ҳамда халқаро сиёсатни ўрганишлари, кузатишлари ва хавфни ўринларини кўра олишлари зарур.

Бироқ Исломиё давлат ҳокимлар дегани эмас, балки амалда Халифалик салтанати остидаги Умматдир. Бутун уммат – давлатдир. Куфр давлатлари буни яхши англайди ва шу тушунча асосида иш олиб боради. Модомики уммат ўзининг давлат эканини англаса, душманларини таниш учун ва уларга отланиш учун бошқа давлат, халқ ва миллатлар хабарларини давомли равишда кузатади. Шунинг учун ташқи сиёсат хабарлари бутун Уммат орасида кенг

тарқалиши, инсонлар тарафидан умумий равишда идрок этилиши ва улар сиёсий киши ва муфаккирларга айланишлари зарур. Токи улар уммат мажлисига муҳосаба ва маслаҳат учун ўзларидан вакиллар сайлаганда уларни сиёсат ва халқаро сиёсатни англаган ҳолда сайласинлар. Чунки сиёсат ва халқаро сиёсатни англаш Умматда ва уммат мажлисидаги уммат вакилларида топилиши зарур бўлган сифатдир. Ташқи сиёсат ва халқаро сиёсатни билиш сиёсий кишиларнинг иш ва фикрларида етакчи ўринда бўлиши ва муфаккирларнинг фикрларида аниқ фикрлашларида намоён бўлиши зарур. Чунки, мусулмон киши ҳаётда мана шу Ислом учун, исломий даъват учун келган. Ҳаётда Дин учун, дин ҳимояси учун ва унинг даъватини ёйиш учун яшайди. Жиҳод Исломнинг чўққиси бўлса, исломий даъватни ёйиш жиҳод учун ғоядир. Бу эса, ташқи сиёсатдан ва халқаро сиёсатдан боҳабар бўлиб туришни тақазо этади.

Халқаро майдонда таъсирга эга бўлишга ҳамда буюк ва нуфузли бўлишга кўз тикаётган давлат ташқи сиёсатни асосий ишларидан бирига айлантиради ва ичкари ва ташқаридаги мавқеини барқарор қилишда

уни восита қилиб ушлайди. Бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Шундай экан сиёсий кишилар ҳокимиятда бўладими ёки йўқми қайси соҳада бўлишидан қатъий назар ташқи ва халқаро сиёсатни кенг кўламда билишлари лозим. Чунки, айни шу иш уларни сиёсий киши, яъни умматлар ишларини бошқарувчи мақомига кўтаради. Зеро, Умматларнинг асосий ишлари ташқи сиёсат ва халқаро сиёсатга боғлиқдир. Шунинг учун барча сиёсий ҳизбларнинг умуман сиёсий киши ва илм аҳлининг энг муҳим ишлари ташқи сиёсат ва халқаро сиёсат бўлмоғи зарур.

Ташқи ва халқаро сиёсатни билиш, айниқса сиёсий кишилар ҳамда муфаккир ва олимлар учун зарур экан, уларни умумий равишда ўрганиш ярамайди. Бундай ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмасада, хавфни олдиндан билиш, хавфдан қандай сақланиш лозимлигини билиш ва воқеа-ҳодисаларни, душманнинг ният-мақсадларини тушуниш учун етарли эмас. Балки тафсилотларига киришиш, воқеа-ҳодисаларни, ишларни кузатиш, уларни сиёсий таҳлил этиш ва ният-мақсадларини англаш зарур. Душманнинг давлат ва умматга қарши ният-мақсадларини англаш учун аввало унинг

сўзини ва сўз сўзлаган вазиятни, иккинчидан унинг ҳаракатларини ва ҳаракатлар олиб борилган вазиятни, учинчидан алоқаларни ва ушбу алоқалар вазиятини ўрганиш зарур. Ушбу уч нарсани билмасдан туриб душманнинг ният-мақсадларини англаш мумкин эмас.

Бу уч нарсани билиш учун албатта тафсилотларни билиш керак. Сўзнинг тафсилотларини билиш ва кузатиш зарур, шунда сўз айтилган вазиятлар англонади. Ҳаракат ва алоқалар ҳам шундай. Оддий халқ тафсилотларга аҳамият бермаса-да, атоқли кишилар, айниқса сиёсий кишилар бунга аҳамият қаратмоқлари зарур, чунки улар жавобгар шахслардир ва улар ўзларини уммат ишларини бошқарувчи кишилар деб биладилар.

Ҳозирда халқаро аҳвол ва нуфузли давлатлар ўз сиёсатида дипломатия алоқаларига ҳамда малайларга таянади. Бу вақтинчалик ҳолатдир ва у хавф туғдирувчи куч йўқлиги учун мавжуддир. Агар хавф туғдирувчи куч юзага келса, бу ҳолат ўзгаради ва халқаро аҳвол нуфузли давлатлар сиёсий ва ҳарбий ишларга таянадиган бўлади. Лекин ҳар қандай ҳолатда бу ишларда ҳам тафсилотларга

аҳамият бериш зарур. Масалан, малайлар мавзуси олинса, албатта уларни танимоқ керак, кофир давлатлардаги бўлса ҳам. Дипломатия алоқалари ёки сиёсий ишлар олиб борилса, бу алоқа ва ишларнинг тафсилотларини, айниқса махфий алоқа ва ишлар тафсилотларини билиш зарур.

Ташқи сиёсат ва халқаро сиёсат малайлар ёки дипломатия алоқалари воситасида олиб бориладими ёки сиёсий ва ҳарбий ишлар орқали олиб бориладими бундан қатъий назар уларни тафсилотлари билан ўрганиш зарур. Шунда сиёсат ҳамда ният ва мақсадлар англанади, сўзнинг ёки ҳаракатларнинг ёки алоқанинг асл моҳияти билинади. Модомики тафсилотлар ўрганилмас экан, сиёсатни тушуниб бўлмайди, киши сиёсий киши бўлиб етиша олмайди ва ўз навбатида ният ва мақсадлар қоронғулигича қолиб кетади.

ХАЛҚАРО АҲВОЛНИ ТУШУНИШ

Халқаро аҳвол – халқаро майдонда таъсирга эга давлатлар ўртасидаги алоқалар структурасидир. Халқаро майдонда иш олиб бораётган давлатлар кўп бўлса-да, лекин таъсир ўтказаетган давлатлар оздир. Давлатлар кучли ва заиф бўлиб туриш эътибори билан улар ўртасидаги алоқалар ўзгариб туради. Бу ўзгаришлар гоҳида урушлар сабабли юзага келади, уруш бир давлатни йўқотиб, бошқа бирини халқаро майдонда таъсир жиҳатидан заифлаштиради, сўнг уни ўрнини бошқа давлат эгаллашга интилади. Гоҳида эса, аста-секин тараққий этиш натижасида тинчлик ҳолатида ҳам бир давлат кучайиб, бошқаси заифлашади. Лекин ўзгаришлар ясашда уруш актив таъсирга эга. Давлатлар кучли ва заиф бўлиб ўзгариб туриши натижасида халқаро майдондаги бош алоқалар, баъзан жузъий алоқалар ҳам ўзгариб туради. Халқаро майдонда таъсирга эга давлатларнинг кучли ёки заиф бўлиши ва уларнинг ҳолатларида ўзгаришлар бўлиши тез кечмагани туфайли халқаро мавқеда ўзгаришлар бўлиши ҳам узоқ вақтни талаб қилади.

Давлатнинг кучлилиги ҳарбий кучигагина чекланмайди, балки моддий, фикрий ва маънавий кучларни ҳам ўз ичига олади, яъни

оламга рисолат сифатида олиб чиқиладиган мабда, ҳарбий ва иқтисодий кучлар, сиёсий ишларда моҳирлик ва дипломатия алоқаларида усталиклардан иборат.

Давлат халқаро майдонда бошқа давлат билан курашишда халқаро вазиятдан келиб чиқиб ишлатиш мумкин бўлган энг таъсирли кучлардан фойдаланади. Мабдаий, ҳарбий ва иқтисодий кучларнинг ҳар-бирида манфаатлар келтириш, шу манфаатларни ҳимоя қилиш ва давлат учун халқаро майдонда халқаро мавқе ва ҳайбат пайдо қилиш имконияти мавжуд. Чунки уларнинг ҳар бири билан кучли сиёсий нуфузга эга бўлиш мумкин. Лекин ҳарбий куч энг кўринган ва актив куч бўлиб қолади, негаки у – давлат рамзи ва унинг асосий кучидир. Сиёсий кишиларнинг ишлари орқасида ҳарбий кучлар туради, чунки бошқа кучлар муваффақиятсизликка учраганда ҳарбий кучга мурожаат қилиш мумкин.

Ҳарбий куч уни ишлатиш иродаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ироданинг кучли бўлиши у учун куч бўлса, унинг заиф бўлиши у учун заифликдир. Давлат ўзидан анча кучли давлатга қарши чиқишда ёки икки давлат орасида ҳарбий кучлар қуролланиш пойгаси сабабли бир-бирини тўла вайрон қиладиган даражада кучайганда ҳарбий кучларни ишлатиш иродаси заифлашади. Бу вақтда

давлатнинг кучли бўлишида мабда кучи, иқтисодий, дипломатик алоқалар ва сиёсий ишлар каби бошқа элементларнинг муҳим аҳамияти яққол кўринади.

Давлатнинг халқаро майдонда фаолият олиб боришидан мақсад давлат учун манфаат келтириш ва шу манфаатларни ҳимоя этишдир. Давлатнинг чегарадан ташқаридаги манфаатлари бир неча ва хилма хилдир. Айримлари мабдани ёйиш учун муносиб вазиятлар юзага келтириш каби мабдаий, айримлари давлатнинг халқаро мавқеи, ҳайбати ва ҳурматини сақлаш каби маънавий ва айримлари стратегик нуқталар каби хавфсизликка тааллуқли ёки хом ашё ва савдо бозорлари каби манфаатларга тааллуқли моддий манфаатлардир.

Манфаатлар ҳаётий ва иккиламчи бўлади. Давлат улар юзасидан дарҳол урушга кириш учун тайёр турадиган манфаатлар ҳаётий манфаатлардир. Ҳаётий манфаатлар жадвали давлатнинг кучли ва заифлигига қараб узун ва қисқа бўлади. Кучли давлатларнинг ҳаётий манфаатлари жадвали узун бўлади ва ўз навбатида халқаро мажбуриятлари ва халқаро майдонда аралашувлари кўпаяди. Давлатга давлат мажбуриятларини манфаатлар белгилаб беради, мажбуриятлар давлат манфаатларини белгиламайди. Давлат

манфаатлари кўлами давлатнинг катта-кичиклиги ва қандай давлатлигига қараб белгиланади. Масалан, манфаатлари, қизиқишлари ва мажбуриятлари ўз минтақасига чекланган иқлимий давлат регионал манфаатларни ўз сиёсий ҳаракатлари учун майдон қилиб белгилайди.

Оламнинг барча бурчакларида манфаатлари, қизиқиш ва мажбуриятлари мавжуд бўлган оламий давлат учун бутун олам сиёсий майдондир.

Шу нарса равшан бўлиши лозимки, халқаро аҳволни тушуниш – халқаро алоқаларни, ушбу алоқалар структурасини ва етакчи давлат мавқеига ҳамда халқаро сиёсатда таъсир этишга қодир давлатларнинг ўртасидаги доимий рақобатни тушуниш демакдир.

Шунинг учун оламдаги етакчи давлат мавқеини билиш лозим, чунки бу, халқаро сиёсат ва халқаро аҳволни тушунишда катта аҳамиятга эга. Халқаро мавқедаги етакчи давлат тинчлик ҳолатида давлатлараро сўзи ўтадиган давлат деб эътибор қилинади ва бу ишда унга иккинчи ўринда турган давлат тенг келади. Ундан сўнг бошқа давлатлар халқаро сиёсий таъсирга эга бўлиш қудратига қараб ўрин олади. Бошқа давлатларга албатта етакчи давлатга таъсир ўтказиш салмоғи бор

давлатлар таъсир ўтказади ва бу таъсир уларнинг ўз кучлари ва халқаро мавқеига қараб турли даражада бўлади. Давлат етакчи давлатга ва халқаро жиҳатдан оламий сиёсатга ўз кучи ва халқаро мавқеи даражасида таъсир ўтказади. Бироқ халқаро аҳволда етакчи давлат халқаро сиёсатни ўз тарафига оғдиришда ва халқаро аҳволга таъсир ўтказишда бошқа давлатларга нисбатан имконияти кенгроқдир. Шунинг учун халқаро аҳволда таъсирга эга ҳар бир давлат аҳволини тушуниш халқаро аҳволни тушунишда сиёсий ишдир.

Етакчи давлат мавқеига ва халқаро сиёсатга таъсир ўтказишда рақобат қилиш нуфузли давлатлар ўртасида қадимдан мавжуддир. Барча асрларда етакчи давлат деб эътибор қилинадиган давлат бўлган. Айрим вақтларда у билан етакчи давлат мавқеида рақобатлашувчи бошқа давлатлар ҳам бўлар эди. Лекин рақобат сиёсий ишлар билан эмас, балки ҳарбий ишлар билан бўлар эди. Ҳолат 18 асрга қадар шундай давом этди. Бу вақтга келиб халқаро қонун кенгайди, аниқроқ қилиб айтганда қонун шаклида юзага келди. Шу вақтдан бошлаб халқаро алоқаларда, халқаро муаммоларни ечишда сиёсий ишлар муҳим аҳамият касб этиб, етакчи давлат ҳукмронлигини тўхтатишда, етакчи давлат

мавқеига рақобат қилишда ва халқаро муаммоларни ҳал қилишда ҳарбий ишлар ўрнини эгаллади. Давлатлар, хусусан, етакчи давлатга рақобат қилувчи давлатлар ва етакчи давлатнинг ўзи сиёсий ишларда халқаро урф ва халқаро қонунга таянади. Ва ниҳоят сиёсий ишлар халқаро қонун билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди.

Халқаро аҳволни ва халқаро сиёсатни тушунишда ҳар бир давлатнинг, хусусан, оламдаги ҳодисалар кетувига таъсир этувчи буюк давлатларнинг сиёсий мавқеини ва давлатлар билан алоқаларни ёритувчи кенг маълумотлар бўлиши ва уларнинг ижро услублари ва сиёсий ўйинларидаги сиёсий режаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Давлат сиёсий ишларни албатта уммат матфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб боради ва давлатлар билан алоқаларни шу манфаатлар асосига қуради. Маълум мабдани қабул қилиб, уни оламга олиб чиқувчи давлат халқаро алоқаларда ва ташқи манфаатларни белгилашда мабдани асос қилади. Бинобарин, Исломиё давлатни барпо қилиш учун ва даъватни оламга ёйиш учун олиб бораётган Исломиё Уммат давлатларни қабул қилган фикрлари орқали уларнинг мабдаи ёки номабдаи давлат эканини ўрганиш, давлатларнинг алоқаларини кузатиш, махфий

алоқалар ва уларнинг мақсадларини билиш, маневр учун бўлган иш билан ишнинг ўзини ва иш билан ундан кўзланган мақсадларни ажрата олиши ҳамда халқаро алоқалардаги охириги вазиятлардан хабардор бўлиши зарур.

Лекин маълум бўлиши керакки, халқаро аҳвол ва халқаро вазиятларга қараб ўзгариб туради, балки кучли ёки заиф бўлишига, таъсир ўтказиши ёки таъсир ўтказа олмаслигига ҳамда у билан бошқа давлатлар ўртасидаги алоқаларни ҳар хил бўлишига қараб турли ҳолатларда бўлади. Бу ҳол Умнатнинг давомли равишда сиёсий тарбиялаш, ташқи сиёсатни доимо кузатиб ўрганиш ва бу сиёсатда Исломиё даъватни олиб чиқиш ўлчов ва устивор бўлишини тақозо этади.

Халқаро аҳволни тушунишга тааллуқли бўлган ҳамда сиёсий киши сиёсий таҳлил орқали ҳар қандай сиёсий ҳодисага тўғри ва ҳақиқатга яқинроқ ҳукм чиқариши учун маълумотга эга бўлиши ва кузатиши лозим бўлган ишлар шулардан иборат. Зеро, сиёсий таҳлил оламнинг ҳар қандай минтақасидаги ҳар қандай сиёсий ҳодисага ҳукм чиқариш ва шу минтақасидаги сиёсий воқени ҳамда шу сиёсий воқенинг халқаро сиёсатга алоқасини тушуниш воситасидир.

ХАЛҚАРО ОИЛА, ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ҚОНУНЛАР

Албатта сиёсий ишлар моҳиятини ва халқаро жиҳатдан қандай бажарилишини тушуниш учун халқаро ҳуқуқ нормалари ва халқаро қонунни кўриб чиқишимиз лозим.

Халқаро ҳуқуқ нормалари қадимдан мавжуд бўлиб, давлат ва подшоҳликлардан аввал юзага келган. Улар уруш ва тинчлик ҳолатидаги алоқалар натижасида пайдо бўлган ва узоқ вақт риоя этилиши натижасида халқаро ҳуқуқ нормалари натижасига кўтарилган қоидалар йиғиндисидир. Бу қоидалар давлатлар тарафидан сақланиб улар тарафидан ихтиёрий равишда риоя этиладиган бўлди ва бу қоидалар қонундек бўлиб қолди. Уларга моддий куч таъсири остида эмас, балки маънавий мажбурият остида риоя этилган. Қабил ва жамоатлар уларга ихтиёрий равишда ва жамоатчилик фикрининг қарши бўлиб қолишидан қўрққан ҳолда риоя этар ва риоя этмаганларга жамоатчилик фикри қарши бўлар эди. Жоҳилиятда араб халқининг шаҳрул-ҳаромда уруш қилмасликлари ҳам халқаро ҳуқуқ нормаларидан ҳисобланади. Шунинг учун Абдуллоҳ ибн Жаҳш сарияси Амр ибн ал-

ҳазраимийни ўлдирган, икки кишини асир қилиб, савдо карвонини қўлга олган вақтда Қурайш Росулulloҳ ﷺни айблаб, Муҳаммад ва унинг асҳоблари шаҳрул-ҳаромда қон тўқди, молларга тажовуз қилди ва кишиларни асир олди, деб барча жойда овоза тарқатди, халқаро ҳуқуқ нормаларини бузгани учун жамоатчилик фикрини Росулulloҳ ﷺга қарши бўлишга чақирди.

Ва ҳоказо барча қабила ва жомоатларда шундай қоидалар мавжуд бўлиб, уруш ва тинчлик ҳолатларида уларга риоя этилади. Элчилар ва уруш ўлжалари шулар жумласидандир. Бироқ бу ҳуқуқ нормаларини айримлари умумий бўлиб, барча халқ унга риоя этган. Айримлари маълум қабила ва жамоатларга хос бўлган. Халқаро ҳуқуқ нормалари давлат ва подшоҳликлар талабига, яъни халқ, қабила ва жамоатлар ўртасидаги алоқалар талабига кўра ривожланиб борган. Бу каби ҳуқуқ нормалари жамоатчилик фикрига таянган, уларга риоя қилмаслик қораланган, фақат маънавий мажбурият таъсиридагина риоя этилган ва уларни татбиқ этувчи моддий куч бўлмаган. Қабила ва жамоатлар сиёсий ишларни шу ҳуқуқ нормалари асосида олиб борган.

Халқаро қонун эса, у Усманий давлат кўринишидаги Исломиё давлатга қарши пайдо қилинган. Исломиё давлат сифатидаги Усманий давлат Европага юриш қилиб, Европа насронийларига қарши жиҳод эълон қилади. Кетма-кет мамлакатларни фатҳ қилади. Юнонистон, Руминия, Албания, Югославия, Венгрия ва Австралияни фатҳ қилиб, Вена остоналаригача кириб боради. Барча Европа насронийлари қалбига даҳшат солади ва насронийларда «Исломиё қўшин енгилмас қўшин, мусулмонлар ўлдирилсак, жаннатга дохил бўламиз, деб эътиқод қилганлари ҳамда тақдир ва ажал тушунчаларига ишонганлари сабабли урушга кирганларида ўлимга парво қилмайдилар» – деган тушунча пайдо бўлди. Насронийлар мусулмонларни журъат ва шижоатларини кўриб, дилларига қўрқув тушади ва мусулмонлар билан юзма-юз тўқнашишдан қочадилар. Натижада мусулмонлар мамлакатларни осонлик билан фатҳ қилиб, уларни Ислום салтанатига бўйсундирадилар. Бу асрларда Европа насронийлари феодал хўжалик ва князликлардан иборат тарқоқ давлатлар эди. Ҳар бир давлат бир неча хўжаликка бўлинган бўлиб, унинг ҳар бирини

ҳокимиятда подшоҳга шерик бўлган феодалист бошқарар эди. Шунинг учун подшоҳ ушбу феодалларни урушга мажбур этолмас ва ташқи ишларда уларга таяна олмас эди. Бу ҳол Европага юриш қилиб уни фатҳ этишни мусулмонларга осон қилди.

Европа давлатларидаги бу аҳвол ўрта асрларгача, яъни 16 асргача давом этди. Бу вақтга келиб Европа давлатлари Исломга қарши тура оладиган бир оила бўлиш учун бирлаша бошладилар. Черков уларга ҳукмронлик қилар ва уларни христианлик дини бирлаштирар эди. Улар барча давлатлардан христианлик динидаги битта оила ташкил этиш учун ўрталаридаги ўзаро алоқаларни тартибга сола бошлади. Натижада ўзаро алоқалар юзага келди. Бу халқаро қонунни пайдо бўлиши эди. Европа христиан давлатлари Исломий давлатга қарши туриш мақсадида христианлик робитаси асосида бирлашдилар. Бу ҳол халқаро христианлик оиласи пайдо бўлишига олиб келди ва улар ўз ўрталарида бир неча қоидаларга келишиб олишди. Халқаро оилага аъзо давлатларнинг тенг ҳуқуқлиги, умумий мақсадни бирлиги ҳамда барча давлатларнинг қандай мазҳабда

бўлишидан қатъий назар олий руҳий ҳокимиятда католиклар Папасига бўйсунishi шу қоидалар жумласидандир. Бу қоидалар қонунлар учун асос бўлди. Бироқ христиан давлатларининг бирлашиши ҳеч қандай таъсирга эга бўлмади. Зеро, ўзаро келишган қоидалари уларни бирлаштира олмади. Чунки, феодализм тузуми давлатнинг кучайишига ва ташқи алоқаларни бевосита бошқаришига тўсқинлик қилар эди. Черковнинг давлатлар устидан ҳукмронлиги давлатларни черковга тобе қилиб, ҳокимият ва мустақилликдан маҳрум этар эди. Шу боис давлатда феодалистлар устидан ҳукмрон бўлиш учун кураш бошланди ва бу кураш давлат ғалабаси ва феодализм тузумининг тугатилиши билан ниҳоясига етди. Айни вақтда давлат ва черков ўртасида ҳам ҳокимият учун кураш бўлди ва охир-оқибат черков салтанати давлатнинг ички ва ташқи ишларидан четлатилди. Лекин давлат христианлигича қолди ва ҳосил бўлган ўзгариш давлат билан черков ўртасидаги алоқанинг давлат мустақиллигини тан олувчи шаклда тартибга солинишидан иборат бўлди.

Бунинг натижасида Европада кучли давлатлар юзага келди. Лекин улар Исломий давлатга қарши тура олмади. Ҳаттоки аср, яъни 1648 йилгача аҳвол шундай давом этди. Европа давлатлари бу вақтга келиб Вестфалия конференциясига йиғилиб, давлатлар ўртасидаги алоқалар учун барқарор қоидалар ишлаб чиқдилар ва Исломий давлатга қарши христиан давлатлар оиласи ташкил қилинди. Конференция халқаро қонун учун анъанавий қоидалар ишлаб чиқди. Бу қоидалар умумий халқаро қонун эмас, балки Европа христиан давлатлари учун давлатлараро қонун эди холос ва Исломий давлатнинг давлатлар оиласига кириши ман қилинди. Шу вақтдан бошлаб халқаро ҳамжамият юзага келди. У Европа давлатларидан ташкил топган бўлиб, давлатларнинг монархия ёки республика тузуми асосида ва католик ёки протестант мазҳабида бўлишини эътибори йўқ эди. Дастлаб бу ҳамжамият ғарбий Европа давлатларига чекланган эди. Кейинчалик унга Европани барча давлатлари қўшилди. Сўнгра Европадан ташқаридаги христиан давлатлари ҳам кириб келди. Лекин 19 асрга қадар Исломий давлатнинг кириши таъқиқланар эди. Бу вақтда Исломий давлат

ночор аҳволга тушуб, «касал киши» — номини олган эди. Шунда Усмоний давлат давлатлар оиласига киришни талаб қилди ва унинг талаби рад этилди. У ўз талабида қаттиқ туриб олгач, давлатлар оиласига кириши учун унга нисбатан қатъий шартлар қўйилди. Улардан бири халқаро алоқаларда Ислом билан ҳукм юритмаслик ва яна бири айрим Европа қонунларини қабул қилишдан иборат эди. Усмоний Давлат шартларни қабул қилиб, Халқаро алоқаларда Исломий давлат асосида иш юритмасликка рози бўлди. Шундан кейингина 1856 йил давлатлар оиласига киритилди. Кейинчалик Япония каби христиан бўлмаган давлатлар ҳам кирди.

Демак, 1648 йилда ўтказилган Вестфалия конференцияси халқаро қонун учун анъанавий қоидалар ишлаб чиққан деб эътибор қилинади ва унинг бу қоидалари асосида сиёсий ишлар ва халқаро жамият ишлари юзага келди.

Бу қоидаларнинг энг машҳури ва хатарлиси икки фикрдир: давлатлараро кучлар тенглиги ва халқаро конференциялар фикри. Давлатлараро кучлар тенглиги фикри маълум бир давлат бошқа давлатлар ҳисобига кенгаймоқчи бўлса, урушнинг

олдини олиш ва тинчлик кафолати бўлган давлатлараро кучлар тенглигини сақлаш мақсадида барча давлатларнинг бир бўлиб, тажовуз қилувчи давлатга қарши туришлари, демакдир. Халқаро конференциялар фикри эса, бундай конференцияларга Европа давлатлари қатнашиб, ўз алоқа ва ишларини Европа манфаатлари асосида қўриб чиқади. Кейинчалик бу конференциялар катта давлатлар конференциясига айланиб, олам ишларини катта давлатлар манфаати асосида кўриб чиқадиган бўлди. Ушбу икки фикр – катта ҳамда мустамлакачи давлатларнинг ҳукмронлигини кўтариш йўлида олам йўлиқаётган тўсиқ ва қийинчиликлар учун бош сабаб бўлди.

Халқаро қонуннинг келиб чиқиш асоси мана шудир. Халқаро қонун давлатнинг ички ишларига аралашувларига асос яратди ва катта давлатларнинг унинг устидан ҳукмрон бўлишига йўл очди. Давлатлар ўз манфаатлари йўлида ёки етакчи давлатга рақобат қилишда олиб борадиган сиёсий ишларда халқаро қонунларга асосланишди. Бироқ халқаро қоидаларга айрим ўзгартиришлар киритилди. Лекин бу ўзгартиришлар катта давлатларнинг

манфаати йўлида ва уларнинг манфаатларини тартибга солиш йўлидаги ўзгартиришлардир. Бошқача қилиб айтганда, олам манфаатлари уруш ва тўқнашувларсиз ўзаро тақсимлаш йўлидаги ўзгартиришлардир. Ушбу ўзгартиришлар натижасида халқаро тинчликни сақлашга қаратилган халқаро ташкилотлар юзага келди ва эндиликда халқаро алоқалар конференцияларда эмас, болки ушбу ташкилотларда кўриладиган бўлди. Лекин бу билан ҳеч нарса ўзгармади. Катта давлатлар ҳамон ўлжалар устида жанжаллашмоқдалар, ҳаттоки, иккинчи жаҳон уруши ҳам содир бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг катта давлатлар ўзаро алоқаларини тартибга солишда халқаро ташкилот тузиш энг яхши восита деб билдилар. Дастлаб бу ташкилот урушга кирган давлатлар билан чекланган. Кейинчалик бу ташкилот барча давлатлар кириши мумкин бўлган оламий ташкилотга айлантирилди. Халқаро алоқалар ушбу ташкилот пакти билан тартибга солинди. Бу билан халқаро алоқалар оламга ҳукмрон бўлиш, ўлжаларни тақсимлаш ва бошқа катта давлатларнинг юзага келиши олдини олиш учун катта давлатлар

конференцияларидан давлатлар ўртасидаги алоқаларни тартиблаш ва катта давлатлар ҳукмронлигини таъминлаш йўлидаги халқаро ташкилотга сўнгра оламдаги давлатлар ишларини тартибга соладиган ва давлатларга ҳукмронлик қиладиган оламий давлат даражасидаги халқаро ташкилотга айланди.

Ушбу христиан давлатлари ёки капиталистик давлатлар кейинчалик халқаро қонунга айланган анъанавий қоидалар ижросини халқ ва жамоатлар урфларидаги каби маънавий омилга юкламадилар ва шу қоидаларга риоя қилувчи давлатларгагина чекламадилар. Балки риоя қиладиган ва қилмайдиган барча давлатларга қурол кучи билан ижро этадиган бўлдилар. Биринчи Жаҳон урушидан олдин Европа христиан давлатлари халқаро низом ижроси учун оламда жаҳон полицияси тайин қилар эдилар. Ҳатто Миллатлар лигаси, кейин Бирлашган миллатлар ташкилоти тузилгандан сўнг ҳам капиталистик давлатлар ўзларини халқаро жандармга айлантирдилар. Бу энг ёвуз ишлардан бўлиб, давлатлар оиласи ва халқаро қонун туфайли оламнинг бахтиқаролиги сабабларидан бирига айланди. Шунинг учун

оламини халос этиш ва бахтиқароликдан чиқариш учун бу масала ўз ечимини топиши зарур.

Бу масалани ечими шундан иборатки, халқаро ҳамжамият ташкил этиш зарур бўлгудек бўлса, халқаро жамиятни оддий жамиятга қиёсламаслик керак. Оддий жамиятда зулмларни кўриб чиқадиган, инсонлар ўртасидаги жанжалларни ажрим қиладиган вужуд бўлиши зарур. Демак ҳар бир жамиятда давлат, салтанат ҳамда қонун ва мажбурий ижро бўлиши зарур. Халқаро жамият эса, ўрталарида ҳар хил алоқалар мавжуд бўлган шахслардан эмас, жамоатлар йиғиндисидан иборатдир. Бу жамоатларнинг ҳар бири чекланмаган сиёдат ҳуқуқига ва ирода ҳуқуқига эга. Жамоат ёки давлатни ҳар қандай ташқи мажбурлаш жамоат ёки давлатдан сиёдатни тортиб олиш демакдир. Бу айна қулликдир. Бу ҳол мустамлакачилик, ҳукмини ўтказиш ва куч билан мажбурлашда намоён бўлади. Давлатни қабул қилган ўз қарорини ижро қилишдан ҳар қандай ман қилиш уни кишанлаш ва шол қилиш демакдир. Демак, давлат ва жамоатлар устида давлат каби салтанатга эга куч бўлиш ярамайди. Бошқача қилиб айтганда, халқаро жамият

алоқа ва муносабатларни бошқариш ваколатига эга салтанат бошчилиги остидаги жамоатлар бўлиши, яъни бир неча давлатларга бошчилик қиладиган давлатга айланиши ва шундай давлатнинг юзага келиши ярамайди. Балки жамоатлар ўз вужуди, сиёдати ва иродасига эга бўлиб қолиши зарур. Жамоатлардан халқаро жамиятни ташкил қилгудек бўлса, у оламий давлат бўлмаслиги ҳамда ихтиёрий равишда аъзо бўлмоқчи бўлган давлатлардан ташкил этилиши лозим. Уни муайян тушунчаларга эга муайян давлат ташкил этмаслиги ёки бошқа давлатларга нисбатан кучлироқ бўлган давлатлар ташкил этмаслиги зарур. Балки бу халқаро ҳамжамият тушунчалари, канчалар куч-қудрат ва нуфузга эгаликларидан қатъий назар, ихтиёрий равишда таъсис этмоқчи бўлган давлатлар тарафидан таъсис этилиши, таъсисда иштирок этмаган ҳар қандай давлат хоҳлаган вақтда аъзо бўлиши, ҳуқуқ ва бурчларда таъсисчилар билан тенг бўлиши, барча давлат хоҳлаган вақтда халқаро жамиятдан чиқиш ҳуқуқига эга бўлиши ва қарорлар ҳеч қайси давлатга куч билан ижро қилинмаслиги шарт. Шу вақтда халқаро жамият кўзбўямачилик билан

номигагина давлатлар оиласи ёки бирлашган миллатлар ташкилоти номи берилган оламий давлат эмас, балки ҳақиқий халқаро ҳамжамият бўлади.

Хавфсизлик кенгаши ва БМТга нисбатан қўлланадиган муносабат, уларни таг томири билан йўқ қилиб, ўрнига давлатлар устидан ҳеч қандай ҳукмронлик қилолмайдиган ҳамда оламий давлат мақомида бўлмайдиган оламий ташкилот тузиш ва бу ташкилот маълум давлат манфаати учун эмас, балки бутун инсоният манфаати учун фаолият кўрсатиши туфайли кенг жамоатчилик фикрининг қўллаб-қувватлаши, ҳурмат ва ишонч билдириши билан ҳамда маънавий куч билан мазлумга ёрдам бериш, зулмга қарши чиқиш ва бутун башарият ўртасида адолат ўрнатишга асосланадиган оламий ташкилот бўлиши лозим. Бунга жоҳилият даврида бўлган, Муҳаммад ﷺ пайғамбар бўлишидан илгари қатнашган «Хилфул-Фузул» (фазилатлар иттифоқи) мисолдир. Росулulloҳ ﷺ у ҳақида пайғамбар бўлганларидан сўнг шундай деганлар: «Мен Абдуллоҳ ибн Жадъон ҳовлисида шундай бир иттифоқда қатнашдимки, унинг ўрнига менга қизил туя берсалар ҳам рози бўлмайман. Унга Ислом келгандан сўнг ҳам

чақирилганимда, албатта қатнашар эдим». Шунингдек, бу оламий ташкилот оламини баҳс ва мунозара қилиши ва энг тўғриси олиб, ўз фикри, ақидаси ва ҳазорати қилиб қабул этиши учун барча фикр, ақида ва ҳазоратлар ўртага ташланадиган майдон бўлиши зарур.

Халқаро қонун ҳамда уни инсонларга куч билан ижро қилиш масаласига келсак, халқаро қонуннинг бўлиши ҳам, ишлаб чиқариши ҳам тўғри эмас. Чунки қонун султон буйриғи бўлиб, у буйруқни чиқарадиган оламий давлат ҳам, оламий салтанат ҳам эмас. Балки барча давлатларга ҳукмрон бўладиган оламий давлатнинг мавжуд бўлиши тўғри эмас, чунки бундай давлатнинг бўлиши мумкин эмас ва оламий давлат мавжуд бўлиши уруш ва қонли тўқнашувлар демакдир. Демак оламий давлат ёки салтанат бўлиши жоиз эмас, демакки халқаро қонун бўлиши ёки тузулиши ҳам жоиз эмас. Халқаро қонунни куч билан ижро қилиш ҳам ярамайди. Чунки, ижро оламий салтанат, яъни оламий давлат тарафидан бўлса, бу мумкин бўлмаган иш, зеро оламий давлат мутлақо мавжуд эмас. Ижро икки ёки ундан кўпроқ давлатлар тарафидан бўлса, бу қонунни

ижро қилиш эмас, балки тажовуздир. Чунки халқаро қонунни ижро қиладиган давлатлардан бири қонунга хилоф қилса, қолган давлатлар бу давлатга қонунни ижро қилишлари мумкин эмас, зеро бунинг маъноси уруш демакдир. Ижро қилаётган икки ёки ундан ортиқ давлатлар қонунга хилоф қилса, қонунни уларга ким ижро қилади? Табиийки, ҳеч ким. Бу билан кучли давлатнинг қонунни кичик ва заиф давлатларга ижро қилиш ижро эмас, тажовуз бўлади. Демак маълум бўлади-ки, умумий халқаро қонунни барча давлатларга ижро қилиш мумкин бўлмаган ишдир. Халқаро қонунни куч билан ижро қилиш ҳақида фикр юритиш мумкин эмас, чунки бундай ижро тажовуздан бошқа нарса эмас.

Демак халқаро қонуннинг бўлиши яхши эмас, балки амалда мумкин ҳам эмас. Фақат давлатлар ўртасида содир бўлаётган иттифоқлар, шу иттифоқлар борасида ҳамда халқлар ўртасида тинчлик ва уруш алоқалари ҳақида ўзаро келишилган урфлар бор холос. Бинобарин, агар халқаро жамият ташкил этилгудек бўлса, бу жамоат учун идорий қонун мавжуд бўлади ва жамоатнинг иши халқаро урфларга риоя қилиш ёки риоя қилмасликни назорат этишдан иборат

бўлади. Халқаро иттифоқлар тузиш, уларни ижро қилиш, иттифоқлардан чиқиш ва шу кабилар ҳақида урфлар ҳам шулар жумласидандир.

Ушбу халқаро урфни давлатларга куч билан ижро этиш ҳақида ўйлаш яхши эмас, балки маънавий куч таъсири ва жамоатчилик фикри орқали ижро қилинади. Халқаро ҳамжамиятга аъзо давлатлар маълум аниқ ишонч ҳосил қилганларидан сўнг халқаро қонун деб эътибор қилишга қарор қиладиган бўлсалар, шунда ушбу давлатларда бу урф риоя қилиниши лозим бўлган урф, деган эътиқод ҳосил бўлади. Натижада урфни куч билан ижро қилишга ҳожат қолмайди. Бундан ташқари жамоатчилик фикрини, урфни бузган давлатга қарши бўлиши давлатларни урфга риоя этишга ўз-ўзидан мажбур этади ва унинг таъсири ташқи моддий мажбурлашдан кучлироқ бўлади. Умумий урфни бузиш оқибатида жамоатчилик фикрининг норозилигига учрашдан қўрқиш моддий қўрқишдан таъсирлироқдир. Шунинг учун халқаро ҳамжамият қарорларининг ижроси жамоатчилик фикри ва маънавий омил билан амалга оширилади ва мана шу уларни ижро этиш тариқати бўлади.

СИЁСИЙ ТАФАККУР

Сиёсий тафаккур ташриий тафаккур туридан бўлса-да, ундан бутунлай фарқ қилади. Бу фарқ ташриий тафаккурнинг инсонлараро муаммоларга, сиёсий тафаккурнинг эса, кишилар ўртасидаги муносабатларни бошқаришга тааллуқли эканлигида кўринади. Шунингдек, у адабий тафаккурдан ҳам бутунлай башқача. Чунки адабий тафаккур сўз ва образдан лаззатланишга эътибор қаратади. Фикрий тафаккурга нисбатан эса, муфассалроқ ёндашиш керак. Сиёсий тафаккур сиёсий илм ва сиёсий баҳс матнларида содир бўлса, сиёсий тафаккур билан фикрий тафаккурнинг деярли бир хил ҳолатига дуч келамиз. Фикрий тафаккурда собиқ маълумот баҳс доирасидаги фикр туридан ёки унга тааллуқли бўлиши мумкин, лекин ана шу фикрнинг даражасида бўлиши шарт. Сиёсий тафаккурда ҳам фикр даражасидаги собиқ маълумот бўлиши шарт, лекин у мавзу жиҳатидан баҳс доирасида бўлиши лозим, мавзуга тааллуқли ёки ёритиш учун яроқли бўлишининг ўзи кифоя эмас. Шунинг учун сиёсий матнларни фикрлаш фикрий матнларни фикрлашнинг бир туридир.

Сиёсий тафаккурнинг объекти хабар ва воқеа, шунингдек ҳодисаларни яққол идрок этиш билан боғлиқ бўлган ҳолатда у тафаккурнинг бошқа барча турларидан фарқ қилади ва тафаккур жараёнининг одатий қоидаларидан бирортасига тушмайди. Шунинг учун ҳам у тафаккур турларининг энг олийси ва энг қийинидир, яъни тафаккур жараёни нарса ва ҳодисаларга асосланиб туриб, тафаккур турларининг ҳар қандай кўринишини касб эта олгани учун олийдир. Тўғри, ҳар қандай фикр ва ҳодисаларнинг асоси бўлган ақида тафаккурнинг энг олий даражаси ҳисобланади. Лекин шу асос, яъни ақидани ўзи сиёсий фикр ва сиёсий фикрат экани ҳам айни ҳақиқатдир. Чунки у сиёсий фикр ва сиёсий фикрат бўлмаганида эди соғлом асос бўлолмас, балки асос бўлишга лойиқ даража ҳам топмас эди. Шунинг учун ҳам биз сиёсий тафаккур тафаккурнинг энг олий тури, деб айтганимизда фикрий асосни, яъни фикрий асос бўлишига яроқлик бўлган фикрни ҳам назарда тутамиз. Сиёсий тафаккур тафаккур турининг энг қийини деганимизнинг сабаби шундаки, у тафаккур жараёнига оид маълум қоидаларга биноан шаклланмайди ва улар билан ўлчанмайди

ҳам. Шунинг учун киши даставвал ҳайрон бўлади, кўп хатолар қилади ва чалғитувларга тушиб қолади. Киши кундалик воқеа-ҳодисаларни кузатиб, доимо ҳушёр турмас, сиёсий тажриба ҳосил қилмас экан сиёсий тафаккурга эга бўлиши қийиндир. Шунинг учун воқеа-ҳодисаларни сиёсий идрок этиш тафаккурнинг барча турларидан фарқ қилади ва улардан устундир.

Сиёсий илм ва сиёсий баҳс матнлари ҳам сиёсий тафаккурнинг объекти ҳисобланади. Лекин ҳақиқий сиёсий тафаккур хабар ва воқеаларнинг матнларини идрок этишдир. Шунинг учун хабарлар услуби ҳақиқий сиёсий матн деб эътибор қилинади. Агар киши сиёсий фикрловчи бўлса, хабарлар матнини, хусусан, хабарлар услубини ва бу услубни қандай тушуниш лозимлигини фикрлаши зарур.

Чунки айни шу нарса сиёсий тафаккур деб эътибор қилинади ва сиёсий илм ҳамда сиёсий баҳслар сиёсий тафаккур жумласидан эмас. Зеро, сиёсий илм ва баҳсларни фикрлаш жараёни фикрий матнларни фикрлаш жараёни билан бир хил бўлиб, у ҳам маълумот беради ҳамда чуқур ёки ёрқин фикрга олиб келади, лекин

фикрловчи сиёсий кишига айланмайди. Балки сиёсатни ҳамда сиёсий баҳсларни билувчи қилади. Бундай киши сиёсат ўқитувчиси бўла олади, лекин сиёсий киши бўлишга ярамайди. Чунки сиёсий киши воқеа ва хабарларни ҳамда уларнинг мазмунларини тушуниб, маълум чора қўллай оладиган даражада хулосага кела оладиган кишидир. У ҳатто сиёсий илм ва баҳсларни билмаслиги ҳам мумкин. Тўғри, сиёсий илм ва баҳслар воқеа-ҳодисаларни тушунишда ёрдам беради. Лекин бу ёрдам воқеа ва ҳодисаларни боғлаш вақтида зарурий маълумот нуқтаи назаридангина муҳимдир. Башқа ҳеч қандай ёрдам бера олмайди. Шунинг учун улар сиёсий тафаккур жараёнида шарт эмас.

Лекин афсуски, динни давлатдан ажратиш фикрати юзага келиб, бу фикрат эгаларига ўрта ечим ҳукмрон бўлгандан буён ғарб, яъни Европа ва Америка ўзининг ҳаёт ҳақидаги фикрати асосидаги ва ўрта ечим негизидаги ҳамда ўрта ечимни юзага келтирадиган юзакилик асосидаги сиёсий илм ва баҳс китобларини чиқаришда етакчилик қилди. Коммунистик фикрат келиб, уни Россиянинг коммунистик давлати қабул қилганда ўрта ечим асосида

эмас, балки барқарор фикрат асосида сиёсий илм ва баҳслар майдонга чиқиши кутилган эди.

Афсуски Россия ғарбга эргашди. Шунинг учун сиёсий илм ва баҳслар шаклан ўзгарган бўлса-да, мазмунан бир хил усулда давом этди. Демак, айта оламизки, ҳозирга қадар чиққан сиёсий илм ва баҳсларнинг тўғрилигига ақл қаноатланмайди. Уларнинг асоси ўрта ечим бўлишидан ташқари психалогия илми каби фараз ва тахминга қурилган. Шунинг учун киши ушбу сиёсий илм ва баҳсларнинг матнлари бўйича фикрлаш чоғида ҳушёр турмоғи, хатолардан эҳтиёт бўлмоғи лозим. Чунки улар воқеликка зид фикрларни ҳамда ниҳоятда хато фикрларни ўз ичига олади. Бу сиёсий илм ва баҳсларда ташриий фикрлар мавжудлиги сабабли ғарб қонунчилигига муомала қилинганидек муомалада бўлиб, ўқиб ўрганмасликни афзал биламиз. Лекин улар фикрий баҳслар туридан бўлиб, уларда сиёсий баҳслар ҳам борлигига эътиборан, айти шу жиҳатдан уларни ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик билан ўқиб ўрганиш мумкин.

Ғарбликлардаги сиёсий баҳслар ўз ичига олган фикрларга мисол тариқасида ғарбдаги бошқарув масаласини олайлик. Ғарб

оламида бошқарув жамоий бўлиб, у вазирлар кенгашида намоён бўлади. Шарқ ҳам айти шу бошқарув усулини олиб, унга бошқа шакл берди ва жамоий бошқарув номини қўллади. Бу аслида воқеликка зид ва муросасозлик ечими асосига қурилгандир. Чунки Европадаги мустабид подшоҳлар шахслар эди. Халқ подшоҳлар истибдодига исён қилди ва истибдоднинг сабабини бошқарувнинг бир шахс қўлида тўпланганида деб билдилар. Бошқарув шахс учун эмас, халқ учундир, деб бошқарув ришталарини вазирлар кенгашига берди. Бу муросасозлик ечимидир. Чунки вазирлар кенгаши бу халқ эмас ва халқ тарафидан сайланган ҳам эмас. Бундан ташқари вазирлар орасидаги раҳбарлик бош вазир қўлида. Бундан бошқарув халқ учун ҳам эмас, шахс учун ҳам эмас, балки бош вазир ва вазирлар кенгаши учун эканлиги кўринади. Бу тузум бошқарув шахс учун бўлиши билан халқ учун бўлиши ўртасидаги муросасозлик ечимидир. Бу бошқарув масаласининг ечими эмас, балки икки тараф ўртасидаги муросадир. Бундан ташқари бошқарув барча турдаги демократик тузумларда ҳамон шахслар қўлида тўпланганича қолмоқда. Воқеликда

бошқарув республика президенти ёки бош вазир қўлидадир. Аслида бошқарув шахсийдир, жамойй бўлиши ҳеч қачон мумкин эмас. Воқеан жамойй саналса ҳам ёки жамойй номланса ҳам. Чунки бошқарувнинг табиати етакчиликнинг шахслар қўлида бўлишини талаб қилади. Етакчилик фақат шахсий бўлиши мумкин холос.

Ғарбда сиёдат халққа берилган. Халқнинг ўзи қонун ишлаб чиқади ва ўзини ўзи бошқаради. Халқ ўз иродасига, қарор ва қонун чиқаришга ва бошқарув ҳуқуқига эга. Ғарбда сиёдат халқ учун, халқ қонун чиқаради, халқ бошқаради, деган тамойиллар асосида қонун чиқариш ҳуқуқи халқ тарафидан сайланган кишиларга берилган. Лекин кенгаш қонун чиқармайди, қонунни ҳоким чиқаради. Ҳокимлик эса, вазирлар кенгаши ёки республика президенти тасарруфида. Вазирлар кенгаши ёки президент халқ тарафидан ёки депутатлар розилиги билан сайланган бўлса ҳам, бу халқ бошқаради дегани эмас. Халқ ҳокимни танлайди холос. Бинобарин бу муросасозлик ечимидир. Ундан ташқари, сиёдат қонун учун деб жар соляптилар ва тўғри бошқарув сиёдатни қонун учун бегран

бошқарув деб эътибор қиляптилар. Бу тузум мурасасозлик ечими ва кишини алдашдан иборат холос. Ҳолбуки бошқарувнинг моҳияти бунга зиддир.

Тўғри бошқарув моҳияти шундан иборатки, унда ҳокимни халқ танлайди ва сиёдат қонунники бўлади. Сиёдат мутлақо халқ учун эмас ва бошқарув ҳам ҳеч қачон халқ учун эмас. Фарбликларда бошқарув алоҳида, диний ва хайрия ишлари алоҳида. Черков салтанати давлат салтанатидан ажратилган. Камбағалларга раҳимдиллик, мажруҳларга ёрдам бериш каби хайрия ишларига давлат аралашмайди. Динни давлатдан ажратиш фикрати мурасасозлик ечими бўлиб, у воқелик моҳиятига зиддир. Чунки мустабид подшоҳлар мажруҳ, камбағал, касал ва ҳоказо инсонларга ҳамдардлик билдириш, ёрдам кўрсатиш ишларини бажармас эдилар. Шунинг учун одамлар исён қилди ва натижада черковни давлатдан ажратиш ва хайрия ишларини ҳам давлатдан ажратиш каби мурасасозлик ечими юзага келиб, черков учун давлат салтанатидан алоҳида салтанат берилди. Натижада хайрия жамиятлари, қизил хоч жамияти ва ҳоказолар пайдо бўлди.

Бироқ бошқарув – ҳукм – инсоннинг барча ишларини бошқаришдир, дин ва хайрия ишлари ҳам инсон ишлари жумласидан бўлгани сабабли давлат черковни, шунингдек, хайрия жамиятлари ва қизил хоч жамиятларини назорат қилар эди, лекин махфий услубда. Демак бошқарув билан бошқа ишлар заҳирда ажратилган бўлса-да, бу назария воқеликка зид эди.

Биз юқоридаги фикрларни фарб оламидаги сиёсий баҳслар ўз ичига олган сиёсий фикрларнинг хатолигига мисол тариқасида келтирдик. Улар тузумларга тааллуқли сиёсий фикрлардаги хатоликлардир, воқеа ва ҳодисаларга тааллуқли сиёсий баҳсларда ҳам шундай хатолар мавжуд. Бу фикрларда чалғитиш мумкин бўлмаган айрим ҳақиқатлар мавжуд бўлса-да, лекин ҳақиқатга зид фикрлар ва чалғитувлар ниҳоятда кўпдир. Масалан, инглиз сиёсати уч асосга қурилган: Англиянинг Америка билан алоқаси, Англиянинг Европа билан алоқаси ва Англиянинг аввалда мустамлака бўлиб, кейин мустақиллик олган давлатлар билан алоқаси, яъни Британия ҳамкорлиги деган тушунчалар бор ҳақиқат. Чунки бу

чалғитиш мумкин бўлмаган воқелик баёнидир. Лекин уларнинг Англия сиёсати – иттифоқлар, дўст ёки душманларга муносабати, халқ ва миллатларга қараши, даб тушунтиришлари чалғитув ва адаштиришдир ҳамда воқеликка зид ва воқеа-ҳодисаларни бўяб кўрсатишдир. Уларнинг ғарбийми ёки бошқами ҳар қандай давлатнинг узоқ ёки яқин тарихи ёки содир бўлаётган жорий воқеа-ҳодисалари ҳақидаги тушунтиришлари ҳам худди шундай. Улар адаштириш ва ҳақиқатларни бўяб кўрсатишда ниҳоятда моҳир, ҳатто айрим ҳушёр кишилар ҳам пайқамай қолади. Шунинг учун сиёсий илм ва баҳсларни фикрлаш фақат ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик билан бўлиши керак.

Жорий воқеа-ҳодисаларни сиёсий тафаккур этиш сиёсат сўзи ифодалагандай сиёсий фикрлаш бўлмоғи лозим бўлган тафаккурдир ва мана шундай тафаккур фикрловчини сиёсий киши қилиб етиштиради. Бундай тафаккур бешта асосий ишнинг тенг топилишига муҳтож бўлади.

Биринчидан: оламдаги барча жорий воқеа-ҳодисаларни, яъни хабарларни кузатиш. Хабарларнинг қанчалик муҳимлиги, воқеа-ҳодисалардаги тасодиф ва

мақсад, улар ҳақида хабар беришдан мақсад, хабарнинг қисқа ва батафсиллиги – шу жиҳатлардан хабарлар турлича бўлгани учун жамики хабарлар эмас, балки энг зарурлари кузатилади.

Иккинчидан: воқеа-ҳодисалар моҳияти, яъни хабарлар мазмуни ҳақида бошланғич ва қисқача бўлса ҳам, маълумотга эга бўлиш: хабар мазмунини ёритишга кифоя қиладиган географик ёки тарихий ёки фикрий ёки сиёсий маълумотга эга бўлиш.

Учинчидан: воқеаларни шарт-шароитларидан ажратмаслик ва умумлаштирмаслик. Ажратиш ва умумлаштириш хабарларни тўғри тушуниш офатидир. Воқеа-ҳодисалар ўз шароитларидан ажратилмаган ҳолда тушунилиши ва шу каби воқеа-ҳодисаларга умумий қиёслаш тариқасида қиёсланмаслиги, балки алоҳида воқеа-ҳодиса сифатида ўрганиб, унинг ўзига ҳукм чиқарилиши лозим.

Тўртинчидан: тўла текшириш орқали хабарни фарқлаш. Хабар манбаи, воқеа-ҳодиса рўй берган жой, вақт ва шароит, воқеа-ҳодиса содир бўлишидан ёки у ҳақида хабар беришдан мақсад, хабарнинг қисқа ёки батафсиллиги, тўғри ёки нотўғрилиги ва

шу кабилар ўрганилади. Чунки шундай текшириш фарқлашни юзага келтиради. Текшириш қанчалар кенг ва чуқур бўлса, хабарни фарқлаш ҳам шунчалар кенг ва чуқур бўлади. Воқеа-ҳодисаларни фарқламасдан олиш асло мумкин эмас, акс ҳолда хатога ёки алдов тузоғига тушиши мумкин. Шунинг учун фарқлаш нафақат хабарни олишда, балки эшитишнинг ўзида ҳам муҳимдир.

Бешинчидан: хабарни маълумотларга боғлаш. Хусусан, бошқа хабарлар билан боғлаш. Мана шу боғлаш хабар устидан тўғрироқ ҳукм чиқаришга олиб келади. Хабар халқаро сиёсатга алоқадор бўлиб ёки маҳаллий сиёсатга алоқадор бўлиб, халқаро сиёсатга боғланса ёки сиёсий ишлардан бўлган иқтисодий хабар бўлиб, иқтисодга боғланса ёки Германияга тааллуқли хабар бўлиб, Германия сиёсатига боғланса-ю, ҳолбуки Америкага тааллуқли бўлса. Хабар боғланиши керак бўлган жойга боғланмаса, адаштириш ва алдов бўлмаса ҳам хатолик албатта содир бўлади. Шунинг учун хабарни ўзи алоқадор жойга боғлаш ва тўғри боғлаш, яъни билиб қўйиш учун эмас, балки тушуниш, идрок этиш учун демакки иш қилиш учун боғлаш ниҳоятда аҳамиятлидир.

Сиёсий матнларни фикрлашда, яъни сиёсий тафаккурда бу беш ишнинг барчаси бажарилиши лозим. Бу ишлар кўп, оғир ва уларни бажариш қийин, деб айтилмайди. Чунки булар қийин ишлар эмас. Зеро улардан мақсад хабардор бўлиш, кенг билиш эмас. Бу бирданига эмас, аста-секин, вақт ўтиши билан кузатиш ҳосил бўлади, ўрганиш, илмий баҳс қилиш орқали эмас. Тўғри, ўрганиш, илмий баҳс қилиш ёрдам беради, лекин сиёсий тафаккурда ҳамда сиёсий киши учун улар зарур эмас, иккинчи даражали ишдир.

Бу борада энг муҳими – кузатув. Кузатув бўлса, қолган тўрт иш табиий равишда амалга ошади. Демак, сиёсий фикрлашдаги асос - кузатув. Қачонки кузатув бўлса, табиийки, сиёсий тафаккур ҳам ҳосил бўлади.

Сиёсий тафаккур оғир ва қийин бўлса-да, ҳар қандай киши имкониятидаги ишдир, фикри ва илмининг даражаси қандай эканидан қатъий назар. Оддий қобилиятли ёки юксак истеъдодли ҳар қандай киши сиёсий фикрлаш ва сиёсий киши бўлиш қобилиятига эга. Чунки сиёсий тафаккур маълум даражадаги ақл ва билимни талаб қилмайди, хабарларни кузатишни талаб

қилади холос. Ушбу кузутув амалга ошса, сиёсий тафаккур пайдо бўлади. Фақат кузатув изчил давом этиши, узулиб қолмаслиги лозим. Чунки воқеа-ҳодисалар занжир кабидир. Агар ундан бир ҳалқа йўқолса, занжир узилади ва хабарларни боғлаш ва тушуниш мумкин бўлмай қолади. Шунинг учун ҳалқаларнинг битта занжирга айланиши сиёсий тафаккурда зарурий ишдир, яъни изчил, давомли кузатув сиёсий тафаккурнинг асосий шартидир.

Сиёсий тафаккур шахсларда бўлгани каби жамоатларда ҳам, яъни халқ ва умматларда ҳам бўлиши мумкин. У абадий тафаккур ва ташриий тафаккур каби фақат шахсларда бўлиб, жамоатларда топилмайдиган эмас, балки ҳам шахсий ҳам жамоий фикрлашдир. У сиёсий раҳбар ва ҳокимлар сингари шахсларда бўлгани каби оддий халқ ва умматларда ҳам мавжуд. Унинг шахсларда бўлиши камлик қилади. Балки халқ ва умматларда бўлиши зарурий шарт. Бусиз бошқарув юзага келмайди, уйғониш ҳосил бўлмайди ҳамда халқ ва умматлар рисолат кўтариб чиқишга яроқли бўлмайди. Демак, халқ ва умматда сиёсий тафаккур бўлиши шарт. Чунки бошқарув халқ ва уммат учун, халқ ва умматда

яшириниб ётади. Халқ ва уммат бермаса, ҳеч қандай куч ундан бошқарувни зўрлик билан тортиб ололмайди. Агар тортиб олса ҳам, у вақтинчалик бўлиб қолади. Чунки уммат ё бошқарувни бериб, бошқарув давом этади ё қайтариб олишда қаттиқ ҳаракат қилиб, ушбу бошқарувни ағдаради. Модомики бошқарув халқ ва уммат учун экан, халқ ва умматда сиёсий тафаккур бўлиши зарур. Сиёсий тафаккур ҳокимлардан кўра уммат учун зарурроқдир. Шунинг учун умматга сиёсий сақофат бериш ва унда сиёсий тафаккурни шакллантириш, яъни унга сиёсий маълумот ва сиёсий хабарлар етказиш ва сиёсий хабарларни эшитишга имконият яратиш лозим. Лекин адаштириш тузоғига тушиб қолмаслиги учун соғлом сиёсий сақофат ва тўғри хабарлар бериш лозим. Демак сиёсат ва сиёсий тафаккур халқ ва умматга ҳаёт бахш этадиган кучдир, яъни уммат сиёсат билан тирик, сиёсатсиз ҳеч қандай ҳаракат ва ўсишга эга бўлмаган ўлик жуссага айланади.

Сиёсатни тушунишдаги хатолик ва сиёсатни хато тушунишдан ҳосил бўладиган адашишликнинг сабаби сиёсий матнларни бошқа адабий, фикрий матнларни фикрлаш

каби фикр юритишдан келиб чиқади. Масалан, сўз ва ифода устида фикр юритилиб, улар қандай бўлса шундайлигича тушунилади. Ёки сўз ва ифода ўз ичига олган маънолар ҳақида фикр юритилиб, шу маъноларни ўзигина тушунилади. Ёки шу сўз ва ифода мазмуни борасида фикр юритилиб, мазмун тушунилади. Оқибатда хатолик ёки адашишга йўл қўйилади. Чунки сиёсий матн устида фикр юритиш бошқа ҳар қандай матнни фикрлашдан тубдан фарқ қилади. Бундан ташқари сиёсий тафаккурни тушунишдаги хато ва хатар сиёсий матнлар билан бошқа матнларни фарқламасликдан келиб чиқади. Сиёсий матнларнинг асосий моҳияти гоҳо матнларда бўлса, гоҳо сўз ва ифодани тузулишида бўлади, шартнома ёки баёнотлардаги каби. Гоҳо сўзларда ҳам маъноларда ҳам эмас, балки мазмунда бўлади. Гоҳо сўз, маъно ва мазмундан ташқарида бўлади. Гоҳо матнга бутунлай зид бўлади, ёки матндан бошқача бўлади. Сиёсий матннинг моҳияти тушунилмас экан, ҳеч қачон матн тўғри тушунилмайди. Натижада, сиёсий матнни тушунишда хато ёки адашиш содир бўлади.

Сиёсий тафаккурга етадиган энг катта хатар уни ўз муҳитидан ажратиш,

умумлаштириш ва умумий қиёслашдир. Сиёсий матн ҳеч қачон ўз шарт-шароитларидан алоҳида бўлмайди, шароитлар унинг бир жузидир. Умумлаштириш, умумий қиёслаш, ҳатто оддий қиёслаш ҳам ҳеч бир суратда мумкин эмас. Шароитлар матннинг бир жузи бўлганидан ташқари, у муайян ҳодисадаги матндир. Шунинг учун шу ҳодисани ўзи олинади, бошқаси эмас, бошқаси билан умумлаштирилмайди ва умумий қиёсланмайди ҳам, умуман ҳеч қандай қиёсланмайди. Балки ана шу ҳодисани ўзи олиниши лозим. Ажратиш, умумлаштириш ва умуман қиёслаш сиёсий тафаккурда хатолик ва адашиш хатарини туғдиради. Яъни муайян воқеа-ҳодиса ҳақида баёнот берилади ва ундан маълум тушунча тушунилади. Сўнг айни шу баёнот ёки бошқа баёнот берилиб, аввалги тушунчага зид ёки ундан бошқача маъно тушунилади. Гоҳо ҳақиқий иш ҳақида баёнот берилади, яъни тўғри баёнот берилади, унинг адаштириш мақсадидаги ёлғон баёнот эканлиги тушунилади. Гоҳо ёлғон баёнот берилади ва у тўғри баёнот, бундан кўзланган мақсад шу баёнотнинг маъносида яширингандир ва ундан ёлғонни яшириш

учун берилган, деб тушунилади. Гоҳо баёнотга мувофиқ иш бажарилади, гоҳо баёнотга зид иш қилинади. Хуллас, баёнотга оидинлик киритиб, ундан кўзланган мақсадни очиб берадиган иш, шароит ва вазиятлардир, сиёсий матнлар эмас. Шунинг учун шароитлар матн, деб ёки воқеа-ҳодисаларнинг ажралмас қисми, деб қабул қилинади. Ҳар қандай воқеа-ҳодиса ёлғиз ўзи олинади, умумлаштирилмайди ёки бошқасига қиёсланмайди ҳам, чунки фақат шу шарт бажарилгандагина сиёсий тафаккур ҳақиқатга яқинроқ боради. Исломий Уммат сиёсий тафаккури даражасининг пастлигидан кўп мусибатлар тортди. 19 асрда Европа Усманий давлатга қарши уруш олиб борган вақтда ҳарбий ишлардан кўра кўпроқ сиёсий ишлар воситасида курашган. Ҳарбий ҳаракатлар давом эттирилган бўлса-да, лекин улар сиёсий ишларга восита бўлган холос. Масалан, Болқон муаммоси ғарбий давлатлар баёнотлар билан юзага келтирилган масаладир. Улар Балқон усмонийлардан, яъни мусулмонлардан озод этилиши лозим, деб эълон қилдилар. Бундан улар Усманий давлатга уруш қилишни эмас, балки Балқонда ҳар хил ғалаён ва бетартибликлар келтириб чиқаришликни

қасд қилганлар. Озодлик, миллатчилик фикрларини киритдилар. Балқонликлар бу фикрларни олиб, қўзғалон қила бошладилар. Усманий давлат бошқа давлатлар вазиятини риюя қилган ҳолда ушбу қўзғалонларга қарши ҳарбий операциялар ўтказди ва бу билан бошқа давлатларни рози қилишга ҳаракат қилди. Ҳолбуки, айна шу давлатлар ўзи қўзғолонларни қўллаб-қувватлар ва усмонийларни қўзғолонга қарши гиж-гижлар ва қарши кураш билан машғул қилар эди. Мақсад қўзғолонларни бостириш эмас, аксинча усмонийларни ҳолдан тойдириш эди. Ниҳоят, Усманий давлатнинг сиёсий тафаккурдаги хатоси ва адашиши натижасида Болқон бой берилди, сўнгра миллатчилик фикрлари давлат ичкарасига кўчиб ўтди. Оқибатда Усманий давлат бутунлай йўқ қилинди.

Нотўғри сиёсий тафаккур халқ ва миллатларни мажруҳ қилади, давлатларни таназзулга олиб боради ва йўқ қилади. Халқларнинг мустамлакачилик чангалидан озод бўлиши ҳамда қолоқ халқларнинг уйғониши йўлида ғов бўлади. Шунинг учун сиёсий матнлар борасида фикр юритиш ниҳоятда аҳамиятли иш, у ё даҳшатли ва ё буюк натижаларга олиб боради. Бу ишда

хатога йўл қўйиш ёки адашишнинг натижасида улкан хатарлар юзага келиши мумкин. Шу боисдан ҳар қандай тафаккурга нисбатан сиёсий тафаккурга қаттиқ эътибор қаратиш лозим, зотан у халқлар учун ҳаёт зарурати каби муҳимдир.

Бироқ сиёсий тафаккур энг оғир ва энг олий тафаккур бўлса-да, фақат шахсларда мавжуд бўлиб қолиши мумкин эмас. Шахслар ҳар қанча кўп ва уларнинг сиёсий тафаккури ҳар қанча тўғри ва юксак даражада бўлмасин, ҳеч қандай қийматга эга эмас. Чунки халқ ва миллатлар сиёсий тафаккурда адашган вақтда шахсларнинг тўғри ва юксак даражадаги сиёсий тафаккури, гарчи уларнинг сони кўп бўлса ҳам, ҳеч қандай қийматга эга бўлмайди. Сиёсий тафаккурдаги адашиш, яъни сиёсий кўрлик халқ ва миллатларда томир отса, унинг оқими ҳамма нарсани ювиб кетади, халқ ва миллат осонликча алданади. Халқ ва у билан бирга истеъдодли шахслар ҳам душман оғзидаги тайёр луқмага айланади. Халқ ва миллат сиёсий тафаккурда ожиз бўлса, бу кўрлик олдида ҳар қанча кўп бўлса ҳам, даҳолар истеъдоди ҳеч қандай фойда бермайди. Бунга Мустафо Камолнинг йигирманчи милодий аср бошларида

Исломиё давлатни вайрон қилиб, Халифаликни тугатишда муваффақият қозониши ҳамда шу аср эллигинчи ва олтмишинчи йилларда Жамол Абдунносирнинг Иккинчи Жаҳон Урушидан сўнг озодликка тайёр турган араблар озодлик йўлида ғов бўлишидаги ғалабаси тирик мисолдир. Шунинг учун халқ ва миллатлардаги сиёсий тафаккурга қаттиқ эътибор қаратмоқ зарур. Тўғри, сиёсий тафаккур шахсларда шаклланса, душманлар олдида қарши тура оладиган, адаштиришларни фош қиладиган сиёсий тафаккурни шу шахслар орқали юзага келтириш мумкин. Лекин бунинг учун ушбу шахсларнинг фикрлари халқ ва миллатга кўчиб ўтиши, шахсларда бўлгани каби миллатларда ҳам бўлиши лозим. Ҳамда сиёсий фикрловчи шахслар миллатнинг бир бўлагига айланиб, бутун миллат-уммат фикрловчи бўлиши керак. Агар шахсий фикрлар жамоат фикрларга айланмаса ҳамда шахслар тафаккури билан бир бўлиб кетмаса, бундай тафаккурнинг ва бундай шахсларнинг ҳеч қандай қиймати йўқ. Шахслар ҳар қанча кўп ва истеъдодлари буюк бўлмасин, уларнинг сиёсий тафаккури душманлар қаршисида ожиз,

адаштиришларига қарши тура олмайди. Душманларга қарши тура оладиган куч – халқ ва уммат тафаккури, яъни халқ ва умматдаги мавжуд сиёсий тафаккурдир.

Ҳа, истеъдодли шахслар ҳам оддий одамлар бўлиб, уларнинг инсонликда бошқа одамлардан фарқи йўқ. Бошқалар ҳам уларга оддий инсондек қарашади, чунки уларнинг истеъдодлари кўринмайди, ҳис қилинмайди. Шунинг учун истеъдодлари ҳаракатга келиб, янгилик киритаётганларида даставвал уларда ҳеч қандай фарқ билинмайди ва уларнинг янгиликларида ҳеч қандай юксаклик, истеъдод илганмайди. Агар улар зиёли бўлсалар, бундай зиёлилар сони мингта, доно бўлса, улар каби донолар кўп. Уларнинг фикрларига эътибор ҳаётда шу каби янгиликларга интилаётган ёки шу жамият ҳаётида мавқега эга бўлишда восита қидираётган кишилар тарафидан содир бўлади. Агар ҳолат шундай довом этиб, фикрлар оммага кўчмаса, бу фикрлар, тушуниб етган ҳар қандай киши қабул қиладиган мумтоз фикр бўлган чоғда ҳам шахсий фикр даражасида қолаверади. Фикрловчи шахсларнинг кўп ёки озлиги бунда аҳамиятсиз. Демак, бу сиёсий тафаккур фойда бермоғи ҳамда душманларга

қарши тура олмоғи учун омма онгига кўчиши ва шахсийлик ковагидан чиқиши шарт. Жамойй фикрга айланиб, халқ ва умматга ўтганидагина куч топилади ва уйғониш дарахти учун тоза уруғ вужудга келади.

Фойда берадиган сиёсий тафаккур мана шудир. У шахсий тафаккур эмас. Жамоат тафаккури, яъни халқ ва уммат тафаккурдир. Шунинг учун умматни сиёсий тарбиялаш ва сиёсий фикрлашга ўргатиш ва машқ қилдириш зарур, токи сиёсий тафаккур нафақат шахсларнинг, балки умматнинг ҳам тафаккури бўлсин.

Мана шу сиёсий тафаккурдир. У сиёсий илм ва баҳслардан, шунингдек, сиёсий воқеа ва сиёсий ҳодисаларни фикр этишдан иборат. Биринчи ҳол аҳамиятсиздир, у фикрларни билишдан нарига ўтмайди. Сиёсий фикрлаш эса, ниҳоятда кучли таъсирга эга. Шунинг учун сиёсий илм ва сиёсий баҳсларда сиёсий фикрлаш жоиз бўлиб, у сиёсатда олим шахслар учун фойдалидир, воқеа-ҳодисаларни фикрлаш эса, уммат учун фарзи кифоя бўлиб, уни умматда юзага келтириш шундай фикрларга эга кишиларга айниқса вожибдир.

СИЁСИЙ ОНГ

Исломий давлат мабдаий давлат бўлиб, унинг асосий вазифаси исломий даъватги оламга ёйишдир. Бинобарин, халқаро мавқега эга бўлиш ва халқаро алоқаларда таъсир ўтказиш унинг таркибий қисмидир. Шунинг учун сиёсий кишилардаги сиёсий тушунчалар маҳаллий ёки иқлимий сиёсатга оид эмас, балки халқаро сиёсатга оид тушунчалар бўлиши лозим. Яъни исломий сиёсий кишилар сифатида халқаро жиҳатдан ҳам сиёсий тушунчаларга эга бўлмоқлари лозим. Шунга кўра улар давлат Исломий давлат бўлгани жиҳатидан етук сиёсий онгга эга бўлишлари керак. Уларнинг мусулмонликлари, давлатларнинг Исломий давлат бўлгани ҳамда бу давлатнинг асосий вазифаси исломий даъватни оламга ёйишдан иборат эканлиги уларда сиёсий онг шаклланишини ва сиёсий онгнинг етук бўлишини тақазо этади.

Сиёсий онг сиёсий вазиятларни, халқаро аҳволни ва сиёсий ҳодисаларни англаш эмас ёки халқаро сиёсатни ва сиёсий ишларни кузатиш ҳам эмас, гарчи булар етук сиёсий онг шартларидан бўлса ҳам.

Сиёсий онг бутун оламга муайян бурчакдан туриб қарашдир, бизга нисбатан

олганда эса, исломий ақида бурчагидан –«Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур Росулulloҳ»– бурчагидан қарашдир. «Мен инсонларга то Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур Росулulloҳ, деб айтгунларича уруш қилишга буюрилдим. Агар шу калимани айтсалар, мол ва жонлари омонда, илло ўз ҳаққи билан». Сиёсий онг мана шудир.

Оламга муайян бурчакдан қарамаслик сиёсий онг эмас юзакиликдир. Маҳаллий ёки иқлимий минтақадаги қараш ҳам сиёсий онг эмас, у тор доирадаги қарашдир. Икки омил топилгандагина, сиёсий онг тўла мавжуд бўлади. Биринчи омил – бутун оламга қараш, иккинчи омил – муайян бурчакдан туриб қарашдир. Бурчак маълум бир мабда ва муайян фикрат бўлиши ҳам ёки мафаат булиши ҳам мумкин.

Сиёсий онгнинг умумий моҳияти мана шу, мусулмон киши учун эса, исломий ақида бурчагидан қарашдир. Шундай экан, сиёсий онг сиёсий кишидан инсоният онгида ҳаёт ҳақида муайян тушунча пайдо қилиш йўлида курашга кирмоғини тақазо этади. Муайян тушунча пайдо қилиш сиёсий онгга эга кишининг зиммасига юкланган ва унинг

йўлида машаққат чекиб роҳат оладиган бирламчи масъулиятидир.

Сиёсий онгли киши ўз йўналиш ва тушунчаларига тескари ва зид бўлган тушунча ва йўналишларга қарши курашга кирмоғи ва айни вақтда ўз йўналиш ва тушунчаларини сингдирмоғи зарур. У бир вақтда бир-бирига чамбарчас боғлиқ икки йўналишдан боради: бузади ва қуради, зулматни парчалайди ва нурни таратади, шунингдек, ўт бўлиб, бузғунчиликни куйдиради, нур бўлиб, ҳидоят йўлини ёритади. Йўналиш ва тушунчаларини сингдиради, воқеа-ҳодисаларга фикр билдиради ва воқеа-ҳодисаларни шарт-шароитларидан ажратиш ва мантиқий хулоса чиқаришдан узоқлашади. Айни вақтда ҳаёт ҳақидаги тушунчаларига ҳужумда турган иллатларга қарши, тубан асрларда пайдо бўлган қолоқ тушунчаларга қарши, душманлар тарқатаётган адаштирувчи тушунчаларга қарши ва олий ғоя ва юксак мақсадларни чеклаб, жузъий ғоя ва тубан мақсадларни олға суришларига қарши курашга отланади. У икки жабҳада – ички ва ташқи жабҳада, икки йўналишда – қуриш ва бузиш йўналишида курашади,

икки майдонда – сиёсий ва фикр майдонида фаолият олиб боради. Хуллас, у ҳаётга, ҳаётнинг олий ва юксак жабҳаларига шўнғиди.

Шунинг учун сиёсий онгли кишиларнинг ҳаётда ва ҳаёт масалаларида ички маҳаллий жабҳада ҳам, оламий халқаро жабҳада ҳам муаммоларга тўқнаш келиши муқаррардир. Шу вақтда уларнинг ўз рисола ва оламга қарашдаги муайян бурчакларини қанчалар асос ва ҳакам қила олишлари ва мақсад ва фоя қилиб ушлай олишлари намоён бўлади. Сиёсий онгга эга киши муайян бурчакни лозим тутгани ҳамда унда мабдаи ёки табиий майиллар мавжудлиги сабабли, агар у ўзини англаб етмаган бўлса, ҳақиқатларни ўзи хоҳлаган ранг билан бўяши, фикрларни хоҳишига мувофиқ таъвил қилиши ва хабарларни ўзи кутаётган натижаларга мослаб тушуниб қолиши мумкин. Шунинг учун у хабарларни тушуниши ва фикр билдиришда майлларининг таъсиридан эҳтиёт бўлмоғи лозим. Зеро кўнгилнинг шахсий ёки ҳизбий ёки мабдаий нарсага рағбати кўпинча хабарни нотўғри шарҳлашга ёки нотўғри фикрни тўғри, деб тўғри фикрни нотўғри, деб тушунишга сабаб бўлади. Шунинг учун сиёсий онгга эга киши

айтилаётган сўз ёки қилинаётган ишни аниқ фарқлаши керак.

Ҳодиса ва нарсаларни ўзи хоҳлаганидек эмас, балки қандай бўлса, шундайлигича кўриб идрок этиш, ақлан кўриш лозим. Фикрларни эса, қандай бўлса шундайлигича тушуниш зарур. Яъни фикрни тасаввур этиш, фикр ифодалаётган вақеани ақлан кўриш ва уни ўзи хоҳлаганидек эмас, балки қандай бўлса, шундайлигича, у далолат қилаётган воқеани ақлан кўриш орқали тушуниш лозим. Тўғри, ифода гоҳида мажозий, гоҳида киноя бўлади, лекин бу ҳол тил қоидаларига риоя қилган ҳолда фикрни тасаввур этишга ва жумлалар далолат қилган воқени ақлан кўришга монелик қилмади.

Сиёсий онгли киши ҳақ йўлдан ишонч ва эътиқод билан қабул қилган дунёқараши асосидаги ҳақ йўлдан юриши ва ҳақиқатларни ўз фикри асосида қандай бўлса, шундайлигича кўриши лозим. Бу билан фикрлаш воситалари унда тўла топилган вақтда онг камол топади. Бироқ сиёсий онгли кишидаги кўриниш, идрок этиш, ҳис қилиш ва тушуниш ва шу каби ҳар бир нарсанинг асоси оламга муайян бурчакдан қараш бўлиб қолмоғи зарур.

Бу ерда бир савол туғилади:

Сиёсий онгли киши оламга муайян бурчакдан қараган ҳолда ҳақиқатларни қандай бўлса, шундайлигича кўриши ва ҳақни лозим тутишда холис бўлиши мумкинми? Бундай савол ишларга юзаки қараш натижасида пайдо бўлади. Агар киши баҳсга яқинроқ ёндашса, бундай савол туғулмайди. Чунки нарсаларнинг моҳияти билан нарсалар устидан ҳукм чиқариш ўртасида фарқ бор. Нарсалар моҳияти барча инсонлар назарида бир хил. Агар иш кўз билан кўришга тааллуқли бўлса, ҳар қандай киши – алданмаса ёки чалғитилмаса – нарсани қандай бўлса, шундайлигича кўради. Агар сезишга тааллуқли бўлса, таъм билиш, ушлаб, ҳидлаб ва эшитиб билиш каби сезгилари бор ҳар бир киши нарсани ҳис қилади. Одамларнинг сезгилари турли даражада бўлса-да, нарсаларни қандай бўлса, шундайлигича сезади. Лекин ҳукм чиқаришда эса, инсонлар нарсалар устидан турли ҳукм чиқаришади. Оламга муайян бурчакдан қараш нарса ва воқеа-ҳодисалар устидан ҳукм чиқаришга тааллуқлидир. Ҳақиқатларни қандай бўлса, шундайлигича кўриш ҳис ва идрокка тааллуқлидир. Демак, ҳақиқатларни қандай бўлса, шундайлигича

кўриб, ҳақни лозим тутиш, оламга, нарса ва воқеа-ҳодисаларга муайян бурчакдан қараш зарур.

Лекин бу ишнинг оламий сиёсатда қўлланишига келсак, айрим мисолларни кўриб чиқиш билан сиёсий ҳодисаларга муайян бурчакдан қарашнинг қандай бўлиши маълум бўлади. Бунинг учун Росулulloҳ ﷺ сиёсатларидан ҳамда ўрта асрлардаги ва ҳозирги асрлардаги сиёсатдан айрим намуналар келтириб ўтамыз.

Росулulloҳ ﷺнинг оламга қарашдаги муайян бурчаклари даъватни ёйиш эди. Қурайш Араб ярим оролидаги буюк давлат бўлгани ҳамда даъват йўлидаги тўсқинлик қилишдаги бош куфр бўлгани сабабли Росулulloҳ ﷺ ўз сиёсий ва ҳарбий ишларини Қурайшга қаратди. У ҳақда маълумотлар олиш учун киши юборар, савдо карвонларини тўсар ва урушларда у билан тўқнашар эди. Қолган давлатлар, яъни қабилалар билан бўлган муносабатда эса, нейтрал вазиятда туриш билан кифояланар эди.

Росулulloҳ ﷺнинг сиёсий ва ҳарбий ишлари оламга муайян бурчакдан қараш асосида амалга оширилар эди. Ҳайбарнинг Мадинага ҳужум қилиш, Муҳаммаднинг йўқ

қилиш ва Исломни тугатиш мақсадида Қурайш билан ўзаро иттифоқ тузиш учун музокара олиб бораётганидан хабардор бўлганларида Қурайш билан вақтинча сулҳ тузуб, Ҳайбарни йўқ қилишга имкон яратишни муайян бурчак қилиб белгиладилар. Умрага бориш, Қурайшнинг умрага киритмаслигига рози бўлиш, унинг ўжарлиги олдида ён бериш ва асҳобларнинг раъйига қарши чиқиш каби келгуси ишларида ушбу муайян бурчакдан келиб чиққан ҳолда тинчлик сиёсатини асос қилиб белгиладилар, агар Қурайш шу асосда юрса. Росулulloҳ ﷺнинг қаттиқ эътибор қаратган ушбу душмани билан бўлган сиёсий ишларга қараши муайян бурчакдан келиб чаққан ва шу бурчак талаблари асосида шаклланган.

Бу икки иш Росул алайҳиссалом ишларидан намуна. Бири умумий бўлиб, бош душман бўлган буюк давлатга муайян бурчак асосида эътибор қаратиш. Иккинчиси малъум мақсадга эътибор қаратиб, шу мақсадни муайян бурчак қилиб ҳамда ҳарбий ва сиёсий ишларга шу бурчакдан қараш. Бу билан иш ва ҳаракатларда сиёсий ҳодисаларга муайян бурчакдан қарашнинг асос бўлиб туриши

лозимлиги ва муайян бурчакдан қарашлар бўлмаганда ишлар ҳеч қандай маъно касб этмаслиги маълум бўлади.

Берлин конференциясидан сўнг барча буюк давлатлар Исломий давлат, яъни Усманий давлатни бартараф этиш ва унинг мулкларини талон-тарож қилишни баҳс қилишиб, биринчи ишга, яъни уни бартараф этишга қарор қилишган бўлсалар-да, лекин ҳар бир давлат бу ишни эмас, балки унинг мулкларини талон-тарож қилишни муайян бурчак қилиб олди. Бинобарин уларнинг барча ишлари шу муайян бурчак асосида шаклланди ва бир асрдан ортиқ давом этган ўзаро сиёсий курашга киришди. Биринчи иш Исломий давлат йўқолиши билан ниҳоясига етган бўлса-да, лекин ушбу давлатларнинг сиёсий иш ва ҳодисаларга қараш бурчаги бўлмади. Давлатлар қарайдиган бурчак – улар ўз сиёсатида ва сиёсий ишларига қарашида устивор бўлди.

Америка Иккинчи Жаҳон Урушидан сўнг: «Олам умумий мулк, Америка бу мулкда катта улушга эга, демак бу мулкни идора этиш Америка қўлида бўлмоғи зарур» – деб, бу сўзни оламга қарашдаги муайян бурчак этиб белгилади. Унинг ишлари шу бурчак асосида шаклланиб, оламда содир бўлаётган

сиёсий ишларга шу бурчакдан қарай бошлади. Совет Иттифоқи билан яқинлашиши ва иттифоқлар тузишида ҳам, Англия ва Франциядан юз ўгиришида ҳам шу муайян бурчак асос бўлган.

Оламда содир бўлган ва бўлаётган сиёсий воқеа-ҳодисаларга муайян бурчакдан қараш йўриғи мана шу. Бу бурчакнинг қандай бўлиши аҳамиятсиз. У ташқи сиёсатда даъватни асос қилиш, яъни оламга қарашдаги муайян бурчак қилиш каби умумий бўлиши ҳам, ёки оламда эркин ҳаракат қилиш мақсадида сиёсий ва ҳарбий ишларни маълум давлатларга қаратиш каби хос бўлиши ҳам, ёки бошқа давлатлар бизнинг сиёсий курашларимиздан намуна сифатида кўриши учун муайян сиёсий курашларга кириши каби янада хосроқ бўлиши ҳам мумкин. Сиёсий иш ва ҳодисаларда муайян бурчакдан қараш осон иш, бунинг учун амалда сиёсат билан шуғулланиш керак. Балки буни тушуниш учун сиёсий ҳодисаларни чуқурроқ текшириш кифоя. Демак, сиёсатни кузатиш, сиёсий тушунчаларни идрок этиш сиёсий онг шаклланмоғига олиб келмоғи лозим. Сиёсий онг сиёсий ишларда ҳамда сиёсий

ҳодисаларга таъсир ўтказишда ниҳоятда зарурий ишдир.

Катта давлатларда сиёсий онг табиий бир ҳолга айланган, халқаро сиёсатни билиш сиёсий кишиларни кундалик ишларидир. Исломиий давлат фарзандлари бўлган Исломиий Уммат фарзандлари эса, сиёсий онг улар эгаллаши лозим бўлган энг бирламчи сиёсий тушунча бўлмоғи ва сиёсий ишлар олиб боришда асос вазифасини ўтамоғи зарур. Ҳамда сиёсий онгни оммалашиши, жамиятда оддий ишлардан бири бўлиши ва сиёсий кишиларнинг кундалик ишларига айланиши учун ҳаракат қилмоқлари зарур. Зеро, уларнинг муқаддас бурчлари ва асосий вазифалари исломий даъватни оламга олиб чиқиш ва одамлар орасида ҳидоят нурини тарқатишдир. Бунинг учун албатта улар сиёсий кишилар бўлмоқлари, оламга муайян бурчақдан қарамоқлари ва уларда етук сиёсий онг шаклланмоғи шарт.

Улар сиёсий онгни шакллантириш оғир иш, ундан фақат доно ва зиёлиларгина баҳраманд бўлишлари мумкин, деб ўйламасликлари учун унинг ниҳоятда оддий иш эканини ва барча инсонлар учун, ҳатто саводсиз омилар учун ҳам мумкинлигини

англаб етишлари лозим. Зеро, сиёсий онг – оламдаги жамийй ишларни, Исломни ва оламга қарашда муайян бурчак бўлиши мумкин бўлиб барча нарсаларни тўла бўлиш дегани эмас. Балки олам ҳақида қанча маълумотга эга бўлишидан қатъий назар оламга қараш ва муайян бурчакдан қараш сиёсий ишдир. Сиёсий онгдаги энг эътиборли жиҳат, битта сиёсий ишда бўлса ҳам, қарашнинг оламга қаратилиши, ва бу қарашнинг муайян бурчакдан келиб чиқишидир. Оламга муайян бурчакдан қараш мавжуд бўлишининг ўзи сиёсий онг борлигига кифоя қилади.

Тўғри, олам ҳақидаги, сиёсий ҳодисалар ҳақидаги ҳамда муайян бурчак ҳақидаги маълумотларга қараб сиёсий онг даражаси паст ёки юқори бўлиши мумкин. Лекин барчаси ҳам сиёсий онг бўлиб, айти бир хил натижага – сиёсатда юзакиликдан, ишлар маъно ва мақсадга қарашда саёзликдан чиқишга олиб келади.

Демак, сиёсий онг сиёсий кишилар ва муфаккирларгагина хос эмас, уларгагина хос бўлиши тўғри ҳам эмас. Балки, у жамойидир ва жамойй бўлиши лозим. Уни олим ва талабаларда, шунингдек, саводсиз ва авом халқда, балки бутун умматда

шаклланиши мумкин, балки бутун умматда умумий равишда бўлса ҳам, шакллантириш вожибдир. Зеро, уммат ҳақиқий мард ўғлонларни етиштирувчи заминдир. Бинобарин бу замин сиёсий онг замини бўлиб, мард ўғлонларни ўстирсин ва ҳокимларни муҳосаба қилиш, мард ўғлонларни тўғри баҳолай олиш ва қарши хатарларга онгли равишда қарши туриш имконига эга бўлсин.

Шахсларда, шунингдек умматда сиёсий онгни шакллантириш йўли – Исломнинг фикр ва қонунларини таълим беришда ҳам, сиёсий воқеа-ҳодисаларни кузатишда ҳам сиёсий маънода сиёсий тарбиялашдир. Яъни Исломнинг фикр ва қонунлари қуруқ назария сифатида эмас, балки ҳаётда татбиқ этиш учун таълим берилади. Сиёсий ҳодисаларни журналист каби маълумот йиғиш учун эмас, балки улар ҳақида ўз фикрини билдириш учун, бошқа ҳодиса ва фикрларга ёки жорий воқеа-ҳодисаларга боғлаш учун муайян бурчакдан қараш билан кузатилади.

Мабда ва сиёсат билан бундай тарбиялаш – уммат ва шахсларда сиёсий онгни шакллантириш йўлидир. Айни шу йўл Исломий Умматни асл ва асосий

вазифасини ўз зиммасига олишига кафолатдир.

Демак сиёсий тарбия Уммат ва шахсларда сиёсий онгни шакллантириш йўлидир. Бинобарин Исломиё уммат орасида кенг кўламда сиёсий тарбия олиб бориш зарур. Зеро, шу иш умматда сиёсий онгни шакллантириб, уни ўз ичидан кўплаб иқтидорли сиёсий кишиларни чиқарувчи умматга айлантисин.

СИЁСИЙ КУРАШ

Ҳар қандай жамият одамлар ўртасидаги мавжуд алоқалардан ташкил топади. Ушбу алоқалар – ижроси давлат тарафидан бажариладиган муайян фикр ва қонунлар билан тартибга солинади. Агар шу алоқалар бузилса ёки одамлар ўртасидаги алоқа ва муносабатларни бошқаришни бажарадиган давлат бузилса, жамият бузилган бўлади ва уни ислоҳ қилиш эҳтиёжи туғулади. Ислом жамиятни ва давлатни ислоҳ қилиш учун аниқ йўл белгилаб берган. У йўл – жамиятни ислоҳ қилишга нисбатан амри маъруф ва наҳи мункар, давлатга нисбатан эса, ҳокимларни муҳосаба қилиш ва уларни наҳи мункар қилишдир.

Ҳозирда сиёсий кураш номини олган иш айнаи амри маъруф, наҳи мункар ва ҳокимларни муҳосаба қилиш бўлиб, бу сиёсий кураш мусулмонларга фарздир. Аллоҳ Таоло марҳамат қилади:

﴿وَلْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ

وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ﴾

– „Сизларда яхшиликка даъват қиладиган, амри маъруф ва наҳи мункар этадиган уммат бўлсин“.

Пайғамбар ﷺ айтадиларки: « Шаҳидлар улуғи – Ҳамза ва золим имомга қарши туриб, унга амри маъруф ва наҳи мункар қилган, сўнг золим ҳоким ўлдириб юборган киши». Ва яна айтадиларки: «Яқинда амирлар бўлади. Сизлар уларга амри маъруф, наҳи мункар қиласизлар. Кимки маъруфга буюрса, гуноҳдан пок бўлади, мукардан наҳи қилса, саломат бўлади. Лекин кимки рози бўлиб эргашса...». бошқа ривоятда қуйидагича келган: « ...кимки ёмон кўрса, гуноҳдан пок бўлади, мункардан наҳи қилса, саломат бўлади. Лекин кимки рози бўлиб, эргашса ...». бу ривоят аввалги ривоятни шарҳлаяпти. Бу ҳокимларнинг нотўғри ишларига қарши туриш холос. Буларнинг барчаси сиёсий кураш, деб номланган ишдир. Бу далиллар сиёсий кураш олиб бориш учун қатъий талаб бўлиб, сиёсий кураш фарзлигига очиқ далолат беради.

Сиёсий курашни тарк этиш гуноҳ, чунки бу вожибни тарк этишдир. Шубҳасиз, Аллоҳ вожибни тарк этган кишини азоблайди. Маълумки, уни тарк этган халқда бузуқлик ва зулм кенг тарқалади. Ҳаётда сиёсий курашни юзага келтириш учун уни аввало дилларда пойдо қилиш керак. Зеро, узоқ

вақт давом этган зулм ва одамлар орасида кенг тарқалган бузуқлик натижасида одамларнинг табиати бузилади, ҳислари заифлашади сўнг зулм аламини сезмайдиган ва бузуқлик сассиғини билмайдиган бўлиб қолади. Агар одамлар дилида Қуръонга рағбат сусайиб, Аллоҳнинг китоби ва Росули суннатидан узоқлашса, уларда маъсият ёмонлигини сезиш туйғуси ўлиб, Аллоҳнинг буйруғини тарк қилишдаги гуноҳларини ҳис қилмай қўядилар. Шунинг учун дилларда Аллоҳдан қўрқиш – тақво ҳамда зулм аламини ва маъсият ёмонлигини ҳис этиш қайта жонланса, шундагина сиёсий курашга ундаш ўз самарасини беради.

Сиёсий кураш сўз билан ва норозиликни ифодаловчи урушдан бошқа барча воситалар билан бўлади. Зеро бу ерда уруш билан бўлган сиёсий кураш бўлиши мумкин эмас. Фақат битта ҳолатдагина мумкин: Ислом билан ҳукм юритилаётган диёрларда куфр зоҳир бўлиб, ҳоким унга сукут сақласаю, яъни очиқ куфр зоҳир бўлган вақтларда. Сиёсий кураш бундан бошқа ҳолатларда куфрга таъсир ўтказиб, уни ўзгартириш учун жамоатчилик фикрини куфрга қарши қаратиш учун сўз билан ҳамда норозиликни

ифодаловчи ҳар қандай воситалар билан олиб борилади.

СИЁСИЙ ИШЛАР

Давлатлар ўртасида кураш тинчлик ҳолатларида фақат сиёсий ишлар воситасида олиб борилади. Бу сиёсий ишлар айрим ҳолларда ҳарбий ишлар билан бажарилади. Энг эътиборли сиёсий ишлар катта давлатлардан содир бўлаётган ишлардир. Бинобарин, катта давлатлар моҳияти ҳамда уларнинг ҳар бири ҳақида муҳим маълумотлар бўлиши зарур.

Халқаро сиёсатда нуфузли ва бошқа катта давлатлар сиёсатига таъсар этувчи ишлар қила оладиган давлатлар катта давлат ҳисобланади, бой ва аҳолисининг сони кўп бўлган давлатлар эмас. Давлатларнинг халқаро майдонда, халқаро курашдаги бири-бирига қарши ишлар халқаро тузоқлар қўйиш, давлатларни заифлаштириш ва сиёсий ўйинлар қилиш мақсадида олиб борилади.

Шунга кўра сиёсий киши атрофлича қараши ва катта давлатлардан содир бўлаётган ишларни кузатиши лозим. Бу борада шунга эътибор бериш керакки, сиёсий ишларни кузатишда уларни муҳитидан ажратиш ва умумлаштиришдан узоқ бўлиш ва ҳар бир ишни ўз вазият ва шароитлари билан бирга тушуниш зарур. Ишни вазият ва шароитларидан алоҳида олиш, мавзун

умумлаштириш, бошқа ишларга қиёслаш мумкин эмас. Ишларни мантиқи равишда тартибга солиб, мантиқий хулоса чиқариш ярамайди. Мантиқий хулоса қилиш ва қиёслаш сиёсатни тушунишда энг хатарли ишдир. Чунки ҳаёт ва ишлар бир-биридан фарқ қилади, ўхшамайди ва турличадир. Ҳар бар ишни ўз вазият ва шароитлари бор. Демак, иш ўзига алоқадор сиёсий маълумотлар билан боғланиши, вазият ва шароитлари билан бирга олиниши лозим. Шундай қилингандагина иш тўғрироқ тушунилади.

Сиёсий ишлар инсонлар ўртасидаги алоқа ва муносабатларни бошқариш мақсадида олиб бориладиган ишлардир. Улар шахслар ёки ҳизб ва уюшмалар ёки бир ва бир неча давлатлар тарафидан бажарилиши мумкин. Сиёсий ишлар жамоатлар пайдо бўлгандан буён мавжуд бўлиб, улар қабилалар ва раҳбарлар тарафидан бажарилиб келган. Алоқа ва муносабатлари бошқариладиган жамоатлар бор экан, бундан кейин ҳам бажарилаверади. Шунга кўра, сиёсий ишлар маҳорат, бошқарув фанини пухта бўлишини тақозо этмайди. Ҳар бар шахс, ҳар бир жамоат ва ҳар бир давлат сиёсий ишларни бажаришга лаёқатлидир. Фақат, озодликка

интилаётган ҳар қандай халқ ва одамлар, Рисолатни кўтариб чиқаётган ҳар бир уммат алоҳида эътибор қаратмоғи лозим бўлган сиёсий ишлар – бегона давлатларга, хусусан, мустамлакачи давлатлар курашига ва басқинчи давлатлар хатаридан сақланишга тааллуқли ишлардир. Бинобарин, Исломиё Уммат озодликка интилар ва исломий даъватни олиб чиқар экан бошқа ишлардан кўра бегона давлатларга тааллуқли сиёсий ишларга қаттиқ эътибор қаратиши ва уларни энг бирламчи ишлар қаторига киритиши зарур.

Ўтмиш ва ҳозирни текширадиган киши тарих варақлари сиёсий ишлар билан тўлиб тошганини, ҳозирги вақтда ҳам бутун дунё сиёсий ишлари билан тўлалигини кўради. Сиёсий ишлар давлатларга ғалабалар келтиради, халқ ва умматлар шон-шавкатини оширади ва кўп ҳолларда саноксиз лашкарлар ўрнини босади. Росул ﷺнинг қабилалардан ёрдам сўраши, Макка хабарини билиш учун Абдуллоҳ ибн Жаҳшни юбориши, Қурайш савдо карвонларини тўсиши, натижада Бадр урушининг содир бўлиши, Ҳандақ газотида Нуъаймни юбориб, қабилалар орасида ишончсизлик ва бир-бирига шубҳа пайдо қилиш, умрага бориб, Ҳудайбия сулҳига имзо

чекишлари, Бану Қурайза масаласида Саъдни ҳакам қилишлари, Маккани фатҳ қилишга бораётганларида олдиларига Аббоснинг Абу Суфённи олиб келиши, шартномалар тузиши, Араб ярим оролидан элчиларни кутиб олишлари, ҳузурига келган насоролар билан ўзаро бир-бирларини қарғашлари, Бану Назирни сургун қилишга буйруқ беришлари, форслар тарафидан тайин қилинган Яманнинг ҳокимини Исломни қабул қилгач Яманга қайта ҳоким этиб тайинлашлари, шу ва шу каби барча ишлар сиёсий ишлардир. Хулофои рошидин ва кейинги халифалар тарихидан ҳам кўплаб мисоллар келтириб ўтиш мумкин. Зеро, улар хорижий давлатларга нисбатан асосан сиёсий ишлар олиб боришар эди. Шунинг учун халифа ғазотга лашкар юборар экан лашкар амирига халқдан Исломга киришларини сўрашларини, бош тортсалар, жизя беришларини талаб қилишни, бунга ҳам унамасалар, Аллоҳдан хайр тилаб, уруш қилишни буюрар эди. Уруш – мурожаат этиладиган ишларнинг охиридир.

Энг аввало сиёсий ишлар бажарилиши лозим. Чунки сиёсий ишлар Умматнинг энг муҳим вазифаларидан ва бажариш лозим бўлган энг зарур ишлардандир. Шунинг учун сиёсий ишларнинг Умматни озод қилишдаги

энг муҳим ишларидан ва исломий даъватни олиб чиқишда асосий ишлардан бўлиши ажабланарли эмас. Агар сиёсий ишлар бўлмаганда, Ислом ёйилмас, унинг даъвати ушбу асрдаги одамларга етиб келмас эди.

Лекин ушбу асрда сиёсий ишларни бажариш умматдан давлатлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатишни ва уларни кузатишни, алоқалардан кўзланган мақсадларни билишни, сиёсий ўйинларни яхши тушунишни, иш билан ишдан кўзланган мақсадни фарқлашни ва алоқалар олиб бораётган охириги вазиятдан хабардор бўлишни тақазо этади. Бунинг учун Умматнинг давомли равишда сиёсий тарбиялаш, ташқи сиёсатни доимо кузатадиган ва воқеага боғлаб идрок этадиган қилиш ва исломий даъватни ёйиш ташқи сиёсатни устивор бўлиши лозим.

СИЁСИЙ ТАЖРИБА

Сиёсий киши бўлмоқ учун сиёсатда яшаб, у билан бевосита шуғулланиш ёки шуғулланмасликдан қатъий назар сиёсий тажрибага эга бўлиш зарур. Сиёсат билан бевосита шуғулланган сиёсий киши ҳақиқий сиёсий кишидир. Бевосита шуғулланмаган сиёсий киши эса назарий сиёсатчидир. Киши сиёсий тажрибага эга бўлиши учун албатта унда қуйидаги муҳим уч иш тўла мавжуд бўлиши зарур:

1. Сиёсий маълумотлар.

2. Жорий бўлаётган ташқи сиёсий хабарларни давомли равишда кузатиб бориш.

3. Сиёсий хабарларни танлаш.

1) Сиёсий маълумотлар: тарихий маълумотлар, хусусан тарих ҳақиқатлари, ҳодисалар, тасарруфлар ва шахслар ҳақида маълумотлар. Шахслар, давлатлар ва фикрлар ўртасидаги сиёсий алоқалар ҳақида маълумотлар. Бу маълумотлар хабарми, амалми ёки ақида ё ҳукм бўлган асосми сиёсий фикрнинг маъносини ёритувчи ўшалардир. Бу маълумотларсиз киши ҳар қанча ақлли ва заковатли бўлмасин сиёсий фикрни тушуна олмайди. Чунки масала – тушуниш масаласи, ақл ва заковат масаласи эмас.

2) Жорий бўлаётган ташқи сиёсий хабарларни, хусусан сиёсий хабарларни билиш зарур, чунки хабарлар маълумот манбаи ҳамда сиёсий ҳодисаларнинг изоҳи ва тушуниш ва баҳс мавзусидир. Шунинг учун уларни билиш зарур. Ҳаёт ҳодисаларнинг ўзгариб туриши, янгиланиш, ҳар хил ва бир бирига зид бўлиши туфайли уларни кузатиш ва билиб бориш лозим. Яъни бир соат илгари поезд ўтган, сўнг жадвал ўзгариб, ҳозирда поезд ўтмайдиган бўлиб қолган шоҳбекатда турмасдан, ҳозирда поезд ўтадиган шоҳбекатда туриш лозим. Шунинг учун аҳамияти борми-йўқми бундан қатъий назар барча хабарларни давомли равишда, изчил кузатиш ва бирорта хабарни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Балки бир дона буғдой учун сомон гарамини титкилаб чиқиш машаққатини кўтариш керак. Чунки керакли бўлган муҳим хабар қачон келиши номаълум. Бунинг учун барча хабарларни кузатиш лозим. Зеро, хабарлар бир-бирига уланган ҳалқалардир. Агар битта ҳалқа тушуб қолса, занжир узулиб, тушуниш қийинлашади, балки гоҳида иш хато тушунилиб, воқелик ўтиб кетган хабар ёки фикр билан боғланади. Демак сиёсатни тушуниш учун буларни изчил кузатиб бориш керак.

3) Хабарларни танлаш. У хабарларни эшитиш билан эмас, олиш билан амалга

ошади. Сиёсий киши фақат аҳамиятли хабарларни олади. Барча хабарларни кузатиб бўлса-да, олинадиган хабар билан олинмайдиган хабарни фарқлаш лозим. Чунки хабарлар маълумот берса-да керакли, зарур хабарлар олинади, бошқалари олинмайди. Хабарларни олиш учун кузатиш шундан иборат.

СИЁСАТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ МУСУЛМОНЛАРГА ФАРЗ

Росулуллоҳ ﷺ айтадилар: «Яқинда амирлар бўлади. Сизлар маъруфга буюрасизлар ва мункардан қайтарасизлар. Кимки маъруфга буюрса, гуноҳдан пок бўлади, мункардан қайтарса, саломат бўлади. Лекин кимки рози бўлиб, эргашса...» Саҳобалар: «Уларга уруш қилмаймизми? Ё Росулуллоҳ» – дедилар. «Йўқ модомики намоз ўқишар экан» – деб жавоб бердилар Росул ﷺ. Росул ﷺ марҳамат қиладилар: «Энг афзал жиҳод – золим султон ҳузурида – айрим ривоятда золим амир ҳузурида – айтилган ҳақ сўз». Бошқа бир ҳадисда айтадиларки: «Шаҳидлар саййиди Ҳамза ибн Абдул Мутталиб ҳамда золим имомга қарши чиқиб, маъруфга буюрган, мункардан қайтарган сўнг золим имом ўлдирган киши». Убода ибн Сомитдан ривоят қилинади: Росулуллоҳ ﷺ бизни даъват қилдилар. Биз у кишига байъат бердик. Хурсандлигу хафаликда, қийинчилигу осонликда ўз зараримизга бўлса ҳам хўп деб, итоат этишга ва амирлардан амирликни талашмасликка байъат қилдик. Росул ﷺ дедилар: «фақат

очиқ куфр кўрсаларинг ва унинг куфалигига Аллоҳ тарафидан очиқ ҳужжатга эга бўлсаларинг, шундагина талашасизлар. Аллоҳ Таоло марҳамат қилди:

﴿الْمَ ۞ غَلَبَتِ الرُّومُ ۞ فِي أَدْنَى الْأَرْضِ وَهُمْ مِنْ

بَعْدِ غَلَبِهِمْ سَيَغْلِبُونَ ۞ فِي بَضْعِ سِنِينَ ۞ لِلَّهِ الْأَمْرُ

مِنْ قَبْلُ وَمِنْ بَعْدُ ۞ وَيَوْمَئِذٍ يَفْرَحُ الْمُؤْمِنُونَ ۞﴾

– „Алиф Лом Мим. Энг паст жойда Рум мағлуб бўлди. Лекин улар бу мағлубиятларидан сўнг бир неча йил ичида албатта галаба қилажаклар. Аввалу охир барча иш Аллоҳнинг измидадир. Ўша кунда мўминлар румликларни голиб қилгани сабабли шодланурлар“.

Ушбу ҳадис ва ояти карималар сиёсат билан шуғулланиш фарзлигига далолатдир. Зеро, сиёсат луғатда «ишларни бошқармоқ»дир. Мусулмонларга аҳамият бериш – уларнинг ишларига, алоқа-муносабатларига аҳамият беришдир. Уларнинг ишларига аҳамият бериш – ишларини бошқариш ва ҳоким инсонларни нима билан бошқараётганини билиш

демакдир. Ҳокимга инкор этиш – сиёсат билан шуғулланиш, мусулмонлар ишига аҳамият бериш ва ишларини бошқаришдир. Амирлардан амирликни талашиш мусулмонлар ишига аҳамият бериш ва ишларини бошқаришдир.

Барча ҳадислар талабни қатъийлиги, яъни Аллоҳ мусулмонлар ишига аҳамият беришни, бошқача айтганда сиёсат билан шуғулланишни қатъиян талаб этаётганига далолат қилади. Демак, сиёсат билан шуғулланиш мусулмонларга фарздир.

Сиёсат билан шуғулланиш, яъни мусулмонлар ишига аҳамият бериш ҳоким тарафидан ҳамда душман тарафидан мусулмонларга келаётган озорни қайтаришдир. Шунинг учун ҳадислар ҳоким тарафидан келадиган озорнигина қайтаришга чекланиб қолмади, балки иккисини ҳам ўз ичига олди. Жарир ибн Абдуллоҳ ривоят қилади: «Мен Росулulloҳ ﷺ ҳузурларига келиб, сизга Исломга байъат қиламан, дедим. Росул ﷺ менга ҳар бир мусулмонга холислик қилишни шарт қилдилар». Бу ҳадисда «холислик» сўзи умумий маънода келган бўлиб, у ҳоким тарафидан ҳамда душман тарафидан

муслмон кишига келаётган озорни қайтариш маъносини ҳам ўз ичига олади.

Бу ҳокимларни муҳосаба қилиш учун раъиятни қандай бошқариш лозимлигини билишда ички сиёсат билан шуғулланиш демакдир. Куфр давлатларининг муслмонларга қилаётган хийла-найрангларини очиб ташлаш, хатарларнинг олдини олиш ва озорни қайтаришда ташқи сиёсат билан шуғулланиш демакдир. Бинобарин, нафақат ички сиёсат билан, балки ташқи сиёсат билан ҳам шуғулланиш керак бўлади. Чунки ички ёки ташқи сиёсатми умуман сиёсат билан шуғулланиш фарздир.

Бундан ташқари:

﴿الْمَغْلَبَةِ الرُّومِ﴾ فِي أَدْنَى الْأَرْضِ وَهُمْ مِنْ

بَعْدِ غَلَبِهِمْ سَيَغْلِبُونَ ﴿

– „Алиф Лом Мим. Энг паст жойда Рум мағлуб бўлди. Лекин улар бу мағлубиятларидан сўнг бир неча йил ичида галаба қилажаклар“.

маъносидаги ояти карима Росул ﷺнинг ҳамда саҳобаи киромларнинг ташқи сиёсатга

қанчалар аҳамият берганлари ва олам хабарларини кузатганларига очиқ далолат беряпти. Ибн Аби Хотам Ибн Шиҳобдан ривоят қилади: «Бизга маълум бўлишича Росул ﷺнинг Мадинага ҳижратларидан олдин, мусулмонларнинг Маккадалик вақтларида мушриклар улар билан тортишиб айтишар эдики, Румликлар ўзларини аҳли китоб дейишади. Мана мажусийлар уларнинг устидан ғалаба қилди. Сизлар пайғамбарларингга нозил қилган Китоб билан бизнинг устимиздан ғалаба қиламиз, деб ўйлаяпсизлар. Румликлар аҳли китоб бўла туриб, мажусийлардан мағлуб бўлди-ку. Яқинда биз ҳам форслар румликлардан ғолиб бўлгани каби сизларни устингиздан ғалаба қиламиз». Шунда Аллоҳ Таоло:

﴿الْمَغْلَبَةِ الرُّومِ﴾

– „Алиф Лом Мим. Энг наст ерда

Румликлар мағлуб бўлди “.

маъносидаги оятини нозил қилди. Бу шунга далолат берадики, Маккадаги мусулмонлар Исломиё давлат барпо бўлишидан олдин ҳам давлатлар хабари ва оламиё алоқалар хабари борасида кофирлар билан баҳслашар

эди. Абу Бакр Румликлар галаба қилажагида мушриклар билан гаров боғлайди ва буни Росул ﷺ га хабар берганларида у киши тўғри деб тасдиқ этадилар. Гаровда шерик бўлган ҳолларида Абу Бакрга вақтни узайтиришларини айтадилар. Буларнинг барчаси давлатлар аҳволини ва улар ўртасидаги алоқаларни билиш мусулмонлар қилган ва Росул ﷺ тасдиқ этган иш эканига далолат беради.

Бунинг устига қўшимча уммат исломий даъватни оламга олиб чиқар экан, бошқа давлат ҳукуматлари юритаётган сиёсатни билгандагина даъватни оламга олиб чиқа олади. Бу умуман олам сиёсатини, хусусан, даъват қилаётган давлатнинг ёки босқинчи давлатнинг сиёсатини билиш мусулмонларга фарзи кифоя демакдир. Чунки даъватни олиб чиқиш фарз, душман хавф-хатаридан сақланиш, хийла-найрангларини очиб ташлаш фарз. Бунинг учун олам сиёсатини ҳамда даъват қилаётган ёки босқинчи давлатлар сиёсатини билиш зарур. «Вожиб нима билан адо топса, у ҳам вожибдир», деган шаръий қоида ҳам шуни англатади. Демак, халқаро сиёсат билан шуғулланиш мусулмонларга фарзи кифоядир.

Исломиё Уммат исломиё даъватни барча инсонларга етказишга шаръан мукаллафдир. Шунинг учун мусулмонларнинг халқаро аҳволи, олам мусулмонларини, давлат ва халқларининг мақсадларини билган, оламда содир бўлаётган сиёсий ишларни кузатаётган, давлатларнинг сиёсий режаларини, бу режаларини амалга ошириш услубларини ва давлатларнинг ўзаро алоқаларини ҳамда сиёсий ўйинларини мулоҳаза этган ҳолда оламдан бохабар бўлмоқлари фарздир.

Ҳокимларнинг бошқа давлатлар билан олиб бораётган ишлари ва шу ишларда уларни муҳосаба қилиш ташқи сиёсатга тааллуқлидир. «Вожиб нима билан адо топса, у ҳам вожибдир» деган шаръий қоида давлат ишларидан, ички ва ташқи алоқаларида уммат ишларини қандай бошқараётганидан хабардор бўлиш вожиб иш эканига далолат беради. Зеро, ҳокимлар олиб бораётган ишларни билиш билангина ички ва ташқи сиёсат билан шуғулланиш, яъни уларнинг ички ва ташқи сиёсатларидаги ишларида муҳосаба қилиш мумкин бўлади. Чунки бу ишлар ўз моҳиятида билинмаса, маҳосаба қилиш,

яъни сиёсат билан шуғулланиш
имконсиздир.

Буларнинг барчасидан маълум
бўляптики, ички ё ташқи сиёсатми умуман
сиёсат билан шуғулланиш мусулмонларга
фарзи кифоядир. Фарзни бажармасалар
гуноҳкор бўладилар.

ДАВЛАТ АРБОБИ

Кўпчилик олимлар давлат арбоби бу ҳоким ёки давлатда бевосита бошқарув иши билан машғул кишидир, деб ўйлаб, давлат раиси, вазир ва шу кабиларни давлат арбоби деб, сифатлайдилар. Башқа кишилар бундай сифатга эга эмас, деб биладилар. Инсонларни икки синфга, давлат арбоби ва халқ одамига бўлиб, давлатдаги барча ишчи ва хизматчиларни иккинчи синфга киритадилар.

Уларнинг бундай тушунишлари хатодир. Ҳоким баъзан давлат арбоби бўлиши баъзан бўлмаслиги мумкин. Халқ одами ҳеч бир давлат бошқарув ишлари билан машғул бўлмаган ҳолда деҳқан, ишчи, ўқитувчи, савдогар бўлса ҳам давлат арбоби сифатига эга бўлиши мумкин.

Давлат арбоби – иқтидорли сиёсий етакчи ва бошқарув лаёқатига эга бўлган кишидир. У давлат ишларини идора этишга, муаммоларга ечим беришга, ички ва ташқи алоқаларда иш юритишга қодир бўлади. Мана шу киши давлат арбобидир. У шундай сифатларга эга бўла туриб, ҳоким бўлмаслиги ҳамда бошқарув ишларида иштирок этмаслиги мумкин.

Исломиё давлат барпо бўлгандан бошлаб онги, нафсия ва турмуш тарзларида шундай сифатга эга бундай кишилар билан тўлиб тошган. Бу ҳол Аббосий давлат охирларигача олти асрдан ортиқ давом этди. Шундан кейин ҳам Исломиё давлат 18 асрга қадар давлат арбоби сифатига эга бўлган кишилардан ҳоли бўлмади. Бошқарув онгини ўстиришда оқсаш бошланиб, ҳақиқатда давлат арбоби номи билан аталиши мумкин бўлган кишилар сони озайиб кетди. Иш оқсаш билан чекланмади, балки давлат арбобларини етиштирадиган замин йўқолди. Исломиё Уммат бошқарув онгига эга кишиларни етиштира олмай қолди, оқибатда, уммат орасида бундай кишилар камайди.

Ўз бағрида давлат арбобларини етиштириб чиқарадиган Уммат – амалий ҳаётда, ички ва ташқи алоқаларида бошқарув фикрлари билан озиқланган умматдир... Барча одамлардан, ҳатто, ўз ҳудудидан ташқаридаги одамлардан ҳам уларнинг ишларини бошқариш ва муаммоларга ечим беришда масъулият ҳиссини туйган умматдир... халқлар орасида ўз қийматини ҳис этиш устивор бўлиб, оламда юксак мақомни эгаллаш учун

интилган, балки бутун оламда етакчи мавқега эга бўлиш учун ҳаракат қилган умматдир.

Давлат арбоби ва бошқарув онги ўсиб чиқадиган замин мана шу заминдир. У қўйидаги уч нуқтада қисқа ифодасини топди.

1. Ҳаётда амалий равишда умумий фикрат даражасидаги дунёқарашга эга бўлиш.

2. Ҳақиқатда саодатга элтувчи ўзига хос дунёқарашга эга бўлиш.

3. Барчани тенгдан энг яхши шароитларда, чиройли турмуш тарзида ва юксак онг даражасида ҳамда олий қийматлар билан ва доимий хотиржамлик ҳолатида яшаш даражасига кўтарадиган ўзига хос ҳазоратга эга бўлиш.

Бу уч нуқта мусулмонларда китоб сифатида ва олимлар зеҳнларида мавжуд бўлиб, уларни воқеликка, амалиётга кўчириш керак. Уларни воқеликка давлат арбоби кўчиради. Чунки давлат арбоби иқтидорли сиёсий йўлбошчидир. Зеро, сиёсий фикрни вужудга келтириш учун албатта сиёсий йўлбошчилик зарур. Сиёсий фикрни китобларда ва олимлар зеҳнида мавжуд бўлишининг ҳеч қандай қиймати

йўқ ва бу билан сиёсий фикр ҳақиқий равишда мавжуд, деб эътибор қилинмайди. Сиёсий йўлбошчилик амалда мавжуд бўлиши учун сиёсий фикрни тўла англаб, уни қийинчиликсиз қўллай оладиган, иқтидор унинг туғма табиати бўлган киши керак.

Ушбу уммат коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги умумий фикрлар, яъни ақидаларнинг энг юксаги бўлган умумий фикратга, мусулмон киши учун саодат бахш этувчи ўзига хос дунё қарашга ҳамда энг яхши шароитларда, юксак онг даражасида яшаш савиясига кўтарувчи ўзига хос ҳазоратга эгадир. Лекин шундай бўлса-да, булар китоблардаги қуруқ фалсафий фикрларга ва олимлар зеҳнида қолиб кетган маълумотларга айланиб қолган, амалга татбиқ этилмаган.

Шунинг учун давлат арбоби етишиб чиқадиган замин йўқолиб, бундай тоифадаги инсонларнинг камайиб кетиши табиий бир ҳолга айланди. Зеро, мусулмон киши йўлбошчилик тушунчалари ва сиёсий фикрлар билан озиқланмас экан, унда сиёсий йўлбошчилик қаердан пойдо бўлсин? Уммат ишларини бошқариш эмас, эргашиш ва тақлид йўлидан, ўлжа орқасидан, катта

давлатлар билан рақобат эмас, уларни рози қилиш йўлидан ҳаллослаб югурар экан, унда иқтидор ва етуклик қандай пайдо бўлсин?

Мусулмонлар уйғонишга эришишлари учун давлат арбобини юзага келтириш ва уни кўпайтириш йўлини излашлари зарур. Бунинг учун исломий ақидага – коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги умумий фикратга – асосланган сиёсий сақофат билан тарбияланишлари керак. Қачонки бу сақофат барча мусулмонлар орасида кенг тарқалиб, воқеда вужудга келса, шунда давлат арбоби етишиб чиқадиган замин юзага келади ва у етишиб чиқа бошлайди. Бундай кишилар етишиб чиқса, уйғониш юзага келади ва тубдан ўзгартириш бошланади ёки ўзгартириш яқинлашади.

Давлат арбоби етишиб чиқадиган замин мана шу. Давлат арбоби – зарурат ҳолатлардаги ҳоким эмас, балки аввало, уммат орасидан етишиб чиққан иқтидорли сиёсий йўлбошчидир. Шунингдек, атрофида нима ишлар бўлаётганини англамайдиган ва сайловлар натижасида ёки ҳарбий тўнтариш ёки молу дунё эвазига ҳокимият тепасига келиб қолган киши эмасдир.

Давлат арбобини ҳокимият тепасига келиш йўли эса қуйидагача: у фикр ва қарашларини, аввало ўз отрофидаги кишиларга, сўнгра ўз юрти ёки минтақасига сингдиради. Шундан сўнг қобилият ва қудрати билан танилгач ҳокимиятга тайинланади ёки сайлов орқали ҳокимият тепасига келади. Бу ҳол онгли халқ ва холис давлатларда содир бўлади. Аммо исломий оламдаги мавжуд давлатлар каби давлатларда ҳокимият тепасига келиш йўли эса, аввало одамлар йўлбошчилигини қўлга олиб, сўнгра ҳокимиятни ағдариш ва ишларни қўлга олиш мақсадида мавжуд ҳокимиятга таҳдид солиш учун шу одамлардан бир гуруҳ ёки нуфузли куч пайдо қилишдир. Юртларимизда бўлаётган сайловлар эса, улар натижасида ҳокимиятга ҳозирги саёз фикрли қолоқ ҳокимлар келади холос.

Мусулмонлар Исломни татбиқ қилган ва у билан тарбияланган вақтларида давлат арбоби сифатига эга минглаб шахсларни етиштириб чиқарди. Умар, Али, Муътасим, Салоҳуддин ва Муҳаммад ал-Фотиҳ кабилар ҳокимият тепасида бўлган бўлса, Ибн Аббос, Аҳнаф ибн қайс, Аҳмад ибн Ҳанбал ва Ибн Таймийя кабилар оддий фуқаролар

эди. Лекин улар давлат арбоби сафатига эга эдилар. Чунки уларнинг барчаси Ислом ақидасида етишиб чиққан, сиёсий йўлни тутган ва жамики одамларни ҳидоятлаш ва уларга Ислом даъватини етказишда ўзларини жавобгар ҳис қилган эдилар. «агар бирор ҳайвон Ироқнинг чекка томонларида тойилса ҳам, Аллоҳнинг нима учун йўлни теккисламадинг, деб сўроқ-савол қилишидан қўрқаман», деб айтган ҳазрат Умар. Мўътасимга Рум ерларидаги муслима аёлнинг «Ё, Мўътасим» – деган ҳайқириғи хабари келади. Мўътасим хабарни эшитган заҳоти ёрдамга шошилади, лашкар тортиб, унга ўзи етакчилик қилади ва фатҳ қилиб, Рум шаҳарларига кириб боради, ҳаттоки ҳоқонларнинг она ватанини босиб олади. Аҳмад ибн Ҳанбал Қуръонни махлуқ демагани учун тазйиққа учрайди, бу сўзни айтиб мусулмонлар залолатига сабабчи бўлишдан кўра, калтакланиш ва зиндонни афзал билади. Масъулиятни бундай ҳис этиш давлат арбобига лозим шартдир.

Бугунги кундаги мусулмонлар чалинган касалликлардан бири уларнинг давлат арбобини йўқотиб қўйишларидир. Ҳозирда Уммат орасида давлат арбоби йўқлиги туфайли ҳокимият тепасига шундай ҳоким

ва ижрочилар келиб қолди. Уларнинг барчасида ҳеч бир жиҳатдан давлат арбоби сифати топилмайди. Фикрлаш, режа тузиш ва уммат манфаатларини бошқариш қудратига эга эмаслар. Балки буларнинг барчасини катта давлатлар гарданига юклаб, уларга юртларининг бойликларини тасарруф этишга имкон бермоқда. Натижада, ушбу ҳокимлар хизматчи ва ижарачига айланиб қоляптилар. Катта давлатлар бу фурсатни фанимат билиб, ўзларини капиталистик, социалистик, ватанпарварлик ва миллатчилик фикрларини ёя бошладилар. Ҳокимлар барча алоқаларда манфаатни устун қўя бошладилар. Ишлар чалкашди, амри маъруф, наҳи мункар ва муҳосаба тарк қилинди. Сўнг фикрлаш ва бошқарувда мустақиллик ва ўзига хослик йўқолди. Ниҳоят Росул ﷺнинг ҳадислари ўз тасдиғини топди: «Аввалги кишиларнинг йўлидан изма-из юрасизлар, ҳатто улардан бири калтакесак инига кирса, сизлар ҳам кирасизлар ва йўлда аёли билан жимо қилса, сизлар ҳам албатта қиласизлар». Ҳокимлар ва кўпчилик инсонлар фикрлаш, турмуш тарзи ва муаммоларга ечим беришда Ислом ақидасига асосланмай қўйдилар. Аксинча, ғарб фикрларига мафтун бўлдилар.

Ғолиб давлатларнинг бошқарувга оид фикрларини ўқидилар. Президент китобларини дастуруламал ва Маклавеллини имом қилиб олдилар. Билмас эдиларки, бу фикрлар капиталистик ёки социалистик жамиятга тўғри келса-да, Исломий Умматга тўғри келмас эди. Буларда Росул ﷺнинг сўзлари ўз исботини топди: «Яқинда инсонларга ёлғончи йиллар келади, унда ёлғончи ростгўйга, ростгўй ёлғончига чиқарилади. Хиёнаткор омонатгўй ва омонатгўй эса хиёнаткор ҳисобланади. Рувайбиза нутқ сўзлайди. Рувайбиза ким? деб сўралди. Омма иши ҳақида гапирадиган калтабин киши, деб жавоб берди Росул ﷺ».

СИЁСИЙ ДОИРА

Сиёсий доира – сиёсий хабарлар, сиёсий ишлар ва сиёсий ҳодисаларни кузатиб, фикр билдирадиган ва жамият ишларини шу фикрлар асосида бошқарадиган кишилар доирасидир. Яъни ҳоким бўлган ва ҳокимиятда бўлмаган сиёсий кишилар доирасидир. Сиёсий кишилар яшаётган бу доира сиёсий доира, деб аталади.

Сиёсий доира фикр ва ҳазорат даражасига қараб турлича бўлади. Капиталистик фикрлар билан бошқарилаётган мамлакатлардаги сиёсий доира саиалистик фикрлар билан бошқарилаётган давлатлардаги сиёсий доирадан ўзгачароқдир. Шунингдек, ҳазорати гуллаб-яшнаган мамлакатдаги доира ҳазорати қолоқ мамлакатдаги сиёсий доирадан фарқлидир. Масалан, Франциядаги сиёсий доира Россиядаги сиёсий доирадан ёки Эфиопиядаги сиёсий доира Канададаги сиёсий доирадан бошқачароқлиги табиий. Қўшма Штатлар каби мамлакатлардаги сиёсий доира Ливан каби мамалакатлардаги сиёсий доирага ўхшаш бўлади, гарчи бу мамлакатлар озодлик ва мустақиллик даражасида бир-бирларидан фарқ қилса ҳам. Чунки сиёсий доира хабарларни кузатиб,

уларга алоқа-маносабатлар ҳақидаги раъй ва фикрлари асосида ва уларни шу раъй ва фикрларга бошқаришдаги йўли асосида қарайдиган кишилар доирасидир. Қўшма Штатлар каби мамлакатлардаги сиёсий кишиларда эркинлик фикрлари, капиталист фикрлари мавжуд. Уларнинг мақсади ҳаётда индивидуализм принципи асосидаги ривожланиш. Шунинг учун улар тўла эркинлик билан ҳаракатланадилар ва ҳокимларга қарши фикр билдириш ўз сиёсий ҳаётларининг ажралмас қисми, деб ҳамда ҳокимлар ва бошқаларни танқид қилиш сиёсий ҳуқуқларимиз, деб биладилар. Социализм ва Совет Иттифоқи кунларидаги Россия мамлакатининг сиёсий кишилари эса бунинг аксидир. Уларда коллективизм принциплари асосидаги ривожланиш фикрлари ва социализм фикрлари мавжуд. Уларнинг мақсадлари – коллективни муҳофаза этиш ва бошқаларга душманларча қараш. Шунинг учун Америкадаги сиёсий доирада қарши фикр билдириш ҳамда ҳокимларга, шунингдек, бошқа давлатларга – гарчи бу давлатлар капиталистик мамлакатлар бўлса ҳам – макр ва хийла қилишлар мавдуд.

Ҳозирдаги Россия сиёсий доираси эса аксинча, унда қарши фикр билдириш йўқ, ўз ҳокимларини, бошқа давлатлар ва уларни ҳокимларини танқид қилишга рухсат этилмайди. Қўшма Штатлардаги сиёсий доира ҳокимлар ёки одамларнинг ўзаро муносабатларини бошқараётган кишилар билангина чекланиб қолмаган, балки ҳокимлар, турли бўғиндаги раҳбарлар ва жамият ҳаётига сўз ва фикр билан таъсир ўтказаётган барча кишилар ҳам дахлдордир.

Шунга кўра, биз назарда тутаётган сиёсий доира фақат ҳокимлардан иборат бўлган ва бошқаларнинг кириши ман қилинадиган сиёсий доира эмас, балки ҳар қандай шахс кириши мумкин бўлган очиқ сиёсий доирадир.

Бугунги кунда ҳеч бир мамлакат исломий фикрлар билан бошқарилмаётгани сабабли исломий сиёсий доира мавжуд эмас. Лекин исломий тарихга, айниқса, биринчи асрдаги Ислом ва мусулманлар тарихига назар ташлаш билан амин бўлампизки, мусулмонлар Ислом фикрлари билан бошқарилган вақтда сиёсий доира мавжуд эди. Айниқса, Исломий бошқарув низоми Росул ﷺга ҳақиқатда ўринбосар бўлган, яъни шунчаки ҳоким эмас, балки у кишига

халифа бўлган биринчи халифалар томонидан ҳаётга татбиқ этилган вақтда.

Исломий давлат албатта барпо бўлади, унинг ҳозирда мавдуд эмаслиги вақт масаласидир. Бинобарин, Ислом ҳокимиятини барпо қилиш мақсадида фаолият кўрсатаётган кишилар, аввало исломий сиёсий доирани тасаввур этишлари, сўнг шу сиёсий дорани юзага келтириш учун иш олиб боришлари зарур, токи Исломий бошқарув низомидан чалғиганлари каби исломий сиёсий доирадан ҳам чалғимасинлар.

Ислом фикрларига, шу жумладан бошқарув низомига назар ташлаш билан маълум бўладикки, улар сиёсий фикрлардир, чунки улар ҳаётда сиёсий фикр сифатида пайдо бўлган. Бу фикрлар, ҳаттоки уларнинг ақидага оид фикрлари ҳам фақат сиёсий фикрлардир. Шунинг учун бутун исломий сиёсий доира қарийб сиёсий доира бўлади. Бундан ташқари Ислом билан бошқариладиган мамлакатда исломий сиёсий доира албатта ва табиий равишда вужудга келади. Шундан маълум бўляптики, исломий фикрларни ва ўтмишдаги сиёсий доираларни ўрганиш билан исломий сиёсий доирани тасаввур этиш мумкин бўлади.

Бундай доирани пайдо қилиш мақсадида иш олиб бориш, айниқса Исломий давлат барпо бўлаётган бир вақтда алоҳида аҳамият касб этади. Бу иш сиёсий онг ва тажрибани тақазо этади.

Исломий сиёсий доирани юзага келтириш йўлидаги биринчи қадам оламдаги сиёсий хабарларни идрок этиб кузатадиган ва инсонлар ўртасидаги муносабатларни шу хабарлар асосида бошқаришга ҳаракат қиладиган ҳамда бу бошқаришни Ислом назаридаги аҳамиятига чекланадиган кишиларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Сиёсий доирани вужудга келиши давлатни барпо қилишда ёрдам беради ва давлатнинг барпо бўлиши сиёсий доира вужудга келишини ёки вужудга келтиришни тақазо этади. Шундай бўлса-да, энг биринчи асосий мавзу – сиёсий хабарларни кузатишни одат тусига киритиш ва одамлар ўртасидаги муносабатларни кузатилган хабарлар асосида Исломий фикрларига мувофиқ бошқаришдир.

Қўшимча қилиш мумкинки, хабарларни кузатиш ва уларни таҳлил этишдан мақсад хабарлар асосида фикр беришдир. Чунки хабарларни кузатмайдиган шахс сиёсий киши бўлиши мумкин эмас ва ўз навбатида

сиёсий доира вужудга келтириш учун ишлай олмайди. Зеро, ўзида йўқ одам бировга беролмайди.

Хабарларни кузатган, лекин таҳлил қилмаган киши билиш ва идрок этиш жиҳатидан олганда мутлақо хабар кузатмайдиган киши билан тенгдир. Зарар жиҳатидан қаралганда эса ўзига ва умматига ёмонлик қиладиган киши кабидир. Чунки у бундай ҳолда хабар ва воқеаларни юзаки кўринишига қараб фикр беради ва ўзини ҳам бошқаларни ҳам адаштиради. Шунинг учун хабарларни кузатишда таҳлил зарурий ишдир. Бироқ хабарларни кузатиш, таҳлил қилиш уларнинг одамларга етказишнинг ўзи билан киши сиёсий бўлмайди. Шунингдек, сиёсий доирани вужудга келтиришда ва сиёсий доирада ишлай олмайди. Балки хабарларни ва уларни шарҳини кўчириб берадиган журналист бўлади холос, яъни хабарларга ва уларни яхши тушунишга манба бўлади, сиёсий киши бўлмайди. Сиёсий доира пайдо қилишда ва сиёсий доирада иш олиб боролмайди. Демак, кузатиш ва таҳлил этиш билан бир қаторда шу хабарлар асосида одамларга фикр бериш зарур. Шунга кўра қўшимча қилишимиз мумкинки,

кузатиш ва таҳлил қилишдан мақсад — хабарлар асосида одамларга фикр беришдир. Бу оддий ҳақиқат ва шундай бўлиши ҳам шарт.

Бетараф ва қуруқ баён йўли билан фикр бериш ярамайди. Балки берилган фикр муайян дунёқарашдан ўсиб чиқиши ёки муайян дунёқарашга таяниши лозим. Яъни сиёсий онгдан келиб чиқиши ёки сиёсий онгга таяниши зарур. Шундагина у ўз салмоғи ва қийматига эга сиёсий фикрга айланади. Мана шу тарзда билдирилган фикр одамларни ишларини бошқаришга лаёқатли бўлади.

Шунинг учун ҳар бир шахс сиёсий киши бўлиши, сиёсий доира вужудга келтиришда ва сиёсий доирада иш олиб бора олиши учун қуйидаги тўрт ишни тўла бажарариши лозим.

1. Сиёсий хабарларни кузатиш.

2. Бу хабарларни таҳлил этиш.

3. Бу хабарлар асосида одамларга фикр бериш.

4. Берилган фикр дунёқарашга тааллуқли муайян бурчакдан ўсиб чиқиши ёки унга таянган бўлиши.

Модомики, бу тўрт омил тўла топилмас экан исломий сиёсий доира юзага келмайди

ва сиёсий доирада ишлаш мумкин ҳам бўлмайди. Кузатиш биринчи қадам бўлса-да, сиёсий онг, яъни дунёқарашга тааллуқли муайян бурчакдан фикр бериш биринчи қадамни янада мустахкамлайди.

Куфр давлатлари исломий сиёсий доирани бутунлай йўқ қилди. Бу билан кифояланиб қолмай, мусулмонларни сиёсатдан нафранлантирди, ҳатто хабарларни кузатишдан узоқлаштиришгача борди. Ислом дунёқараши нуқтаи назаридан сиёсий фикр билдирувчи ҳар қандай киши олдида сиёсий доиралар эшиги беркитилган ва осонлик билан ихтиёрий равишда очилмайди. Бу ҳол барчага кундек аён, бу ҳақида гапиришга ҳожат йўқ. Одамлар бунини очиб-ойдин кўрмасаларда, лекин хабарларни кузатиб, булар асосида фикр беришга ҳаракат қилаётган кишилар бунини кўзлари билан кўришади, ҳаттоки эркинликлари ҳақида жар солаётган мамлакатларда ҳам аҳвол шундай. Шунинг учун масала – хабарларни кузатиб, уларни таҳлил этиш масаласи эмас, фикр билдириш, ҳатто муайян бурчакдан билдириш ҳам эмас. Балки масала исломий диёрлардаги сиёсий доираларга кириш вожиблигидир, гарчи бу

иш уларни розилигисиз ва қурбонлар эвазига бўлса ҳам.

Алоҳида эътибор қаратиб баҳс қилиш лозим бўлган масала – Исломий диёрларда исломий сиёсий доираларни юзага келтириш масаласидир. Бу Исломий давлатнинг барпо бўлиши тақозо этган масала бўлса, Давлат барпо бўлишидан илгари ёки исломий диёрларнинг давлат таркибига қўшилишидан илгари мавжуд сиёсий доираларга кириб бориш эса, Исломни ҳаётда, хусусан, сиёсий доираларда юзага келтириш учун фаолият кўрсатиш тақозо этган ишдир. Шунинг учун ҳар қандай исломий диёрдаги сиёсий доирага кириш учун иш олиб бориш Ислом учун сиёсий равишда фаолият кўрсатаётган ҳар қандай киши учун шартдир.

Ғайри исломий мамлакатлардаги сиёсий доиралар бузуқ доиралардир. Улардаги энг оддий иллат-нуқсон – ғоя йўлида ҳар қандай воситадан фойдаланиш мумкинлиги ва бунинг шиор қилиб олиниши ва Маклавелли типи ва праграммасидан эканлигидадир. Бундан ташқари, бу доира кишиларида худбинлик ва шахсий манфаатлар устун туради. Бинобарин, ушбу сиёсий доираларда ибратга лойиқ нарса кўрмаймиз. Устига устак, биз уларнинг мамлакатлари ва

аҳолисини халос этиш ва ҳидоятлаш учун Рисолат кўтариб чиқмоқдамиз. Исломиё диёрлардаги сиёсий доираларда ҳам айни ғарбий сиёсий доиралардаги бузуқлик мавжуд. Бундан ташқари бу доиралар куфр қонунлари ва куфр сиёсатига мафтун, Ислумни ёмон кўрувчи, ҳақоратловчи ҳамда унга адовати бор кўр-кўрона эргашувчилар билан тўла. Шунинг учун бу доираларга кириш билан чекланмасдан уларни бузишга ва исломиё доиралар пайдо қилишга ҳаракат қилмоғимиз лозим. Бунинг учун ташқаридан ҳаракат қилиш мумкин бўлса-да, лекин сиёсий доиралар ичида иш олиб бориш осонроқ ва натажалироқ. Исломиё диёрлардаги сиёсий доира кишилари ғарб кишиларига ва ғарбий сиёсий доира кишиларига нисбатан кичик бўлса-да, исломиё диёрларда катта ва аҳолига нисбатан улкандир. Чунки улар ҳоким ва раҳбарлардир ва инсонлар ҳаётида салмоғи ва аҳамияти бор кишилардир. Бундан ташқари улар олдинги сафларга чиқиб олиш учун керакли билим ва тажрибага эга. Ҳар қандай ҳолатда ҳар қандай тусда туслана олади, керак бўлса, жамиятда Ислум ҳукм сурганда биринчи сафда беш вақт намоз ўқишга тайёр. Ислум давлатида энг

биринчилардан ва Ислом оқимига раҳбарлардан бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Нохолислик ва мунофиқлик аниқ кўриниб туради. Бундан ташқари, бузуқликка ва давлатлар ва холис сиёсий кишиларни синдиришга тажрибали ва устаси фаранглардир. Исломий давлат барпо бўлиб, бу сиёсий кишилар мавжудлигича қолса, умматга ўзларини холис кўрсатиб, сиёсий доираларни раҳбарларига, атоқли, пок кишиларга айланишади. Шунинг учун улардан эҳтиёт бўлиш, таъсир-нуфузларини бартараф этиш зарур.

Гувоҳ бўлдикки, Америка инглизларни айрим Ислом диёрларидан қувиб чиқармоқчи бўлганда, эски сиёсий доираларни йўқотишга шошилди. Масалан, Миср ва Ироқдаги эски сиёсий доирага қамаш, ўлдириш, маҳрум этиш ва тирикчилик йўллари тўсиш каби ишлар билан зарба беришга ҳаракат қилди. Маълум миқдорда хавфни олдини олишга ва озорларни чеклашга муваффақ бўла олди. Лекин буткул йўқ қила олмади. Миср ва Ироқдаги эски сиёсий доира кул остидаги чўғ каби бўлса ҳам, ҳамон мавжуд. Чунки Америка ва уни малайлари эски сиёсий доира ўрнига келадиган янги сиёсий доира

ва ҳокимият пайдо қила олмадилар. У эски сиёсий доирага барҳам беришга ва бош кўтармасликка ҳар қанча ҳаракат қилмасин, бунинг уддасидан чиқа олмайди. Зеро, ҳар бир ҳокимиятда сиёсий доира мавжуд бўлиши табиий ва лозим бўлган ишдир. Шунинг учун қаердаки ҳокимият бўлса, у ерда сиёсий доира ҳам мавжуд.

Росул ﷺ Мадинага борганларида Исломни қабул қилган ва у учун ёрдам беришга тайёр турган инсонлар билан сиёсий доира юзага келди ва эски сиёсий доира – Абдуллоҳ ибн Убай ва шу кабиларнинг сиёсий доираси барҳам топди. Макка фатҳ қилинганда у ердаги сиёсий доира уруш билан ҳамда тирик қолган нуфузли кишиларни таъсирига барҳам бериш билан бартараф этилди. Уларнинг ўрнига мусулмонлар йўлбошчи ва раҳнамо бўлдилар. Янги сиёсий доира юзага келиб, эски сиёсий доира йўқолди.

Исломий давлат барча сиёсий доираларни ҳар қандай восита – ўлдириш, тирикчилик йўлларини тўсиш, уларни сиёсий ва маънавий вужудини йўқотиш ва шу каби бошқа воситалар билан тугатиши зарур. Бу борлиқ қонунинг талабидир, Дорул Исломни

барпо қилиш ва дорул куфрни барҳам топтириш тақозо этган ишдир. Лекин мунофиқ мусулмонлардан эмас, балки онгли холис мусулмонлардан иборат исломий сиёсий доира бўлмас экан, мавжуд сиёсий доираларни йўқ қилишни ўзи кифоя қилмайди. Онгли холис кишилар хабарларни кузатиш ва таҳлил қилиш билан кифояланишда давом этсалар, сиёсий доира бўла олмайдилар. Куфр диёрларидаги сиёсий доиралардан омон қолганлари яна сиёсий доира пайдо қилиш ва унга кириб боришда ва уни бошқаришда улардан қудратлироқ бўлиб қолишади. Бу билан уларни мавжудлиги сабабли давлат ҳалокатига замин яралади.

Натижада, онгли холис кишиларнинг сиёсий доираларга киришига тўсқинлик қилинади, ҳатто Исломий давлат барпо бўлганда ҳам. Бундан ташқари мунофиқларнинг сиёсий доира пайдо қилишларига ва бу доирага бошчилик қилишларига имкон туғулади. Шунинг учун онгли холис кишилар хабарларни кузатиш ва уларни таҳлил қилишда муайян бурчакдан фикр билдиришга сўнг сиёсий доираларга кириш учун ҳаракат қилишга ўтмасалар, ҳовли эшиклари олдида туриб

қолишлари мумкин, ҳолбуки ҳовли уларники, ўзлари қуришган, уларга хосдир.

Онгли холис кишилар бугунги кунда нафақат сиёсий киши бўлишлари, балки исломий сиёсий доира пайдо қилишга ҳаракат қилишлари ҳам зарурдир. Эртами кеч Исломиё давлат албатта барпо бўлади. Шунда мавжуд сиёсий доира кишилари ва нохолис кишилар онгли холис кишилардан илгари исломий сиёсий доира пайдо қилишлари мумкин. Ҳолбуки, исломий сиёсий доира фақат онгли холис кишилардан иборат бўлиши ва уни фақат онгли холис кишилар пайдо қилишлари лозимдир. Бундан ташқари улар Исломиё давлат барпо бўлишидан олдин жамиятга нисбатан эътиборсиз, одамлардан ва ҳаётдан четда яшамоқдалар. Агар улар исломий сиёсий доира пайдо қила олмасалар ёки мавжуд доираларни ўзгартириш учун уларга кира олмасалар, эътиборсиз бўлиб қолаверадилар сўнг на таъсирли ва на таъсирсиз вужудга эга бўладилар. Ҳозирги давр бор алам ва маҳрумликлари билан ва келажак бор орзу-умид ва улуғворлиги билан онгли холис кишилардан сиёсий киши бўлиш нақадар муҳимлигини идрок этишни тақазо этади. Айниқса, уларни ҳизблари

одамларга ўзини оддий ҳаракат эмас, балки сиёсий ҳизб, деб сингдирган бир вақтда. Тўғри, Росул ﷺ сиёсий доирани давлат барпо бўлгандан сўнг Мадинада пайдо қилганлар. Ҳа, ҳар бир исломий диёрларда ҳокимлар ҳизб йигитларига кўрсатаётган ваҳшиёна зулм ситам онгли холис кишиларга сиёсий ҳаракат қилишга имкон бермаяпти. Тўғри онгли холис кишилар зиёли, ёши улуғ, тажрибага эга сара кишилардан эмас. Лекин саҳобалар Маккада сиёсий доирага киришга ҳаракат қилишган. Абу Бакр رضي الله عنهнинг форс ва румликлар борасида Қурайш қабиласи бошлиқлари билан тортишувлари ҳамда Умар رضي الله عنهнинг Макка аҳлига «Агар бизнинг саноғимиз уч юзга етса, ё биз сизларни чиқариб юборамиз ё сизлар бизни чиқариб юборасизлар» деб, айтишлари сиёсий доирага кириш учун ҳаракат қилишларидан ва инсонлар ишларини қўлга олиш йўлидаги курашдан бошқа нарса эмас. Ваҳшиёна зулм борасида эса, Қурайшнинг мусулмонларга озори ҳақида келган хабарлар барчага маълум ва машҳурдир, бу ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ. Онгли холис кишиларнинг тажрибали ва сара

кишилардан эмаслиги эса Абу Бакр رضي الله عنه эски уст-бошларини елкаларига ташлаб, бозор айланиб, сотиб юрар эдилір. Мусулмонлар орасида Ҳамза ва Умар رضي الله عنه дан бошқа ҳеч ким куч қудрат ва нуфузга эга эмас эди. Бундан ташқари бу иккилари ҳам Исломни қабул қилгач ҳеч қандай нуфузга эга бўлмай қолдилар. Холис кишиларнинг ёш йигитлар бўлишларининг ҳам ҳеч зарари йўқ, чунки шоир айтгандек:

Ёшлик ҳеч вақт доноликка моне эмасдир,
Донолик ёшу кексада бирдек мавжуддир.

Шунинг учун бугундан бошлаб онгли холис кишиларнинг сиёсий бўлиш учун ва сиёсий доирага киришга ҳаракат қилиш учун фаолият кўрсатишларига ҳеч қандай узр йўқ. Чунки вақт тезлик билан ўтиб бормоқда, вақт ғанимат, уни орқага қайтариб бўлмайди. Исломнинг ғаним ва душманлари эса аввало онгли холис кишиларга душмандир. Агар онгли холис кишилар ўз эътиқод ва фикрларида сабот билан, журъатларида қатъият билан турмас эканлар, эришган ғалабалари – уни уларни ўзлари қўлга киритган бўлсалар-да – бошқаларга бурилиб кетиши ва ўзлари

соғлом ҳаёт майдонидан четда қолиб кетишлари мумкин.

Демак хабарларни кузатиб, таҳлил этиш, улар ҳақида фикр билдириш ва бу фикрни муайян бурчакдан келиб чиқишига қаттиқ аҳамият қаратиш, ушбу онгли холис кишиларнинг ҳозир ва кележак кишиларига ва инсонлар умид боғлаган шахсларга айланишлари гаровидир.

БЎШЛИҚ

Бўшлиқ сўзи – халқаро сиёсатдаги атама бўлиб, фаолиятга ва саботга яроқсиз, яъни маълум кучнинг ўзига лойиқ кўринишда ва муносиб қудрат билан юзага чиқмаслик маъносини англатади. У бир неча турлидир: сиёсий бўшлиқ, ҳарбий бўшлиқ ва стратегик бўшлиқ.

Сиёсий бўшлиқ – бутун давлатнинг беқарорлик ва номувофиқликда бўлиши. Давлатда давлат раиси, бош вазир ва депутатлар бўла туриб, уларнинг фикр ва ҳаракатларида мувофиқлик йўқлиги давлат сиёсатида номувофиқликни пойдо қилади. Муайян раъйда ва муайян ишда саботсизлик. Буларнинг натижасида бўшлиқ ҳосил бўлади, яъни давлат йўқдек бўлиб қолади. Бундай ҳолларда давлат излаш, аниқроқ қилиб айтганда ҳоким излаш табиий, баъзан зарурий бўлиб қолади. Ва бу бўшлиқни тўлдириш учун бошқа куч ўртага чиқади. Бу куч ё ички куч бўлиши ё ташқи кучни орқа қилган ва унга таянган ички куч бўлиши мумкин.

Ҳарбий бўшлиқ – давлат қуроли кучларининг ички хавфсизликни сақлаш ва мамлакатни мудофаа қилишда етарли кучга

эга бўлмаслигидир. Давлат бундай ҳолда ички қўзғалонларни бостира олмайди ва мамлакатни душмандан мудофаа қилолмайди. Ҳарбий бўшлиқ икки сабабнинг биридан пайдо бўлади: биринчи, давлат етарли қурол-аслаҳага эга бўлмаслиги, ҳарбий таёргарлик йўқлиги ва керакли қурол-аслаҳа билан таъминлаш учун маблағ етишмаслиги. Шу сабабли бўшлиқ ҳосил бўлиб, гўё қуролли кучлар йўқдек бўлиб қолади. Бундай ҳолларда мамлакатни ташқи кучлар босиб олиши хавфи юзага келади. Одатда бу кучлар мамлакатга кўз олайтириб қарайди ва энг кучлиси босиб олишга шошилади. Бундай ҳолларда мамлакатни босиб олишга шошилаётган кучга қарши бошқа куч юзага келиб, ҳарбий бўшлиқ ҳосил бўлган мамлакатга ёрдам қўлини чўзиши мумкин. Агар бўшлиқ шу услубда тўлдирилмаса, мамлакат босиб олинади ва бўшлиқ оддий куч билан тўлдирилади. Иккинчи, ҳарбий кишилар ёки ҳарбий раҳбарлар ўртасидаги номувофиқлик, маълум бир ишда саботсизлик ва маълум бир ишга қудратсизлик. Бу каби ҳолларда ташқи бир куч келади, ҳарбий кишилардан бирини ёки бир қанчасини қўллаб-қувватлаб, ўз фикрларини бериб, бўшлиқни

тўлдиради. Агар бўшлиқ шу зайлда тўлдирилмаса, аввалги ҳолат каби ташқи кучнинг бевосита босиб олиши билан тўлдирилади. Ҳарбий бўшлиқ – мамлакат қуролли кучларининг зобит ва қўмондонлар ўртасидаги номувофиқлик ва беқарорлик натижасида ёки хавфсизликни сақлаш ва мудофаа учун етарли моддий кучлар йўқлиги сабабли ишга яроқсизлик ва саботсизликдир.

Стратегик бўшлиқ – давлатнинг ички ва ташқи хавфсизлигига хавф солаётган масалалар сабабли мамлакатда юзага келган беқарорлик. Масалан, бир-бири билан қуролли тўқнашувлар олиб боровчи оқимлар пайдо қилиш, жойларда тез-тез бомбалар портлатиш, ҳокимият ва раҳбарлар билан ишчилар ўртасида ёки омма орасида фитна уруғини сепувчи овозалар тарқатиш каби хавфсизликка таҳдид солувчи ишлар қилиш. Шу каби ишлар натижасида бўшлиқ ҳосил бўлади, яъни давлат мавжуд эмасдек бўлиб қолади. Бундай вақтда барқарорликни таъминловчи давлатни излаш табиий бир ҳолга айланади. Шунда бу бўшлиқ барқарорликни таъминлаш орқали ҳокимиятни қўлга оладиган шахслар билан ёки ҳокимиятни қўлга олиш ва

барқарорликни таъминлашда ташқи кучларга таянадиган шахслар билан ёки барқарорликни таъминлаган ҳолда мамлакатни истило қиладиган ташқи давлат билан тўлдирилади.

Ушбу уч турли бўшлиқ кучли таъсирга эга қуролдир. Катта давлатлар ўз ҳукмронлигини ўрнатмоқчи бўлаётган ҳар бир мамлакатда шундай бўшлиқ қилишга ҳаракатлар олиб боради. Усмоний давлатнинг силласини қуритган урушлар эмас, айти шу каби бўшлиқлар пайдо қилиш учун бўлган уринишлар эди.

ИСЛОМДАГИ «ҲУКМ», ЯЪНИ «БОШҚАРУВ»

«Ҳукм»– араб тилида ҳукм қилиш маъносида бўлиб, ҳоким ҳукмни ижро этувчидир. Ал-ҳукм, ал-Мулк ва ас-Султон сўзларининг барча истелоҳда битта маънода бўлиб, қонунларни ижро этадиган салтанатни ёки шариат мусулмонларга вожиб этган ҳокимлик ишини англатади. Ҳокимлик зулмни даф қилиш ва ишларни ажрим қилишдаги салтанатдир. Бошқача қилиб айтганда «ҳукм», яъни «бошқарув» Аллоҳ Таолонинг:

﴿أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ﴾

– „Аллоҳга итоат этинглар, Росулига
итоат этинглар ва ўз иш эгаларинга“.

﴿وَلَوْ رَدُّوهُ إِلَى الرَّسُولِ وَإِلَى أُولِي الْأَمْرِ مِنْهُمْ﴾

– „Агар уни Росулга ва ўз иш эгаларига
қайтарганларида...“.

ушбу оятларда келганидек ишларни амалда бевосита бошқаришдир.

Давлат учун, жамият ва ҳаёт учун мабда сифатида Ислом давлат ва ҳокимиятни Исломдан бир жуз этиб, мусулмонларга давлат ва ҳокимият барпо қилишни ва Ислом қонунлари билан ҳукм юритишни

буюрди. Қуръони каримда ҳокимият ва салтанат борасида нозил бўлган ўнлаб оятлар мусулмонларни Аллоҳ нозил этган қонунлар билан ҳукм юритишга буюрган. Аллоҳ Таоло марҳамат қилади:

﴿فَاحْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ عَمَّا جَاءَكَ مِنْ

الْحَقِّ﴾

– „Улар ўртасида Аллоҳ нозил этган нарса билан ҳукм юритинг, сизга келган ҳақдан оғиб, уларнинг хоҳишларига эргашманг“.

﴿وَأَنْ أَحْكُمْ بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَاحْذَرْهُمْ أَنْ

يَفْتَنُوكَ عَنْ بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ﴾

– „Улар ўртасида Аллоҳ нозил этган нарса билан ҳукм юритинг, хоҳишларига эргашманг ва уларнинг сизни Аллоҳ нозил этган айрим нарсалардан чалғитишларидан эҳтиёт бўлинг“.

﴿وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ﴾

– „Кимки Аллоҳ нозил этган нарса билан ҳукм юритмаса, ана шулар кофирдирлар“.

﴿وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

– „*Кимки Аллоҳ нозил этган нарса билан ҳукм юритмаса, ана шулар золимдирлар*“.

﴿وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

– „*Кимки Аллоҳ нозил этган нарса билан ҳукм юритмаса, ана шулар фосиқдирлар*“.

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّى يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ

لَا يَجِدُوا فِي أَنْفُسِهِمْ حَرَجًا مِمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

– „*Йўқ, парвардигорингизга қасамки, улар ўртасида содир бўлган ишда сизни ҳакам қилиб, сиз чиқарган ҳукмда дилларида оғирлик топмай қолгунларича сўнгра тўла таслим бўлмагунларича мўмин бўла олмайдилар*“.

﴿أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ﴾

– „*Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган мусулмон ҳоқимларга бўйсунингиз!*“.

﴿وَإِذَا حَكَمْتُمْ بَيْنَ النَّاسِ أَنْ تَحْكُمُوا بِالْعَدْلِ﴾

– „*Агар инсонлар ўртасида ҳукм юритсаларинг, адолат билан ҳукм юритинглар*“.

булардан бошқа айни «ҳукм» ва «салтанат»га тааллуқли ўнлаб оятлар

мавжуд. Бундан ташқари ҳукм – бошқарув тафсилотларига далолат қиладиган жуда кўп оятлар мавжудки, улар ҳарбий, сиёсий, жиноий, ижтимоий, маданий қонунларга тааллуқлидир. Аллоҳ Таоло марҳамат қилади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا قَاتِلُوا الَّذِينَ يَلُونَكُمْ مِنَ الْكُفَّارِ وَلِيَجِدُوا فِيكُمْ غِلْظَةً﴾

– „Эй имон келтирган зотлар, сизларга қараб бурилайётган кофирларга уриш қилинглр ва сизлардан кўполлик кўрсинлар“.

﴿فَإِمَّا تَثَقَفَنَّهٗمْ فِي الْحَرْبِ فَشَرِّدْ بِهِمْ مَن خَلْفَهُمْ لَعَلَّهُمْ

يَذْكُرُونَ وَإِمَّا تَخَافَنَّ مِنْ قَوْمٍ خِيَانَةً فَانْبِذْ إِلَيْهِمْ عَلَى سَوَاءٍ﴾

– „Агар уларни уруш ҳолатида топсангиз, уларни орқаларидан қувиб солинг, шоят улар эслашар. Агар бирор қавмнинг хиёнат қилишидан хавф қилсангиз, улар билан аҳдларини бузинг“.

﴿وَإِنْ حَنَحُوا لِلسَّلْمِ فَاجْتَحِ لَهَا وَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ﴾

– „Агар тинчликка мойил бўлсалар, сиз ҳам тинчликка мойил бўлинг ва Аллоҳга таваккул қилинг“.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَوْفُوا بِالْعُقُودِ﴾

– „Эй мўминлар, аҳдларга вафо қилинглр“.

﴿وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُم بَيْنَكُم بِالْبَاطِلِ وَتُدْلُوا بِهَا إِلَى الْحُكَّامِ

لِتَأْكُلُوا فَرِيقًا مِنْ أَمْوَالِ النَّاسِ بِالْإِثْمِ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ﴾

– „Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ-ҳаром йўллар билан емангиз. (Яъни бир-бирингизнинг ҳаққингизни еманг!) Ва (гуноҳ қилаётганингизни) билиб туринг, одамларнинг молларидан бир қисмини ҳаром йўллар билан ейиш учун (молларингизни пора қилиб) ҳокимларга узатманг“.

﴿وَلَكُمْ فِي الْقِصَاصِ حَيَاةٌ يَا أُولِي الْأَلْبَابِ﴾

– „Сизлар учун қасосда ҳаёт бор, эй аҳли донишлар“.

﴿وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوا أَيْدِيَهُمَا جَزَاءً بِمَا كَسَبَا نَكَالًا مِنَ

اللَّهِ﴾

– „Ўғри эр ва ўғри аёл қўлларини қилмишларига яраша Аллоҳдан жазо ҳолда кесинглр“.

﴿فَإِنْ أَرْضَعْنَ لَكُمْ فَآتُوهُنَّ أَجُورَهُنَّ﴾

– „Агар сизларга фарзандларингни эмизсалар, улар эмизганлик ҳақларини беринглар“.

﴿يَنْفِقْ ذُو سَعَةٍ مِنْ سَعَتِهِ وَمَنْ قَدَرَ عَلَيْهِ رِزْقُهُ فَلْيُنْفِقْ مِمَّا آتَاهُ اللَّهُ﴾

– „Бой-бадавлат бўлган киши ўз бойлигидан (яъни бойлигига ярашасидан) нафақа берсин! Кимнинг ризқи танг қилинган (камбағал) бўлса, у ҳолда Аллоҳ ато этган нарсадан (яъни ўз ҳолига яраша) нафақа берсин!“.

﴿خُذْ مِنْ أَمْوَالِهِمْ صَدَقَةً تُطَهِّرُهُمْ﴾

– „(Эй Муҳаммад), сиз уларнинг молларидан бир қисмини ўзларини поктозалайдиган садақа сифатида олинг“.

шундай қилиб маданий, ҳарбий, жиноий ва сиёсий ташреъ учун ҳамда муомалалар учун юзлаб оятларда, шунингдек, кўплаб ҳадисларда равшан, кенг чизиқларни кўряпмиз. Буларнинг барчаси ҳукм юритиш, татбиқ этиш ва ижро қилиш учун нозил бўлгандир. Дарҳақиқат, Росул ﷺ кунларида, Хулофай рошидин ҳамда улардан кейинги халифалар кунларида воқеда амалий равишда татбиқ этилган. Бу

Ислом бошқарув учун, давлат учун, жамият ва ҳаёт учун, уммат ва шахс учун юборилган тузум эканлигига далолат қилада.

Ва яна шунга далолат берадики, давлат Ислом низомига мувофиқ юритилгандагина ҳокимиятга ҳақли бўлади. Давлатда Ислом қонунлари ижро этилиб, Ислом тирик бўлгандагина, унинг учун вужуд пайдо бўлади. Ислом дин ва мабдадир, ҳокимият унинг бир жузидир. Давлат – Ислом ўз қонунларини татбиқ этиш ва умумий ҳаётда ижро қилиш учун тузган ягона шаръий тариқатдир. Барча ҳолатларда Ислом қонунларини ижро этадиган давлат бўлгандагина Ислом тирик ҳолда мавжуд, деб эътибор қилинади. Исломий давлат башарий сиёсий давлат, руҳий художўйлик давлати эмас, ҳеч қандай муқаддасликка эга эмас, давлат раисиди маъсумлик сифати йўқ.

Исломдаги бошқарув тузуми давлатнинг шакли, характери, асослари, органлари, қуриладиган негизи, алоқа-муносабатларини бошқарадиган фикр ва тушунчалари ва татбиқ қиладиган дастур ва қонунларини баён этади.

У муайян характердаги давлат учун алоҳида хусусиятга эга тузумдир. Оламдаги барча бошқарув тузумларидан қуриладиган асосида, алоқа ва муносабатларни бошқарадиган фикр ва тушунчаларида, шаклида, дастур ва қонунларида тубдан фарқ қилади.

ИСЛОМДАГИ БОШҚАРУВ НИЗОМИ ИТТИФОҚ

НИЗОМИ ЭМАС, БИРЛИК НИЗОМИДИР

Ислом исломий диёрларнинг ўзаро иттифоқий давлат бўлишларини ҳаром қилади ва бир бутун давлат бўлишларини фарз қилади. Бошқарув учун соғлом низом иттифоқий ёки бошқа низом эмас, балки фақат бирлик низоми, чунки шариат шунга далолат қиляпти, бошқа низомни ман қиляпти. Росул ﷺ марҳамат қиладилар: «Кимки имомга байъат қилиб, унга қўли ва дилини берса, унга итоат этсин. Агар бошқа биров келиб, имомдан бошлиқликни тортишса, уни ўлдиришлар». «Агар икки халифага байъат қилинса, иккинчисини ўлдиришлар». Аввалги ҳадис давлатни бўлиб олиш ҳаромлигини ифодалаб, унинг парчаланишига ва ажралиб чиқишларга қилич билан бўлса-да йўл қўймасликка ундаяпти. Иккинчи ҳадис давлатни бир неча давлатдан иборат қилиш ҳаромлигини ифодалаб, битта халифадан ортиқ халифа бўлишлигини ман қиляпти. Бинобарин Исломдаги бошқарув низоми бирлик низоми, иттифоқий низом эмас ва бирлик низомидан бошқаси қатъиян ҳаром

қилинади, шунингдек федерал иттифоқ ҳам қатъиян ҳаром.

Маълумки, федерал иттифоқ икки ёки ундан ортиқ давлат ўртасидаги иттифоқ бўлиб, унда ҳар бир давлатнинг вужуди сақланган ҳолда бошқарувга тааллуқли айрим ишлар бир хил қилинади. Шунингдек, ҳар бир давлат хоҳлаган вақтда иттифоқдан чиқиш ҳуқуқига эгадир. Федерал иттифоқ бирлик эмас, ҳар бир давлат ўз вужудини сақлаб қолиши унинг хусусиятидир. Унинг дастлабки ишлари – федерал парламет сайлаш ва иттифоқ давлатлар ўртасида бир бўлиши кўзланган ишларни белгилаб берувчи федерал дастур тузиш. Дастурда юридик қонунларни бир хил қилиш, армияни барлаштириш, ташқи сиёсат, иқтисодий ва идорий қонунлар кўрсатилади. Баъзан буларнинг барчаси ёки айримлари ёки кўпроқ қисми кўрсатилади. Баъзан ҳар бир давлат вужуди сақланган ҳолда давлат органлари бирлаштирилади, ҚЎШМА ШТАТЛАРдаги каби. Айрим ҳолларда баъзи ишлар бир хил қилиниб, давлат органлари ўз ҳолича қолади, Совет социалистик республикалар иттифоқидаги каби. Ва ҳоказо дастур иттифоқ турини белгилайди ва дастур федерал парламент тарафидан

ҳамда парламентга эга бўлса, ҳар бир давлат парламенти тарафидан тасдиқланади. Федерал давлат дастур белгилаган ваколатларгагина эга бўлади, қолган ваколатларга ҳар бир давлатнинг ўзи эгалик қилади, ундан хоҳлаган усулида файдаланади ва ҳар бир давлат ўз вужудини сақлаган ҳолда алоҳида характерлик давлат бўлиб қолади.

Федерал иттифоқ моҳияти мана шу. Бинобарин икки давлатнинг ўртасидаги визаларни бекор қилиш, иқтисодий бирлик, таълим программаларини бирлаштириш ёки ушбу барча қонунларни бирлаштириш, буларнинг федерал иттифоққа ҳеч қандай алоқаси йўқ. Баъзан бу ишлар икки давлат ўртасида федерал иттифоқ мавжуд бўлмаган ҳолда ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Парламент ёки парламентлар, конгресс ёки сенаторларнинг бу каби иттифоқларни тасдиқлаши федерал иттифоққа мутлақо дахлсиздир, чунки бу каби қарор фақат рағбат ва қизиқишни ифодалайди холос. Энг муҳими иттифоқ турини, иттифоқ давлатини ва унинг ваколатларини белгиловчи дастур қабул қилинишидир.

Шунга кўра, Исломиё шариат мусулмонлар учун қандай турда бўлмасин

мутлақо федерал иттифоққа рухсат этмайди. Зеро, мусулмонларда бошқарув низоми бирлик низоми, иттифоқ низоми эмас. Бу бир жиҳатдан, бошқа жиҳатдан эса, Исломда сиёдат-эгаллик шариат учун. Бошқарув низоми, қонун ва молияни шариат белгилайди. Ҳеч ким уларни белгилаш ҳуқуқи эга эмас. Бундан ташқари шариат ҳукмлари жамики мусулмонлар учун бир хил бўлиб, маълум диёрдаги шариат ҳукми бошқа диёрдаги шариат ҳукмидан ўзгача бўлиши мумкин эмас. Қонуннинг ҳар хил бўлиши ножоиз. Мусулмонлар молияси битта бўлиб, диёрларнинг қанча кирим қилишидан қатъий назар уларга Байтулмолдан сарф қилинади. Жиҳод мусулмонларга фарз бўлиб, мусулмонлар диёридан бирига ҳужум қилинса, барча мусулмонлар жиҳодга сафарбар бўлиши зарур. Мусулмонлар вужуди мажбурий равишдаги битта вужуд бўлиб, уларнинг қонунлари, молияси, умуман бошқарувга тааллуқли барча қонун бир хилдир, бир неча турли бўлиши мумкин эмас. Жамият ҳаёти низоми, бошқарув низоми мусулмонларда бирлик низомидир, иттифоқий низом эмас. Бинобарин, Ислом ягона вужуд низоми характеридаги низомни

вожиб қилади, бир неча вужудларнинг иттифоқий низомини инкор қилади. Ислом иттифоқни ман қилиб, бирликни талаб қилади ва бирликни юзага келтириш учун керак бўлса урушни фарз қилади.

УМУМИЙ МАСЪУЛИЯТЛАР

Шореъ ҳоким зиммасидаги умумий масъулиятларни аниқ-равшан белгилаб берган. У ҳокимнинг ҳокимликда лозим бўлган сифатлардаги масъулиятини ҳамда раиятга бўлган алоқасидаги масъулиятни баён қилган.

Ҳокимнинг ҳокимликда лозим бўлган сифатлардаги масъулияти Росул ﷺнинг ҳокимнинг айрим сифатлари баёнида келган ҳадисларида очиқ равшандир. Уларнинг энг машҳури кучлилик, тақво, раиятга мулойим муомалада бўлиш ва бездирмаслик. Росул ﷺ ҳоким кучли бўлиши лозим, заиф киши ҳоким бўлишга нолойиқ – деб билган. Муслим Абу Заррдан ривоят қилади: «Эй, Абу Зарр, сени заиф деб биламан, ўзим учун суйган нарсани сенга илинаман: икки кишига бошлиқ бўлма, етим молига васийлик қилма». Абу Заррдан ривоят қилинади: «Ё Росулulloҳ, мени омил қилмайсизми? – деб сўрадим. Қўллари билан елкамга уриб дедилар: «Эй Абу Зарр, сен заифсан. У амонат, албатта. У қиёмат кунида шармандалик ва надомат, фақат бошлиқликни тўғри юритган ва ундаги масъулиятини адо қилган кишигагина ундай

эмас». Ушбу ҳадисдаги кучдан мурод шахсият кучлилиги, яъни ақлия ва нафсия кучлилигидир.

Бинобарин, ҳоким бошқарув ақлиясига эга бўлиб, алоқа ва муносабатларни идрок этиши ва ҳоким нафсиясига эга бўлиб, ўзини амир деб билиши ва хоҳиш-майлларини амирдек бошқариши лозим. Шахсияни кучли бўлишида ҳукмронликка қобилият мавжуд. Шу боисдан ҳоким нотўғри ҳукмронлик қилишдан сақловчи сифатга эга бўлиши зарур. Шунинг учун ҳоким ўзида ва умматни бошқаришида тақво билан сифатланган бўлиши шарт. Сулаймон ибн Бурайда отасидан ривоят қилади: «Росул ﷺ кўшин ёки сарияга амир тайин этсалар, Аллоҳдан тақво қилишга ва ўзи билан бирга бўлган мусулмонларга яхши муомалада бўлишга васият қилар эдилар». Ҳоким Аллоҳдан тақво қилса ва ичида-ю ташида ундан қўрқса, бу ҳол раиятга зулм қилишдан сақлайди. Лекин тақво уни қўпол ва қаттиқ муомалада бўлишдан қайтармайди. Чунки у доимо Аллоҳдан қўрқиши натижасида унинг буйруқ ва қайтариқларига қаттиқ риоя этади. Ҳокимлик кишидан қаттиқ қўл бўлишини талаб этгани учун ҳам Аллоҳ Таоло ҳокимни мулойим бўлишга, қўпол муомалада

бўлмасликка буюрди. Оиша رضي الله عنها дан ривоят қилинади: «Росул ﷺ нинг уйимда шундай деб айтаётганларини эшитдим: «Эй Аллоҳ, кимки умматим ишларидан бирига бошлиқ бўлиб, уларга қўпол муомалада бўлса, унга қўпол муомалада бўлгин. Кимки умматим ишларига бошлиқ бўлиб, уларга қўпол муомалада бўлса, унга қўпол муомалада бўлгин. Кимки умматим ишларидан бирига бош бўлиб, унга мулойим муомалада бўлса, унга мулойим муомалада бўлгин». Шунингдек, ҳокимни бездирувчи бўлмасликка ва хушнуд этувчи бўлишга буюрди. Абу Мусодан ривоят қилинади: «Хушнуд этинглар, бездирманглар, енгиллаштиринглар, қийинлаштирманглар».

Ҳокимнинг раиятга бўлган алоқасидаги масъулиятига келсак, Шорей ҳокимни раиятга насиҳат қилишга, уларнинг ишларида фақат Ислом билан ҳукм юритишга буюрди ва умуммулкни ўзлаштиришдан огоҳлантирди. Аллоҳ Таоло раиятга насиҳат қилмайдиган ёки бирор ишда уларга хиёнат қиладиган ҳокимга жаннатни ҳаром қилган. Маъқал ибн Ясордан ривоят қилинади: «қайсики бандани Аллоҳ раиятга бошлиқ қилса ва ҳоким раиятга насиҳат қилмаса, жаннат ҳидини топмайди». Яна Маъқал ибн Ясордан ривоят

қилинади: «Росул ﷺнинг шундай деб айтаётганларини эшитдим: «қайсики бошлиқ мусулмонлар раиятига бошлиқ бўлиб, уларга хиёнат қилган ҳолда ўлса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилади». Муслим Маъқалдан: «қайсики амир мусулмонлар ишига бошчилик қилиб, улар учун қийинчилик тортмаса, насиҳат қилмаса, улар билан жаннатга кирмайди». Абу Саиддан ривоят қилинади: «ҳар бир хиёнатчи учун қиёмат куни байроқ мавжуд бўлиб, хиёнати бўйича баланд кўтарилади. Билингки, омма амиридан хиёнати каттароқ киши йўқ». Росул ﷺнинг раият йўлида қийинчилик тортишга, уларга насиҳат қилишга қаттиқ аҳамият қаратишлари ҳокимликдаги масъулиятнинг нақадар оғирлигини кўрсатади.

Умуммулкни ўзлаштирмаслик масаласига келсак, Росул ﷺ бундан қаттиқ огоҳлантирганлар. Бошлиқларнинг бирида бу ҳолни кўриб, қаттиқ урушиб берганлар ва бу ҳақда одамларга гапирганлар. Абу Холид Соидийдан. «Пайғамбар ﷺ Ибн Лутбийяни Бану Салим садақаларига омил қилиб юбордилар. У Росулulloҳ ﷺ ҳузурларига келганда, Росул ﷺ ундан ҳисобот талаб

қилади. Бу сизларга ва бу менга совға қилинди, деб жавоб берди омил. Сўзинг рост бўлса, онангни уйда ўтирмайсанми, сенга совға келар эди?! – деб ўрниларидан туради ва Аллоҳга ҳамд айтиб одамларга хутба ўқийди: «Аммо баъд, мен айрим кишиларимни ваколатимдаги баъзи ишларга омил қиламан. Сўнг у келиб, бу сизларга, бу менга совға қилинди – деб айтади. Сўзи рост бўлса, онасини уйда ўтирмайдими, унга совға қилар эди. Аллоҳга қасам, ҳеч ким ҳеч нарсани ноҳақ олмайди, олса, қиёмат кунда уни кўтариб боради». Бу Аллоҳ ундан ҳисобот талаб қилишидан ва қилмишига кўра азобланишидан киноя. Бу ҳокимни умуммулкни қандайдир йўллар билан, фатво ва таъвил билан ўзлаштириб юборишидан қаттиқ огоҳлантиришдир.

Ҳокимнинг одамларга қайси қонунлар билан ҳукм юритиши лозимлигига келсак, Шореъ бу қонунларни аниқ белгилаб берган. Уни Аллоҳнинг китоби Росулининг суннати билан ҳукм юритишга буюриб, Китоб ва Суннат асосида ижтиҳод қилиш ҳуқуқини берди. Исломдан бошқа манбага мурожаат қилишдан қайтарди. Ҳукм юритиш Китоб ва Суннат билан чекланганлиги Қуръон

оятларида равшан баён этилган. Аллоҳ Таоло марҳамат қилади:

﴿وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ﴾

– „*Кимки Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмаса, ана шулар кофирдирлар*“.

﴿وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

– „*Кимки Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмаса, ана шулар фосиқдирлар*“.

﴿وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

– „*Кимки Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмаса, ана шулар лозимдирлар*“.

Бу ҳукмни Аллоҳ нозил қилган нарсага чеклаш демакдир. Аллоҳ Саййидимиз Муҳаммад ﷺ га нозил қилган нарса лафз ва маъноси билан нозил бўлган Суннатдир.

Ҳоким Китоб ва Суннат билан ҳукм юритишга чекланган. Шореъ Китоб ва Суннат асосида ижтиҳод қилишни, яъни у иккисини тушуниб, ундан ҳукм истинбот қилиб олишда бор кучини сарфлашга рухсат берди. Ривоят қилинадик: «Росул ﷺ Муозни Яманга юбораётиб, сўрайдилар: «Нима билан ҳукм қиласан?» Муоз жавоб берди: «Аллоҳнинг Китоби билан». Росулulloҳ дедилар: «Агар тополмасангчи?»

«Росулуллоҳ Суннати билан» – жавоб берди Муоз. «Агар тополмасангчи?»– сўради Росулуллоҳ. «Фикрим билан ижтиҳод қиламан»,– жавоб берди Муоз. Шунда Росулуллоҳ Аллоҳ элчисининг элчисини Аллоҳу унинг элчиси суйган ишга муваффақ қилган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин – дедилар». Шореъ ҳоким учун ижтиҳодда хато қилса, битта ажр белгилади ва бу билан уни ижтиҳодга тарғиб қилиб, нусус (нас)ларнинг зоҳирида қотиб қолишдан узоқлаштираяпти. Бухорий Амр ибн Осдан ривоят қилади: «ҳоким ҳукм қилганда ижтиҳод қилса ва тўғри топса, у учун иккита ажр. Агар ҳукм қилганда ижтиҳод қилиб, хато қилса, у учун битта ажр». Шариат бошқарув қонунларини фақат Ислом аҳкомларига чеклади ва бунда қаттиқ турди. Шариат ҳоким хато қилса ҳам унга ижтиҳод ҳуқуқини берган бўлса-да, бошқарувни Ислом қонунларига чеклади ва ўзга қонунлар билан бошқаришдан, ҳаттоки Исломдан бошқа манбадан ҳукм сўрашдан ёки Ислом қонунлари билан бир қаторда бошқа қонунлар билан ҳукм юритишдан қайтарди. Аллоҳ Росули ﷺга хитобан шундай дейди:

﴿وَأَنْ أَحْكُمْ بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَاحْذَرْهُمْ أَنْ يَفْتِنُوكَ عَنْ بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ﴾

– „Улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг хоҳишларига эргашманг. Аллоҳ сизга нозил қилган айрим нарсадан чалғитишларидан эҳтиёт бўлинг“.

﴿فَاحْكُم بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ عَمَّا جَاءَكَ مِنْ

الْحَقِّ﴾

– „Улар ўртасида Аллоҳ нозил этган нарса билан ҳукм қилинг, сизга келган ҳақни қўйиб, уларнинг хоҳишларига эргашманг“.

Росул ﷺ га қилинган хитоб унинг уммати учун хитобдир, демакки ҳар бир ҳокимга хитобдир. Муслим Оишадан ривоят қилади: «Кимки ушбу ишимизда ундан бўлмаган нарсани пайдо қилса, у бекордир». Бошқа ривоятда: «Кимки биз буюрмаган ишни қилса, у бекордир». Бухорий Убайдуллоҳдан, у Абдуллоҳдан ривоят қилади: «Ибн Аббос رضي الله عنه деди: «қандай қалиб сизлар аҳли китобларнинг шариатларидан сўрайсизлар, ҳолбуки сизларнинг Росулulloҳга нозил қилган Китобларинг янги, уни ҳеч нарса

аралашмаган тоза ҳолда ўқияпсизлар. Росулulloҳ сизларга гапириб берган, аҳли китоблар Аллоҳнинг китобини ўзгартирганлар ва ўзлари китоб ёзиб, айтишган: «У Аллоҳнинг ҳузуридан. Уни арзон нархда сотишлари учун. Сизларга келган илм-ҳақиқат улардан сўрашдан қайтармайдими?». Бу қайси қонунлар билан бошқариш лозимлигини аниқ белгилаб, ҳокимнинг қонунлардаги масъулиятини Аллоҳ нозил қилган қонунлар билан бошқаришга чеклайди.

Ҳоким зиммасидаги ушбу масъулятлар Шореънинг умумий масъулиятларини аниқ белгилаб берганини кўрсатади. Улар ҳоким зиммасидаги масъулиятлардир. У халифа ё унинг муовини бўладими ёки волий ё омил бўладими бундан қатъий назар ҳокимдир ва шу масъулиятларга чекланган. Агар бу масъулиятлар волий, амир ва бошқа ҳокимларнинг масъулиятлари бўлса, демак халифанинг ҳам масъулиятларидир. Зеро, улар амирга вожиб бўлса, умумий жавобгарликни олган шахсга вожиброқдир.

Росул ﷺнинг: «қайси бандани Аллоҳ раиятга бошлиқ қилган бўлса, ...» ёки «Кимки умматим ишларидан бирига бошлиқ

бўлса,...»ёки «Омма амиридан каттароқ...»
каби сўзлари ва Аллоҳ Таолонинг:

...وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ...

– „...кимки ҳукм қилмаса...“.

каби оятлари умумий маънода келган бўлиб, волийни ҳам, халифани ҳам ўз ичига олади. Росул ﷺга бўлган хитоб ҳар бир ҳоким учун хитобдир, халифами волийми фарқи йўқ. Бироқ, Расул ﷺ халифани раиятдан масъуллигини унинг зиммасидаги умумий масъулиятлар баён этилган ҳадисда баён қилган.

Бухорий Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилади: «Росул ﷺ дедилар: Билинглари, барчаларинг бошлиқсизлар, барчаларинг ўз раиятидан жавобгардир. Одамлар ичида бошлиқ бўлиб турган имом бошлиқдир ва ўз раиятидан жавобгар. Эр киши оиласига бошлиқ ва у ўз раиятидан жавобгар. Аёл эри оиласи ва эри фарзандларига бошлиқ ва у ўз раиятидан жавобгар. Қул хожаси молига бошлиқ ва у ўз раиятига жавобгар. Барчаларинг бошлиқсизлар ва барчаларинг ўз раиятидан жавобгар.». Бу билан Росул ﷺ халифани ўз раиятидан умумий равишда жавобгар ҳисоблади. Демак умумий

масъулиятлар ҳокимлар зиммасида бўлиб, халифага ҳам, амирга ҳам баробар вожибдир.

Шорей ҳокимнинг умумий масъулиятлар юклаган вазифаларини бажаришни йўлланма ва қонун билан кафолатлади. Йўлланма шундан иборатки, ҳоким масъулиятларига бепарво қараса, масъулиятлари юкланган вазифаларни бажармаса, уни Аллоҳнинг азобидан огоҳлантирди. Агар масъулиятларни ўз бурчини ўтай олмайдиган заиф киши олса, масъулият қиёмат кунида шармандалик ва надомат эканини баён қилди. Ва Росул ﷺ Аллоҳдан Исломий Умматга қўпол муомалада бўлган бошлиққа қўпол муомала қилишни сўради. Умматга холислик қилмаган бошлиққа жаннатни ҳаром қилди. Ва бошқа бир қанча огоҳлантиришлар мавжудки, улар ҳокимнинг ўз масъулияти вазифаларини бажармаслик оқибатини, яъни Аллоҳнинг азобини баён қилади. Лекин шариат бу билан кифояланиб қолмади, балки ҳокимни бу масъулиятлар юклаган вазифаларни бажаришида Умматни назоратчи қилди. Ва Ислом қонунларидан бошқаси билан ҳукм қилиб, куфр ошкор-ойдин бўлганда унга қилич билан уруш қилишни буюрди. Ҳокимга наҳи мункар қилиш йўлида ўлдирилган кишини шаҳидлар

саййиди, деб баҳолади. Росул ﷺ марҳамат қилади: «Шаҳидлар саййиди Ҳамза ва золим имомга қарши туруб, уни амри маъруф, наҳи мункар қилган, сўнг золим имом ўлдириб юборган кишидир». Ҳокимнинг суитатбиқ қилишига рози бўлиб, унга эргашган кишининг Аллоҳ олдида жавобгар бўлишини ва жазодан омон қолмаслигини билдирипти Росул ﷺ. Муслим Умму Саламадан ривоят қилади: «Яқин кунларда амирлар бўлади. Сизлар маъруфга буюрасизлар ва мункардан қайтарасизлар. Кимки маъруфга буюрса, пок бўлади ва кимки мункардан қайтарса, саломат бўлади. Лекин кимки рози бўлиб, эргашса... Уларга уруш қилмаймизми? – сўрашади саҳоболар. Йўқ, модомики намоз ўқишар экан, жавоб берди Росул ﷺ». Бошқа ривоятда қуйидагича келган: «Кимки ёмон кўрса, пок бўлади ва кимки инкор этса саломат бўлади. Лекин, кимки рози бўлиб, эргашса...». Бу ривоят аввалги ривоятни изоҳляпти. Нававий ушбу ҳадис шарҳида шундай деган: «Кимки маъруфга буюрса, пок бўлади...»нинг маъноси – Валлоҳу аълам – кимки мункарни аниқ билса, гумонли бўлмаса, унга унинг гуноҳи ва азобидан пок бўлиш йўли маълум, яъни қўли ёки тили

билан ўзгартиради. Агар ожизлик қилса, қалби билан ёмон кўрсин. «Кимки мункардан қайтарса, саломат бўлади...»нинг маъноси кимки қўли ва тили билан ўзгартиришга қодир бўлмаса, қалби билан инкор этиб, ёмон кўрса, гуноҳда уларга шерик бўлишдан саломат бўлади. «Лекин, кимки рози бўлиб эргашса...»нинг маъноси кимки уларнинг ишига қалби билан рози бўлиб, уларга шу ишда эргашса, пок ҳам бўлмайди, тинч ҳам бўлмайди».

Росул ﷺ ушбу ҳадисда ҳокимни наҳи мункар қилишни буюриб, қўл билан, яъни уруш ва қиличдан ташқари мумкин бўлган ҳар қандай восита билан ёки тил билан ва норозиликни ифодаловчи ҳар қандай восита билан ёки қалб билан инкор этишни вожиб қилди. Инкор этмаган кишини гуноҳда ҳокимга шерик деб эътибор қилди. Зеро, кимки уларнинг ишига рози бўлиб, эргашса, гуноҳдан пок ҳам, саломат ҳам бўлмайди – деб айтган Росул акрам ﷺ. Бироқ, ҳоким суитатбиқ қилса-да, Ислом билан ҳукм юритса, бу вақтда инкор этиш усули юқоридаги тарзда бўлади. Агар Исломни татбиқ этмай, куфр қонунлари билан ҳукм қилса, бу вақтда шариат қўл, тил ва қалб

орқали инкор этиш билан кифояланмади, балки уларга ўзгартириш ёки уларни ўзгартириш йўли қилиб уруш ва қилични белгилади. Умму Саламадан ривоят қилинади: «Уларга уруш қилмаймизми?— савол қилди саҳобалар. Йўқ, модомийки намоз ўқишар экан»,— деб жавоб берди Росул ﷺ. Бошқа ривоятда: «Уларга уруш қилмаймизми? Ё Росулulloҳ. Йўқ, модомики намоз ўқишар экан»— деди Росул ﷺ. Авф ибн Молик ҳадисида: «Ё Росулulloҳ, уларга қилич билан уруш қилмаймизми? Йўқ, модомики намозни қоим қилар экан». Яна бир ривоятда: «Ё Росулulloҳ, шу вақтда уларга уруш қилмаймизми?— деб сўрадик. Росулulloҳ дедилар: «Йўқ, модомики ораларингда намозни қоим қилар экан». Уббода ибн Сомитдан ривоят қилинади: «Пайғамбар ﷺ бизни чақирдилар, биз байъат қилдик. Хурсандлигу хафаликда, осонлигу қийинчиликда ва ўз зараримизга бўлганда ҳам тўла итоат этишга, иш эгаларидан ишни тортиб олмасликка байъат қилдик. Росулulloҳ «Аллоҳ тарафидан очиқ ҳужжат асосида куфрни кўрсаларингина...» дедилар. Бу ҳадислар мазмуни очиқ куфрни кўрганимизда иш эгаларидан ишни тортиб

олишимиз ва намозни адо қилмаганларида уларга қилич билан уруш қилишимиз лозимлигига далолат қилади. Намозни адо қилмаслик Ислом билан ҳукм қилмасликдан киноядир, яъни модомики улар Ислом билан ҳукм қилар экан, ҳеч қандай уруш ва тортишиш йўқ. Агар Исломдан бошқа нарса билан ҳукм қилса, шу вақтда уруш қилиш ва талашиш вожиб бўлади. Булар билан Ислом умумий масъулиятларнинг бажарилишини тўла кафолатлади.

УММАТ ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ АЖРАЛИШ ВА МУҲОСАБАНИНГ ВОЖИБЛИГИ

Маълумки, уммат ҳозирги давлатдан, яъни ҳокимиятдан тўла ажралган ҳолда бўлиб, уммат билан ҳокимлар ўртасидаги алоқа давлат ва раъият алоқаси эмас, бир-бирига қарама-қарши икки гуруҳ алоқасидир. Устига-устак, у нафрат, зиддият ва қарама-қаршилиқ алоқаси. Унда ҳеч қандай яқинлик йўқ, яқин келажакда юзага келиши кутилмайди ҳам. Айни шу нарса уммат вужудини ҳамда давлатни заифлаштиради. Чунки уммат ўзидан бўлган бошлиқсиз пойдевори бўш бино бўлса, давлат орқада бир саф бўлиб турувчи умматсиз заиф давлат бўлади, уни озгина куч билан йўқотиш мумкин ва бундай ҳолда уммат душманларидан ёрдам сўрашга мажбур бўлади.

Ислом диёрларига куфр давлатлари бевосита ҳукмронлик қилган ва диёрларга мандат системаси тадбиқ этилган кунда давлат ва уммат ўртасидаги ушбу ажралиш табиий ва зарур ҳолга айланган эди. Лекин инглизлар салтанати расмий равишда йўқотилиб, ҳокимиятни бевосита диёр ҳокимлари, уммат фарзандлари бўлган мусулмонлар бошқарадиган бўлгандан сўнг бу ажралишни давом этишига ҳеч қандай сабаб-

омил қолмаган. Инсонлар ва давлат ўртасидаги алоқалари ҳоким ва раият алоқаларига айланиши зарур эди. Лекин бу ажралиш йўқолмади ва давом этмоқда. Ҳамон ҳокимлар бир гуруҳ, уммат бир гуруҳ ва бир-бирига қарама-қарши. Уммат инглизларга қарагандек, ҳокимларга ҳам душманлардек қараяпти, балки инглизлардан кўра улардан кўпрақ зулм тортишди. Ҳокимлар уммат бизга қарши пинҳона тил бириктиряпти, бизни ўлдирмоқчи ва бизни душман деб билади. Ҳокимлар умматга, уммат ҳокимларга хийла қияпти, тузоқ қўймоқда. Булар натижасида уммат улуғлик, фаровонлик ва тараққиёт сари юксалишдан ноумид бўлмоқда. Ҳокимлар эса ажнабийдан бўлса-да, ёрдам сўраб, ҳокимлик курсида қолиш ҳақида бош қотирмоқдалар. Улар уммат юксалиши ҳақида ўйламаяпти, ўйласа ҳам уммат устидан доимо ҳукмрон бўлиб қолиш мақсадида умматни юксалишдан узоқлаштириб, доимо заиф ҳолатда қолдирадиган услуб-воситалар ҳақида ўйлашмоқда.

Уммат ва давлат ўртасидаги бу ажралиш умматнинг Аллоҳ Таоло фарз этган муҳосаба қилмаслиги ва ўзининг салтанат манбаи эканлигини билмаслиги оқибатидир. Уммат бунини ҳис этганда ва муҳосаба қилганда эди, умматга хиёнаткор, душман ҳоким бошчилик

қилмаган, у билан ҳоқимлар ўртасида бу каби ажралиш юзага келмаган, бундан заифлик, парокандалик ва қолоқлик ҳолатларига тушмаган ва мусулмон фарзандлари бўлган ҳоқимлар бевосита бошқарган ҳолда кофирлар нуфузи остида қолиб кетмаган бўлар эди. Демак, одамлар ва ҳоқимлар бир гуруҳ бўлишлари, уммат ва давлат бир вужуд бўлиши учун уммат албатта ҳоқимларни муҳосаба қилиши, улар олдида ҳақ сўзни айтиши, уларга ўзгартириш ёки уларни ўзгартириш учун жидду-жаҳд билан ҳаракат қилиш шарт. Агар уммат бунга тезлик билан урунмаса, у биз кўраётган бугунги тезкор курашда давом этаверади ва тугаб битади ёки шунга юз тутади.

Ислом ҳоқимларни муҳосаба қилишни фарз қилиб, мусулмонларни Аллоҳ йўлида маломатчини маломатидан қўрқмаган ҳолда қаерда бўлсалар ҳам ҳоқимларни муҳосаба қилишга, ҳақ сўзни айтишга буюрди. Ҳақ сўзни айтиш масаласига келсак, мусулмонлар иккинчи Ақаб баъъатида Росул ﷺ га ҳақ сўзни айтишга баъъат қилганлар: «Аллоҳ йўлида маломатчини маломатидан қўрқмаган ҳолда, қаерда бўлса ҳам ҳақни айтишга баъъат қиламиз». Ҳоқимларни муҳосаба қилиб, уларни амри маъруф ва наҳи мункар қилиш амри маъруф ва наҳи мункар оятларидан

тушунилаётган бўлса-да, бунга тааллуқли очиқ хужжатлар кўп келган. Атийя Абу Саиддан ривоят қилади: «Росул ﷺ дедилар: «Энг афзал жиҳод – золим султон ҳузурида айтилган ҳақ сўз». Абу Умомадан ривоят қилинади: «Росул ﷺ га бир киши учраб, ё Росулуллоҳ, қайси жиҳад афзал?– деб сўради. Росулуллоҳ ﷺ индамадилар. Иккинчи жамаротни отганларида яна сўради. Росулуллоҳ ﷺ индамадилар. Ақаба жамаротини отиб, миниш учун узангига оёқларини қўйиб, савол берувчи қани? – деб сўрадилар. Менман, ё Ралуллоҳ, – деди киши. Золим султон ҳузурида айтиладиган ҳақ сўз» – деб марҳамат қилдилар Росулуллоҳ ﷺ. Бу ҳоким ҳақидаги, унинг ҳузурида ҳақни айтиш ва уни муҳосаба қилиш вожиблигига хужжатдир. Пайғамбар ﷺ золим ҳокимларга қарши курашни тарғиб қилдилар, ҳар қанча озор етса ҳам, ҳатто ўлдиришгача борса ҳам кураш лозимлигини билдирдилар. Ривоят қилинади: «Шаҳидлар саййиди Ҳамза ибн Абдул Муттолиб ва золим имомга қарши туруб, унга амри маъруф ва наҳи мункар қилган ва золим имом ўлдириб юборган киши». Бу ҳокимларни муҳосаба қилиш, золимларга қарши курашиш йўлида ҳар қанча озор бўлса ҳам кўтаришга, ҳатто

ўлимга ҳам рози бўлишга тарғиб қилишдаги етук ифода усулидир.

Ҳокимларнинг ушбу кунлардаги зулмларига қарши кураш, қилаётган ишларида, хиёнатларида ва умматга қарши тил бириктиришларида уларни муҳосаба қилиш Аллоҳ Таоло биз мусулмонларга буюрган фарзлардан биридир. Бу фарзни адо этиш уммат ва ҳокимлар ўртасидаги мавжуд тўсиқларни олиб ташлаб, уларни битта гуруҳга айлантиради ҳамда уларга ўзгартиришни шунингдек, уларни ўзгартиришни таъминлайди. Бу уйғониш йўлидаги биринчи қадамдир. Уйғониш ҳокимият Ислом ақидасига қурилганда ҳокимият орқалигина ҳосил бўлади. Бунинг бирдан бир йўли исломий ақида асосидаги ҳокимиятни юзага келтиришдир. Бунинг учун ҳокимларга қарши курашиш ва уларни муҳосаба қилиш зарур.

СИЁСИЙ ҲИЗБЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ФАРЗИ КИФОЯ

Аллоҳ Таоло мусулмонларга буюрган ҳокимларни муҳосаба қилиш вазифаси шахслар тарафидан ҳамда уюшма ва ҳизблар тарафидан бажарилади.

Аллоҳ Таоло мусулмонларни яхшиликка даъват этиш, амри маъруф, наҳи мункар қилиш ва ҳокимларни муҳосаба қилишга буюргани каби айни шу ишларни уюшма сифатида бажарадиган сиёсий уюшма ташкил этишга ҳам буюрди. Аллоҳ Таоло марҳамат қилади:

﴿وَلْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ
وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ﴾

– *„Сизлардан яхшиликка даъват қиладиган, амри маъруф ва наҳи мункар этадиган уммат бўлсин“.*

Яъни эй мусулмонлар, ўзларингдан икки ишни бажарадиган жамоат ташкил қилинглар, бу ишнинг бири исломга даъват этиш, иккинчиси маъруфга буюриш ва мункардан қайтаришдир.

Жамоат ташкил этиш учун бўлган бу талаб қатъий талабдир. Чунки жамоат бажариши учун оят баён қилган иш

мусулмонларнинг бажариши лозим бўлган фарз, у кўплаб оят ва ҳадисларда собит. Бу жамоат ташкил этиш учун бўлган талабнинг қатъий талаб эканига қарина-ишорадир. Бинобарин, оятдаги буйруқ вожиб маъносида бўлиб, жамоат ташкил этиш мусулмонларга фарзи кифоядир. Айрим мусулмонлар бажариши билан қолганлардан соқит бўлади. У фарзи айн эмас. Чунки Аллоҳ мусулмонлардан шу икки ишни бажариш учун ораларидан жамоат ташкил этишни талаб қилди, уни барча мусулмонларга юкламади, балки бунинг учун ораларидан жамоат ташкил этишни буюрди. Демак оятдаги буйруқ ушбу икки ишга эмас, жамоат ташкил этишга қаратилгандир.

Бу икки иш жамоат ишларини баёни бўлиб, жамоатни сифатляпти. Жамоат жамоат сифатида иш бажара олиши ва жамоат сифатада қолиши учун муайян ишлар амалга ошиши зарур.

Жамоатни жамоат сифатига етиши учун, жамоат аъзоларини бир жисм – уюшма бўлишлари учун ўртани боғлаб турадиган робитанинг мавжуд бўлиши шарт. Бу робитасиз жамоат юзага келмайди. Жамоат «жамоат» сифатини олмоғи учун итоат этиш

вожиб бўлган амир ҳам лозимдир. Чунки шарият уч ёки ундан ортиқ аъзоси бўлган жамоатга амир белгилашни буюрган. Росул ﷺ дан ривоят қилинади: «Чўлдаги уч киши ҳам битталарини амир этиб сайлашлари лозим».

Бу икки сифат, яъни робита ва амирнинг мавжуд бўлиши

﴿وَلْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ﴾

– „Сизлардан бир жамоат бўлсин“.

маъносидаги оятнинг ўртани боғлаб турадиган робита ва итоати вожиб бўлган амирга эга жамоат бўлсин, деган маънода эканлигини англатади. Бу ерда жамоат сифатида эга бўлган ва шундай сифатда фаолият кўрсатган ҳар қандай ҳизб, уюшма, жамият ва ташкилот назарда тутиляпти. Шундан маълум бўлаяптики, оят ҳизб ёки уюшма, ёки жамият ёки ташкилот ташкил этишга буюраяпти.

Оят сиёсий ҳизб ташкил этишга буюраяпти. Чунки у жамоат ишини аниқ кўрсатиб берган. У иш Исломга даъват этиш ва маъруфга буюриш, мункардан қайтаришдир. Маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш иши умумий бўлиб ҳокимларни амри маъруф, наҳи мункар

қилишни ҳам ўз ичига олади. Бунинг маъноси уларни муҳосаба қилиш демакдир. Ҳокимларни муҳосаба қилиш сиёсий иш бўлиб, уни сиёсий ҳизблар бажаради ва бу уларнинг энг муҳим ишларидандир.

Демак, оят Исломга даъват этиш, маъруфга буюриш, мункардан қайтариш ва ҳокимларни қилган иш ва тасарруфларида муҳосаба қилиш учун сиёсий ҳизблар ташкил этишга далолат қиляпти.

Оят ҳизбларнинг исломий ақида асосида қурилган ва шаръий аҳкомларни қабул қилган исломий ҳизблар бўлмоғи вожиблигини англатапти. Коммунистик, капиталистик, миллатчилик, ватан-парварлик асосидаги ёки демократия ёки илмонийликка, массонликка даъват этадиган, умуман ғайриисломий ақида асосида қуриладиган ва ношаръий аҳкомларни қабул қиладиган ҳизблар ташкил этиш ножоиз. Зеро, оят бу ҳизблар сифатини улар бажарадиган ишлар билан, яъни Исломга даъват этиш, маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш ишлари билан чеклаб қўйган. Бу ишларни бажарувчи киши Исломни кўтариб чиқиши, Исломга асосланиши ва Ислом аҳкомларини қабул қилиши лозим. Коммунистик,

капиталистик, демократик, илмонийлик, массонлик, миллатчилик, ватанпарварлик, иқлимийлик асосларидан бирида уюшса Ислом асосига қурилган, Исломни кўтариб чиққан ва Ислом аҳкомларини қабул қилган, деб эътибор қилинмайди, балки куфр асосига қурилган ва куфр фикрлари асосида уюшган бўлади.

**ШАХСЛАРНИНГ ХАЛҚАРО СИЁСАТГА
ТАЪСИР
ЎТҚАЗИШЛАРИ ВА ҲИЗБЛАРНИНГ
ДАВЛАТЛАР
ЙЎНАЛИШНИ ҲАМРАЎЛАШТИРИШЛАРИ**

Савол: шахслар халқаро сиёсатга ва ҳизблар давлатларнинг йўналишига қандай таъсир ўтказа олади, ҳолбуки бу йўналишлар бир неча асрлардан бери мавжуд ва илдиз отган. Жавоб: шахс ва ҳизблар сиёсий ишларни, халқаро сиёсатни завқланиш, маълумотларини бойитиш учун кузатишлари яхши эмас. Балки олам ишларини бошқариш ва олам сиёсатига таъсир этувчи тариқат ҳақида фикрлаш мақсадида, яъни сиёсий кишилар бўлиш мақсадида кузатишлари лозим. Сиёсий киши оқил-донолардан бўлса-да, завқланиш учун теран фикрловчилардан бўлса-да, маълумотини бойитиш учун кузатишдан йироқда бўлади. У оқил ёки фикрловчи сиёсий киши бўлгани учун сиёсатни кузатади, халқаро аҳволни ва давлатлар вазиятини тушунади ва халқаро сиёсат билан ҳамнафас юради. Сиёсий киши бўлиш – олам ишларини бошқариш, яъни халқаро сиёсатга таъсир ўтказиш учун ишлаш демакдир. Бошқа жиҳатдан олганда шахс

сифатида эмас, балки умматнинг бир бўлаги ва давлатдаги шахс сифатида ишлайди. У давлат сиёсатини белгиловчи ёки ижро қилувчилардан бўлмаса-да, шундай кишилардан бўлишга ёки шундай кишиларни муҳосаба қилувчи кишилардан бўлишга интилади. Бу билан у халқаро сиёсатга таъсир ўтказади, сиёсатни белгилаш ёки уни ижро қилиш ваколатига эга бўлмаса ҳам. Шундай қилиш билан у таъсир этувчи кишига айланяпти. Чунки давлат халқаро сиёсатга ва халқаро аҳволга одатда шундай кишилар билан таъсир ўтказади ёки бу каби кишилар давлатни халқаро сиёсатга таъсир этувчи даражага кўтаришга ҳаракат қилади.

Шу вақтда сиёсий тушунчалар ўз натижаларини беради, яъни сиёсий онгга эга бўлган, оламда, хусусан, буюк давлатларда содир бўлаётган сиёсий ишларни идрок этадиган шахсларни етиштириб чиқариш орқали давлат халқаро сиёсатга ва халқаро аҳволга таъсир этадиган даражага кўтарилади. Халқаро сиёсат ва халқаро аҳволга таъсир ўтказиш йўлида қўйиладиган биринчи қадам – сиёсий тушунчаларни аниқ равшан қилишдир. Бунинг учун энг аввало

шахсларни сиёсий ишларни кузатишга ва халқаро сиёсатни тушунишга одатлантириш, яъни оламий сиёсатда сиёсий кишиларни юзага келтириш лозим. Шунда давлат халқаро сиёсатда ва халқаро аҳволда таъсирга эга бўлади. Демак, сиёсий тушунчалар ниҳоятда зарур ва муҳим аҳамиятга эга.

Бироқ, шуни унутмаслик лозимки, давлат давлатлараро алоқалари билангина халқаро мавқега эга бўлади. Шахс жамиятда шахслар ўртасидаги алоқаси билангина маълум мавқега эга бўлади. Унинг жамиятда инсонлар ўртасидаги ўрни шу алоқалар билан ва шу алоқаларга қанчалар таъсир ўтказиши билан белгиланади. Шунингдек, давлат ҳам давлатлар билан алоқалар ўрнатиш орқали маълум мавқега эга бўлади. Унинг мавқеи давлатлараро алоқалари ва шу алоқаларга қанчалар таъсир ўтказиши билан баланд ёки паст бўлади.

ДЕМОКРАТИК НИЗОМ ИНСОН ТУЗГАН КУФР НИЗОМИДИР

Демократия бошқарув низоми бўлиб, инсонлар уни бошқарув муаммоларига ечим бериш мақсадида ишлаб чиққан. Халқ ҳокимлардан зулм тортар эди. Ҳокимлар ўзларини Аллоҳнинг ердаги вакиллари, улар инсонларга Аллоҳнинг салтанати билан ҳукм юритади, ҳокимга инсонлар устидан салтанатни Аллоҳ Таоло беради – деб билар эдилар. Сўнг файласуф ва мутафаккирлар етишиб чиқди ва бошқарув мавзусида баҳс юритдилар. Инсонларни бошқариш учун янги низомни – демократик низомни ишлаб чиқдилар. Демократик низом – инсонларни ҳокимлар зулмидан халос этиш учун юзага келган. Демократия – ҳокимнинг салтанатни Аллоҳ эмас, инсонлардан олиши ва инсонлар ўз салтанатлари билан бошқарилишлари мақсадида ҳокимни уларнинг ўзлари белгилашидир. Демократик низом исломий диёрларга сақофий юриш қилиш учун ғарб олами ишлаб чиққан фикрлардандир. Ғарб олами Усманий давлатни тақсимлаш мақсадида 18-милодий аср охирларида ўтказилган бирлик

конференциясида нафақат уни тақсимлашга, балки демократик низомни олиш учун мажбурлашга ҳам келишиб олган эди. Ана шу вақтда Халифалик бош вазир ва вазирлар низомини киритди, ҳолбуки у демократик низомдан.

20 аср бошларида Халифалик тугатилгач, фарб олами мусулмонларнинг фикрларига демократик низом билан юриш қилиш мақсадида фаолият кўрсата бошлади. Ислом – демократия дини, деб талқин этувчи китоблар нашр қилди. Демократия – Исломдан, деб олинадиган бўлиб қолди. Фарб ўз мустамлакачилик системасини мустамлакачиликнинг янги системасига ўзгартириб, демократик низом асосида бир қанча давлатлар ташкил қилди. 20 аср бошларида инсонларнинг дилларида ҳали Ислом ва Исломга нисбатан ҳурмат бор вақтда демократия – Исломдан, деб даъват қилишган бўлса, бугунги кунда демократияни Исломдан деб билишмайди. Уни бошқарув низоми сифатида киритиш учун демократия – бошқарув низоми, деб талқин қиляпти. Ҳатто Ислом учун ҳаракат қилаётган айрим мусулмонлар ҳам

демократия фикрини қабул қилиб, унга даъват қилмоқдалар.

Демократия – халқнинг халқни халқ томонидан бошқаришидир ҳар қайси диёрдаги халқнинг барча шахслари ўзлари учун умумий ирода ҳосил қилиш учун ўз ўрталарида иттифоқ пайдо қилишга ҳаракат қилади. Бунинг учун ҳар бир шахс ўзи яшаётган жамоати учун барча ҳуқуқларидан воз кечишга ўзи билан ўзи келишиб олади. Бу жамойй келишувдир. Шу келишув тақазоси бўйича ҳар бир шахс бутун жамоат учун барча ҳуқуқларидан воз кечади ва ўз шахси ва бор имконияти билан олий умумий иродани идора этишга улуш қўшади. Бу келишувдан маълум маънодаги жамойй ҳайъат, сиёсий ҳайъат – давлат ҳосил бўлади ва у жумҳурият ва бошқа номлар билан аталади. Демократия – барча одамларнинг давлат бўлиши ва ҳар бир шахс давлат пайдо қилиш, ҳокимларни белгилаш, қонун тузиш ва шу каби бошқарув ва давлатга тааллуқли ишларда бошқалар қатори ўз ҳуқуқига эга бўлиш демакдир. Ҳар бир шахсни ўзи билан қилган аҳд-келишуви – жамоат учун ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан воз кечишидир. Бу жамоат

ёки иттифоқий келишув умумий ирода, у сиёдатдир. Халқ у барча нарсадир.

Демократик низомнинг асоси халқнинг умумий ирода ва сиёдат деб эътибор қилинишидир. Қонун ишлаб чиқиш, ҳокимларни сайлаш, давлат ва мамлакатдаги ҳар бир иш ваколати халқ учундир. Умумий ирода, сиёдат ҳамда ҳар бир нарсанинг манбаси халқдир. У ўзига ўзи хўжайин, у ўзини ўзи бошқаради. Халқ – дини, ирқи, оқими ва тилидан қатъий назар ҳар қайси мамлакатдаги барча одамлардир.

Сиёдат – умумий ирода, давлатдир. Давлат – бу халқдир. халқ ўзига ўзи хужайин, халқ – сиёдат, халқ – умумий ирода. Бироқ ушбу умумий ирода маънавий нарсаси, у ўз манфаатларини бошқариши учун ижроий орган – ҳукумат сайлайди. Шунинг учун давлатда икки ҳайъат: қонун чиқарувчи ва ижро ҳайъати сайланади. Ижро ҳайъати жамоат тарафидан унинг иродасини, яъни қонунларини ижро қилиш учун сайланади.

Бутун халқ қонун чиқарувчи ҳайъат бўлмаслиги сабабли қонун чиқарувчи ҳайъатга ўзидан вакил сайлайди ва улар депутатлар палатаси бўлади. Демократик

низомда депутатлар палатаси умумий иродани акс эттиради. Ҳукуматни ва давлат раисини улар сайлайди. Улар умумий иродани ижро этиш ваколатига эга бўладилар. Демократик низом – халқ ўзига ўзи хўжайин бўлиши демакдир. Халқ – қонун ишлаб чиқаради. Халқ – ҳукуматни сайлайди. Шунга кўра изоҳланишдан илгари демократияда икки салтанат мавжуд эди: умумий ирода, яъни халқ ва халқ иродасини ижро этиш учун халқ сайлайдиган ҳукумат. Лекин изоҳланишдан сўнг унда учта салтанат пайдо бўлади: қонун чиқарувчи салтанат, яъни депутатлар палатаси, ижро салтанати, яъни ҳукумат ва суд салтанати, яъни судьялар ёки олий суд.

Бу уч салтанат давлатни гавдалантиради. Қонун чиқарувчи салтанат – халқ вакиллари. Суд салтанати – қонунлар билан ҳукм қилади. Ижро салтанати – суд ҳукмлари ва депутатлар палатаси қонунларини ижро қилади. Бу уч салтанат бир биридан алоҳида бўлиб, бири иккинчисининг ишларига аралашмайди.

Асл маънодаги демократия мавжуд эмас ва умуман мавжуд бўлмайди ҳам. Бутун халқ давомли равишда умумий ишларни

назорат этиши, бошқарув ишларига ўтириши ва иродани бошқариши маҳолдир. Шунинг учун демократияни шарҳлаб изоҳлаб, ҳукумат, президент ва депутатлар палатаси каби номларни ўйлаб топишди. Улар демократия халқнинг халққа халқ орқали бошчилик қилиши деб айтмоқдалар. Бу ёлғон гап. Чунки халқ ҳеч қандай ишга бошчилик қилмайди, балки барча ишларга президент ёки ҳукумат бошчилик қилади.

Демократияни олиш уч сабабдан мумкин эмас:

1. Демократияни фикр сифатида ғарб тарғиб қилади. Бу сақофий юриш турларидан, балки сақофий юришнинг ўзидир. Бинобарин, уни олган киши сақофий юришга бўйсунган ва унинг ривожига улуш қўшган бўлади. Барча сақофий юришга, энг аввало демократияга қарши кураш демократияга қарши урушни ва уни олмасликни тақозо этади. Уни татбиқ этишга ундовчи ҳам мустамлакачи ғарбдир. Ғарб мустамлакачилик шаклини ўзгартирмоқчи бўлиб, бир неча давлатлар ташкил этди ва уларни демократия асосида қурди. Шунинг учун демократияни олган киши мустамлакачиликни, унинг низомини ва мустамлакачилар қўйган ҳокимларни

қўллаб-қувватлаган ва ривожлантирган бўлади. Мустамлакачиликка қарши бориш, уни буткул тозалаш, унинг қолишини таъминлайдиган тузумларга, яъни демократик низомга қарши курашишни тақозо этади.

2. Демократия татбиқ қилиб бўлмайдиган хаёлий фикратдир. Татбиқ этиш учун изоҳланганда ёлгон изоҳ унинг асоси бўлди. Қонунларни депутатлар палатаси ишлаб чиқмайди, балки улар ҳукумат татбиқ этган қонунларни ишлаб чиқади. Ҳукуматни депутатлар палатаси сайламайди, балки уни президент танлайди. Депутатлар палатаси бу сайловни юзаки равишда шунчаки маъқуллашади холос. Устига-устак, ҳар қандай демократик давлатда халқ вакили бўлган депутатлар палатаси ҳоким эмас, балки президент ёки ҳукумат ҳокимдир. Бундан ташқари бошқарув фақат бир киши учун бўлади, халқ қандай қилиб бошқариши мумкин? Шунинг учун демократия моҳияти бошқарув моҳиятига зид ва ҳаётга тўғри келмайди. Демак, демократия фикрат жиҳатидан хаёлий ва маҳол иш, изоҳлангандан сўнг ёлгон ва адаштирувчидир.

3. Демократияни инсон ишлаб чиққан ва у инсон тарафидан тузулгандир. Инсон хато қилади, фақат Аллоҳ Таологина хато қилмайди. Шунинг учун инсон тузган тузум эмас, фақат Аллоҳ ҳузуридан келган тузумнигина олиш лозим. Бинобарин, демократияни олиб, Аллоҳнинг тузумини ташлаш хато ва ҳалокатга олиб боради.

Демократик низом куфр низомидир, чунки у шаръий аҳком эмас. Исломдаги бошқарув низоми Аллоҳ ҳузуридан келган шаръий аҳкомлардир. Шунинг учун демократик низом билан ҳукм юритиш куфр билан ҳукм юритишдир. Демократик низомга даъват этиш куфр низомига даъват этишдир. Демократик низомга даъват этиш, олиш асло жоиз эмас.

Шунингдек, демократик низом Исломдаги бошқарув низомига зид бўлиб, Ислом демократиядан покдир. Уммат ҳокимни ўзи сайласа-да, лекин уни ўзи бўшата олмайди. Қонун чиқарувчи на инсон на халқ ва на умматдир, балки фақат Аллоҳнинг ўзи қонун чиқарувчидир. Халқ ва ҳокимлар устидан султон – шариатдир, сиёдат шариат учун. Демократик низомнинг сиёдатни, ҳокимни сайлаш ва қонун чиқариш ҳуқуқини халққа бериши Исломдаги

бошқарув низомига зиддир. Чунки Ислон халққа сайлаш ҳуқуқини берган бўлса-да, бўшатиш ҳуқуқини бермаган. Бундан ташқари сиёдатни халқ учун эмас, шариат учун белгилаган ва қонун чиқарувчи халқ эмас, Аллоҳ Таолодир. Шунинг учун демократик низом Ислонга бошқарув низомига зид, уни олиш ва унга даъват этиш ҳаром.

УММАТ ВА ИСЛОМИЙ ДАВЛАТНИНГ СИЁСИЙ МАСАЛАСИ

Сиёсий масала давлат ва уммат қаршисида турган, улардан зарур бўлган бошқарувни тақозо этаётган ишдир.

Бу иш баъзан умумий, баъзан хос бўлиши мумкин. Гоҳида маълум бир ишнинг бир жиҳати бўлиши мумкин. Шунда бу иш асосий масалани маълум бир қисми бўлади. Масалан, ИсломиЙ Уммат қаршисида турган ва зарур чора-тадбирини талаб қилаётган иш Халифаликни тиклаш иши бўлиб, у сиёсий масаладир. Фаластин масаласи, Кавказ мамлакатлари масаласи каби қолган масалалар бу масаланинг жузъий масалаларидир. Бу муаммолар ИсломиЙ Умматдаги ечимини кутаётган ишлардан бўлса-да, Халифаликни қайтаришнинг бир қисми холос. ИсломиЙ давлат барпо бўлганда унинг сиёсий масаласи ичкарида Исломни тўла татбиқ этиш, ташқарига даъватни олиб чиқиш бўлади. Исломни татбиқ этган ва халқаро жиҳатдан кучайган вақтда ИсломиЙ давлат учун сиёсий масала ИсломиЙ даъватни оламга олиб чиқиш бўлади, токи Аллоҳ Ислом динини барча динлардан устивор қилсин.

Сиёсий масала давлат ва умматда ечимини кутаётган иш бўлиб, у шариат бажаришни фарз қилган муҳим аҳамиятга эга асосий ишлардандир. Бинобарин, давлат бу ишларни шариат тақозоси бўйича бажариши учун ҳаракат қилиш лозим. Бу оддий ҳақиқат ва унга далилни ҳожати йўқ. Чунки бу содир бўлаётган ишларга шариат аҳқомларини татбиқ этиш жумласидандир. Шунинг учун сиёсий масала содир бўлаётган ишларга қараб ўзгариб туради.

Росул ﷺ учун Маккадалик вақтларида – даъват даврида сиёсий масала – Исламни намоён этиш эди. Шунинг учун Абу Толиб Росул ﷺга «қавмингиз келиб, менга фалон-фалон, деди. Менга ҳам, ўзингизга ҳам раҳм қилинг ва тоқатимдан ортиқча иш юкламанг» – деб айтганда, энди амаким менга ёрдам бермайди, ташлаб қўяди ва ёрдам беришдан ожиз бўлиб қолди, – деб ўйладилар. Сўнг дедилар: «Эй амаки, Аллоҳга қасам, агар шу ишни ташла деб, ўнг қўлимга қуёшни ва чап қўлимга ойни қўйсалар ҳам, ташламайман ё Аллоҳ уни намоён қилади ё шу йўлда ҳалок бўламан». Шундан кўринадики, ана шу вақтда Росул

ﷺ учун сиёсий масала Исломни намоён этиш бўлган.

Мадинага боргач давлат қуриб, асосий душман – бош куфр Қурайш билан бир неча урушларда тўқнашганда ҳам Росул ﷺ учун сиёсий масала Исломни намоён қилиш эди. Шунинг учун ҳажга бўлган сафарларида Худайбияга етишларидан олдин хабар келдики, Қурайш Росул ﷺнинг ҳажга келаётганини эшитиб, урушмоқ учун йўлга чиқибди. Бану Каъбдан бир киши Росул ﷺга: «Қурайш келаётганингизни эшитиб, дарғазаб бўлиб чиқди ва Зи Туво (деган жойга) тушди ва сизни киритмасликка аҳдпаймон қияпти», деб айтди. Росул ﷺ дедилар: «Эй воҳ Қурайш! Уруш уларни албатта ҳалокатга учратади, мен билан барча араблар ўртасини холи қўйса нима қилар эди? Аллоҳга қасам, Аллоҳ мени юборишига сабаб бўлган рисолат йўлида жиҳод қилишдан қайтмайман ё Аллоҳ уни намоён этади ё шу бўйиннинг ўзи қолади» – дедилар. Ас-солифа бўйиннинг устки қисми бўлиб, Росул ﷺ бўйиннинг ёлғиз қолиши билан ўлимдан киноя қилдилар, яъни ўлгунимча. Икки ҳолатда ҳам бир хил иш сиёсий муаммо бўляпти. Биринчи ҳолатда

Аллоҳ Исломни намоён этгунча уни даъват этишдаги қатъиятини билдирди. Иккинчи ҳолатда эса, яъни Давлат мавжуд ҳолатда Аллоҳ Исломни намоён этгунча жиҳодда қатъийят билан туришини билдирди.

Росул ﷺ сулҳ тузишга эришдилар. Бу сулҳ билан Буюк Фатҳ амалга ошди, зеро у Макка фатҳига замин яратди ва арабларнинг Росул ﷺ ҳузурига келиб, тўп-тўп бўлиб Аллоҳнинг динига киришларига сабабчи бўлди. Шу вақтда Росул ﷺ учун ҳар хил диндаги Форс ва Рум давлатлар билан урушларида Исломни намоён этишгина эмас, балки барча динлардан устувор қилиб намоён этиш сиёсий масалага айланди. Шунинг учун «Фатҳ» сурасида ушбу оят нозил бўлган:

﴿هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَىٰ
الدِّينِ كُلِّهِ﴾

– „У Исломни борча динлардан устувор этиш учун Росулини ҳидоят ва ҳақ дин билан юборган Зотдир“.

Бинобарин, Исломий давлат Исломни чиройли татбиқ этиб, халқаро жиҳатдан кучайган вақтда Исломни барча динлардан устувор қилиш ҳамда бошқа мабда ва бошқа

дин эгаларини парчалашга тайёргарлик кўриш унинг учун сиёсий масалага айланади.

ТАҚДИРНИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ МАСАЛА

Мусулмонларнинг бугунги кундаги аҳволи ҳар бир мусулмон кишига аён, изоҳнинг ҳожати йўқ. Уларнинг диёрларида куфр қонунлари билан ҳукм юритилляпти. Улар шубҳасиз дорул куфрдир. Исломиё давлат қирқдан ортиқ давлат, амирлик ва султонликларга бўлиб юборилган. Улар кофирларга қарши туришдан ожиз. Шунинг учун ҳар бир диёрдаги мусулмонлар муаммоси диёрни Дорул Исломга айлантириш ва бошқа Ислом ўлкалари билан бирлаштиришдир. Бу мусулмонлар тақдирини ҳал қилувчи масаладир, балки тақдирини ҳал қилувчи барча масалалар негизидир. Бинобарин, бу масала ҳаёт-мамот масаласи қилиб олиниши лозим. Бироқ тақдирни ҳал қилувчи бу масала, яъни диёрларни Дорул Исломга айлантириб, бошқа Ислом диёрлари билан бирлаштириш асл мақсаддир. Ва уни амалга оширишдаги ҳаракатнинг тариқати бошқарув низоми сифатида Халифалик барпо қилишдир.

Бироқ равшан бўлиши лозимки, мусулмонларнинг бугунги муаммоси – Ибн Умар ривоят қилган «Кимки устида жамоат имоми бўлмаган ҳолда ўлса, унинг ўлими жоҳилият ўлимдир» – ҳадисида келганидек

мусулмонларга фарзи кифоя бўлган халифа тиклаш эмас, у тақдирни ҳал қилувчи масала бўлолмайди. Балки мусулмонларни бугунги кундаги муаммоси – Халифалик барпо қилиш, яъни бошқарув низоми сифатида Халифалик низомини барпо қилишдир. Халифаликни барпо қилиш халифа тиклашни тақозо этсада, унинг воқеси халифа тиклаш воқесидан бошқачадир. Халифалик барпо қилиш қатъан тақдирни ҳал қилувчи масаладир. Чунки у диёрларни дорул куфрдан Дорул Исломга айлантириш тариқатидир, шу билан бир қаторда куфр қонунларини парчалаш, яъни очиқ куфрни бартараф этиш учун ҳам тариқатдир. Росул ﷺнинг «Фақат очиқ куфр кўрсаларинг» ҳадиси ҳамда «Савол берилди, ё Росулulloҳ, уларга қилич билан уруш қилмаёмизми? Йўқ, жавоб берди Росулulloҳ ﷺ, модомики ораларингда намозни адо қилар экан» ҳадиси сабабли тақдирни ҳал қилувчи муаммодир. Шундан маълум бўлаяптики, мусулмонлар масаласини рўёбга чиқариш тариқати ҳам тақдирни ҳал қилувчи масаладир, чунки у тақдирни ҳал қилувчи масала тариқатидир. Бинобарин, бу ҳаёт-мамот масаласи қилиб олиниши лозимдир. Лекин куфр ҳукмронлиги мусулмонларни бор

оғирлиги билан эзиб, уларнинг ишлари кофир, мунофиқ ва муртадлар қўлига ўтгандан буён мусулмонлар куфр салтанати чангалидан ва куфр намоёндалари ва ёрдамчиларидан халос бўлишга ҳаракат қилмоқдалар. Бироқ улар курашаётган бу муаммо ҳаёт-мамот масаласи қилиб олинадиган тақдирни ҳал қилувчи масала экани мусулмонларга хира тортган эди. Айни шу нарса, яъни мусулмонлар муаммони етарлича англамасликлари натижасида тақдирни ҳал қилувчи ҳар қандай масала учун кураш йўлида учрайдиган камбағаллик, ҳалокат ва ўлимга, ҳаттоки озор, қамоқ ва қийноқларга уммат ва жамоат сифатида бардош бера олмадилар. Шунинг учун бу ҳаракатлар очиқ муваффақиятсизликка учради ва мақсад сари бирор қадам ҳам олға боса олмади.

Масалани тақдирни ҳал қилувчи масала экани ўта чуқур фикрлашни талаб этадиган даражада қоронғи масала эмас эди. Биринчи лаҳзалардан барчага маълум эдики, қаршилик қилиш учун озгина имкониятга эга кофирларнинг Исломнинг сиёсий ҳаётга қайтишига имкон бермасликлари одатий бир ҳолдир. Мунофиқ ва муртадларнинг бу муаммодаги зўравонлик жиноятлари кам эмас.

Мунофиқ ва муртадлар ҳокимиятни тортиб олиб, Аллоҳни қонунларини татбиқ этмоқчи ва Аллоҳни ҳурматларини сақламоқчи бўлаётган мўъминларга қарши кураш учун имкониятидаги бор кучларини майдонга ташламоқдалар.

Шунга кўра мусулмонлар масалани тақдирни ҳал қилувчи масала деб эътибор қилмас эканлар, олиб бораётган ҳар қандай ҳаракатларни натажа бериши маҳолдир. Мусулмонлар кураш моҳиятини англамасликлари ва Аллоҳнинг бу муаммодаги ҳукмини билмасликлари сабабли тақдирни ҳал қилувчи масала даражасида бўлмаган, балки оддий масала даражасидаги тариқат билан халос бўлишга уруниб келмоқдалар. Улар масалага ҳаёт-мамот масаласи сифатида ёндашмоқдалар. Куфр низомини бартараф этиш, Ислом низомини барпо қилиш каби тақдирни ҳал қилувчи бўлган масалаларни рўёбга чиқаришда киши ҳар қанча ҳаракат қилмасин, ҳар қанча имкониятга эга бўлмасин, масалани ҳар бир ҳаракат ва тасавурида назарда тутмаса, унга ҳаёт-мамот масаласи сифатида қараб ҳаракат қилмас экан, масалани рўёбга чиқаришга муваффақ бўлмайди. Шунинг учун мусулмонлар шахс ва жамоат ҳолда

курашишлари ва куфр билан курашдаги ишларни ҳаёт-мамот масаласини ечиш асосида олиб боришлари лозим. Чунки масалани табиати ҳамда Китобу Суннат шундай ҳаракат қилишни тақозо этапти.

Масалаларимизни аниқлаб олишни ва тақдирни ҳал қилувчи ҳар бир масалага ҳаёт-мамот масала сифатида ҳаракат қилишни бизга Росул ﷺ ўргатганлар. Росул ﷺ Ислом рисолати билан пайғамбар этиб юборилиб, фикрий кураш билан даъватни етказа бошлаганларида ўз масалаларини Исломни намоён этиш деб белгиладилар ва унга нисбатан ҳаёт-мамот масаласи сифатида ёндашдилар. Росул ﷺ амакилари Абу Толиб «Мени ҳам, ўзингизни ҳам қийнаманг ва менга тоқатимдан ортиқ ишни юкламанг» – деб айтганларида «Эй амаки, шу ишни ташла деб, ўнг қўлимга қуёшни, чап қўлимга ойни қўйсалар ҳам ташламайман ё Аллоҳ уни намоён қилади ё унинг йўлида ҳалок бўлман» – деб жавоб бердилар. Давлат қуриб, қилич билан жиҳод қила бошлаганларида Исломни намоён қилишни яна ўз масалалари қилиб белгиладилар ва унга ҳаёт-мамот масаласи сифатида ёндашдилар. Росул ﷺ умрага сафарларида

Маккадан унча узоқ бўлмаган Асфонга келганларида Бану Каъб қабиласидан бўлган бир кишига йўлиқдилар ва ундан Қурайш ҳақида сўрадилар. У шундай жавоб берди: «Қурайш сизнинг келаётганингизни эшитиб дарғазаб ҳолда йўлга чиқди ва Зи Тувога тушди. Сизни киритмасликка аҳд қилишяпти. Холид ибн Валид отлиқлари билан Кироул ганамга келиб турибди». Росул ﷺ дедилар: «Эй воҳ Қурайш! Уруш уларни ҳалок этди. Мени араблардан тўсмасе, нима қилар эди. Агар улар менга озор етказа олсалар, улар ўйлаган иш бўлади. Агар Аллоҳ улардан мени голиб қилса, тўп-тўп ҳолда Исломга киришади. Агар ҳеч нарса қилмасалар, куч улар тарафда бўлган ҳолда урушадилар. Қурайш нима деб ўйляпти? Аллоҳ мени пайғамбар этиб юборишига сабаб бўлган рисолат йўлида жиҳод қилишдан қайтмайман ё Аллоҳ уни намоён қилади ё бу бўйин ёлғиз қолади». Ас-солифа бўйиннинг устки қисми бўлиб, Росулуллоҳ ﷺ унинг ёлғиз қолиши билан ўлимга ишора қиляптилар. Сўнг юришда давом этиб Ҳудайбияга тушдилар.

Бу икки ҳолатда: даъватни фикрий кураш билан олиб чиқиш ҳолатида ва жиҳод ва қилич билан олиб чиқиш ҳолатида Росул ﷺ

Исломни намоён этишни ўз масаласи қилиб белгилаб, уни тақдирини ҳал қилувчи масала, деб билдирди ва унга ҳаёт-мамот масаласи сифатида ёндашдилар. Шунинг учун биринчи ҳолатда «Рисолатни ташламайман ё Аллоҳ уни намоён этади ё шу йўлда ҳалок бўламан» – деб айтганлар. Агар Росул ﷺ бу масалани тақдирни ҳал қилувчи масала қилиб, унга ҳаёт-мамот масаласи сифатида ёндашмаганда эди, даъватни на фикрий кураш орқали етказиш билан ва на қилич ёрдамида жиҳод қилиш орқали етказиш билан Ислом ҳеч намоён бўлмас эди. Шунингдек мусулмонлар бугунги кунда куфр қонунлари ҳукм сураётган, кофир ва мунофиқлар ҳукмронлик қилаётган бир вақтда ўз масалаларини тақдирни ҳал қилувчи масала деб эътибор қилиб, ҳаёт-мамот масаласи сифатида ёндашмас эканлар, ҳаракатлари ҳеч қандай натижа бермайди ва бир қадам ҳам олға юришлари мумкин эмас.

Шунинг учун биз Ислом мамлакатларида ҳукмрон бўлиб турган ушбу куфр доирасида ҳар бир мусулмонни Ислом мамлакатларини Дорул Исломга айлантириб, уни бошқа мусулмонлар мамлакати билан бирлаштириш учун тариқат сифатида Халифалик барпо қилишга ҳаракат қилишга, Исломни намоён

қалиш мақсадида даъватни оламга кўтариб чиқишга ва Росул ﷺнинг муборак сўзларини тўла имон билан, ёрқин фикрлаб онгли равишда такрор-такрор қайтаришларига даъват этамиз. «Аллоҳга қасам, бу ишни ташла деб ўнг қўлимга қуёшни, чап қўлимга ойни қўйсалар ҳам ташламайман ё Аллоҳ уни намоён қилади ё шу йўлда ҳалок бўламан». «Аллоҳга қасамки, Аллоҳ мени пайғамбар қилиб юборишига сабаб бўлган рисолат йўлида жиҳод қиламан, ё Аллоҳ уни намоён қилади ё шу бўйин ёлғиз қолади».

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Кириш сўзи..... | 3 |
| Сиёсий фикр | 5 |
| Сиёсат..... | 8 |
| Сиёсий тушунчалар | 16 |
| Сиёсат мумкинотлар фани..... | 17 |
| Сиёсат ва халқаро сиёсат..... | 19 |
| Халқаро аҳволни тушуниш..... | 22 |
| Халқаро оила, халқаро ҳуқуқ нормалари ва халқаро қонунлар..... | 25 |
| Сиёсий тафаккур | 32 |
| Сиёсий онг..... | 42 |
| Сиёсий кураш | 48 |
| Сиёсий ишлар..... | 50 |
| Сиёсий тажриба..... | 52 |
| Сиёсат билан шуғулланиш мусулмонларга фарзи..... | 53 |
| Давлат арбоби..... | 57 |
| Сиёсий доира | 61 |
| Бўшлиқ | 68 |
| Исломдаги «ҳукм», яъни «бошқарув» | 70 |
| Исломдаги бошқарув низоми иттифоқ низоми эмас, бирлик низомидир..... | 74 |
| Умумий масъулиятлар | 76 |
| Уммат ва давлат ўртасидаги ажралиш ва муҳосабанинг вожиблиги | 83 |
| Сиёсий ҳизмлар ташкил этиш фарзи кифоя | 85 |

| | |
|---|----|
| Шахсларнинг халқаро сиёсатга таъсир ўтказишлари ва ҳизмларнинг давлатлар йўналишини ўзгартиришлари..... | 87 |
| Демократик низом инсон тузган куфр низомидир..... | 89 |
| Уммат ва Исломий давлатнинг сиёсий масаласи | 93 |
| Тақдирни ҳал қилувчи масала..... | 95 |

